# Кизғалдоклар очилади

821
Э-99



Йўлдош ЭШБЕК

ВЫДАЧ
28.03.22.
8Я1
Э-99
2458



Йўлдош
ЭШБЕК

*шеърлар*

# ҚИЗҒАЛДОҚЛАР ОЧИЛДИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент
" O'ZBEKISTON"
2016

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7
Э-99

Э-99 **Эшбек, Йўлдош**
Қизғалдоқлар очилди [Матн]: шеърлар/Й.Эшбек. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2016. – 264 б.

ISBN 978-9943-28-537-8

Йўлдош Эшбекни адабиёт аҳли, шеърият ихлосманди дарров танийди. Унинг бир қатор шеърлари кўлма-кўл бўлди, оғизма-оғиз айтилди. “Бахтиёрнинг кўшиғи”, “Йиғлаётган қиз”, “Қизғалдоқлар очилди”, “Қадим оҳангларда”, “Бойчибор” каби шеърлари мушоираларни безади.

Шоир жуда кўплаб шеърлар ёзди, лекин ўқувчиларга кам етиб борди. Ижодкорнинг ушбу китоби шу бўшлиқни тўлдиради, ўз шеърхонларини хурсанд қилади ва янги-янги китобхонларни қизиқтиради деган умиддамиз.

**УЎК 821.512.133-1**
**КБК 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-28-537-8
© Йўлдош ЭШБЕК, 2016
© “O‘ZBEKISTON” НМИУ, 2016



## БОЙЧИБОРНИНГ ЎЙЛАРИ

Бойчибор кўкка тикилган. “Ана, оппоқ булутларнинг орасида Бойчибор!” Унинг ўй-хаёллари қаҳрамони – отлар уюри. Уюрдалик пайтида ўзи билан бирга чопишган, узангини узгидай тўпорилик пайтларини, кўнғир, чипор тусли “тенгқурлари”ни кўмсайди. Ундан ҳам олдинроқ ўзи билан тенгдош ва жанговар йўлдоши Алпомиш билан Тарлон бияни эмиб, тулпор бўлган пайтлари кўз ўнгидан ўтади. Қоришиқ ўйлар оғушида яна ва яна жанговар шижоатини қўмсаб, кишнаб-қийқириб, олдинга талпинади:

*Бойчиборнинг биқинида қаноти бор ўн тўрт газ,*
*Шамолларни ўқдай ёриб, бўзлаб-бўзлаб учади...*

*Сенинг порлоқ юрагинг ҳам ахир нурдан, зиёдан,*
*Сен ҳам фақат заҳмат чекиб ўтаяпсан дунёдан...*

Қулоққа яна олис-олисдан отлар дупури эшитилади. Йўқ, отлар дупури эмас, ўтган долғали аср 70-йилларининг суронлари аро ўзбек шеъриятига кириб келган азамат қадамлар: Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Азим Суюн, Хуршид Даврон, Шукур Қурбон, Муҳаммад Раҳмон... Бу тенгдошлар орасида негадир Йўлдош Эшбек номи камроқ тилга олинади. Бунинг сабабини шоир шахсидан излашдан олдин унинг шеърларидан тинглаб кўрайлик:

*Ҳей ёшлик, қийноқни қақшатган умр,*
*Шукуҳсан шиддатли, бардошли,*
*Сен соғлом юзларда қизарган сеҳр,*
*Ҳей ёшлик...*

Йўлдош Эшбек шеърлари ("Бахтиёрнинг қўшиғи", "Қизғалдоқлар очилди", "Бойчибор"...) билан олдимиздан оқиб ўтаётгандай... ("Вақт ўтяпти!", деймиз сал ҳазинлик билан. Бу гапни инсон ўзини овутиш учун ўйлаб топган. Аслида биз ўзимиз ўтяпмиз", Асқад Мухтор). Гоҳида уни сезяпмиз, гоҳида умри ҳам шеърлари каби изсиз кечаётгандай кўринмас...

Йўлдош Эшбек шеърларида азалдан эпик тасвирга мойиллик бор. Шунинг учун ҳам унинг сатрларида қирқ алпни толдирган Алпомишнинг наъраси, Бойчиборнинг дупури, баҳорнинг шивир-шивири қулоғингиз остидан ўтади, уларни тинглайсиз, ҳис қиласизгина эмас, балки тахайюл билан мана шу ўртанишлар жараёнида иштирок этасиз. Сизнинг шеърдаги иштирокингиз ноўрин эмас, балки ҳар бир сатр қатидан шоир ўз шеърхонига, унинг туйғуларига жой қолдираётгандай бўлади. Замонавий адабиётшуносликда дискурс деб аталган бу фавқулодда оддий ва оддийлиги билан ўз иштирокчисига айлантира оладиган поэтик қувватдан дарак беради. Шунинг учун Йўлдош Эшбек шеърларини кўзингиз билан ўқишлик камлик қилади, уни овоз чиқариб, тўғрироғи, бор овоз билан шоир нақоратларига қўшилиб-куйлаб ўқигингиз келади.

*Биз бахтиёр бўлгаймиз хўб,*
*Бизни зафар қучажак!*
*Теппамизда чарх уришиб*
*Қалдирғочлар учажак!*

Бундан қирқ йил аввал битилган ва хотирамизга қирқ йиллик туйғу бўлиб сингиб қолган бу сатрларни бир-икки, ўн ёки юз эмас, балки беш юздан ортиқ талабалар баравар "куйлашгани", пахтазору баракларни тўлдириб, бор овоз билан ҳайқиришгани ҳали-ҳали ёдимизда. Ўн, юз, минглаб кишиларнинг мадҳияни куйлаши оддий ҳолга айланган, лекин шунча оломоннинг бир шеърни



айтиши ва бу жўровозлик уни шеър муҳибига айлантириши ва бу уларни оломонликдан қутқариш завқи экани энди-энди йиллар, қирқ йиллар ўтгандан кейингина билинмоқда.

Ўтган йиллар давомида Йўлдош Эшбек шеър айтишдан тийилгани йўқ. У нашр бўлишини ёки кимдир эшитиб, унга мақтов сўзларини айтиб ўтишини кутиб ўтирмай ёзишда давом этди. Сатрларга йиллар юки қуйилиб, янада оғирлашди, метафоралар мураккаблашиб, залворли туркона байтларни ташкил этди. Баъзан тайёр шеърни ҳазм қилиб ўрганган шеърхоннинг бу жумбоқ истиоралар ортидаги қуюқ фикрни топиши қийинлик билан кечади, уни излашга, ўйлашга ва топишга мажбур этади. Агар шеърхон асар замиридаги покиза ниятни топа олса, ўшанда шоир дилига яқинлашаётгандай, унинг қалб ҳароратини ҳис этиб, ўз юраги ҳам шоир кўнгли билан бир тепаётганини ҳис қилади.

*Кел-ей, дўстим, Оқтовда ҳам қизғалдоқлар очилди,*
*Чўққиларда лолаларнинг ҳилпираши бир гўзал.*
*Туйғуларим адирларга алвон бўлиб сочилди,*
*Мангу уйғоқ чашмалари куйламоқда шўх ғазал.*

Бу қирқ йиллик чорлов яна шеърхонни олис туйғулар юртига элтади, ўша самимий ва шу билан бирга жайдари ўйларни соғинади, шеър замирида шоирнинг тўлқинли ўйлари солланиб оқаётгани, унинг халқона ифодаси ва қўшиқдай тирик руҳига қўшилиб, ўз ҳовлиси, боғи, замин тупроғи ва юрт ҳавоси уни чорлаётганини илғай олади. Эҳтимол, биз Йўлдош шоир шеърларини эмас, туйғуларга, туғёнларга бой ёшлигимизни соғинаётгандирмиз. Орадаги мангу масофани босиб ўтиб, қайтмоқ бўламиз *ўн етти ёш дунёга яна*.

Бир пайтлар профессор домламиз эҳтирослар-ла жўшиб, Йўлдош Эшбек ҳақида мақола ёзганда олим

одам ҳиссиётларини жиловлай олмабди-да, деб малоллангандик. Энди тусмоллаб биляпмизки, Ботирхон домла ўша пайтда ҳар соҳада қалашиб ётган туйғулар ортидаги шоир қалбини кўра олган, у билан имкон қадар ўз туйғулари тилида тиллаша олган экан.

Кутилмаганда, одатий кўникмаларга тескари равишда тузилган сатрлар ҳайрон қолдиради:

*Қор тагида бойчечаклар тўйди жондан,*
*Ер энтикди, секин-секин эриди қор.*
*Баҳоримсан, заминимга ҳаяжонсан,*
*Лекин, бунча эрта келдинг бу йил, баҳор...*

Яна Бойчиборга қайтамиз. “Алпомиш йўқ, Бойчибор йўқ – бу барчаси матал, чўпчак” деган ғамга учраган болалар каби Бойчиборнинг борлигини, унинг мислсиз теран ва чопқир ўйларини соғинамиз:

*Мана, кишнаб юбординг-ку! Ҳеч қолмагин оҳ уриб,*
*Яна учгин, юлдузларга қанотингни ёз энди!*
*Мен турибман, тишим билан михларингни суғуриб,*
*Сен турибсан, учмоққа шай, учмоқ сенга соз энди!”*

Ўз китобхонларини қайта топаётган “Қизғалдоқлар очилди” шеърларига Бойчиборнинг парвозини тилаймиз:

*Сен нур каби яйраб учгин, сен қўшиқсан Бойчибор!..*

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

# Мангу масофа



## СЕНИ СЎРОҚЛАЙМАН

*(Қадим оҳангларда)*

Остонангга дилимнинг
Торларини бойладим.
Мен бир дунё сулувдан
Сен сулувни сайладим.

Сайладиму кўзимда
Ҳалқоб-ҳалқоб ёш бўлди.
Бу бевафо дунёнинг
Бағри менга тош бўлди.

Сен юлдузсан – кўл етмас,
Ошиқ бўлдим, сулувим.
Энди сенинг ўрнинга
Кўшиқ қолди, сулувим.

Бир қўшиқки, дилимнинг
Тубларига зил бўлар.
Айтсам оҳдир, айтмасам
Сарғайтириб сил қилар.

Остонангга дилимнинг
Торларини бойладим.
Мен бир дунё сулувдан
Сен сулувни сайладим.



Эшигинг зулфаклари
Тилло экан, билдим-ку.
Қўлим калта эканин
Билиб, бағрим тилдим-ку.

Тилим бағрим ичинда
Дардинг сезиб ётади.
Қўшиқ қилиб қалбимни
Кўзларимга отади:

Кўзларимда айланган
Халқоб-халқоб ёш бўлди.
Бу бефаво дунёнинг
Бағри менга тош бўлди.

## ВАТАН

Ишқимнинг ҳар они умрингдан нафас,
Қўшиғимнинг жони сенинг нурингдан.
Сен деб фидо бўлсам, қолгум муқаддас –
Гуноҳим тўкилгай, шаккок умримдан.

Ҳар чеккан ингроғинг сабабкори – биз,
Ҳар кўрган шодлигинг бизга атодир.
Мудроқлар қолмаса – бахтиёрингмиз,
Уйғота олмасак, умр хатодир!

Фақат сен ҳақдадир ҳар битта шеърим,
Корингга яролса – сурурим менинг.
Армонинг, қувончинг, ғуруринг, меҳринг,
Аллаларинг сенинг – сурудим менинг!

## ҚОЧАЁТГАН БЎРИНИНГ БОЛАСИГА АЙТГАНИ

Ота бўри томоғидан,
Бола бўри оёғидан
                ўқ еди.
Ғазабидан кўзларига қон қуйилиб,
Ота бўри боласига шундай деди:
– Падарига лаънат уларнинг!
Оқсама!
Чопаяпман-ку
        ичимга ютиб,
            бўғзим қон бўлса-да.

Тўғри юр!
Югур!
Менинг болам бўлсанг оқсама,
Оёғинг узилиб тушса ҳам!
Оқсаганинг кўриб қолсами,
Яна қувар ортингдан одам.

## ТОВУШ

Мени чақиргандай бўлади гоҳо,
Йироқ-йироқлардан қандайдир товуш.
Насиб этарми деб абадий сафо,
Ўйлайман, қайтарми учиб кетган қуш?

Руҳ сўнди, ҳуш учди, гоҳида беҳуш
Бўм-бўш кўнгил билан қолдим беишонч.
Лекин йироқлардан ўша хур товуш
Мени чорлаб турди – илоҳий қувонч!



Севгилим ишончсиз боққан дамлар ҳам,
Дўстларим ўкситган ғуссали пайтлар,
Йироқ-йироқлардан у товуш бардам
Чорлаб турди – сўзсиз шоҳона байтлар!

Поезд чинқириғи... турна овози...
Гоҳ най мусиқаси... ингичка узун.
У товуш келади, қанотин ёзиб,
Чорлайди, қувончга кўтармоқ учун.

Энг яқин жигардай мадад бўлар у,
Энг яқин дўст каби ҳамдард бўлар у,
Энг қийин пайтларда онадай мушфиқ,
Боланинг меҳридай шафқат бўлар у.

У товуш – даъватинг, қудрат бахш этган,
Мен етиб келурман қайда бўлсам ҳам.
Сен чорлар экансан, демак, керакман,
Эй, Ватан – жигарим, онам ва болам!

## СЕН САБРИМ – ЖАҲОНИМ

Сабрим, қалтирайман сенинг ёнингда,
Менга меҳмон бўлма. Мени соҳиб бил.
Сен тишларим орасинда, қонимда,
Мен сенга содиқман! Иқбол ваъда қил!

Одамни ўрайди гоҳ муттаҳамлар –
Омадга «ҳакам»лар бахтга «ҳакам»лар,
Тишларим синади, мени фош қилма,
Оғзимдан тўкилма, тўкилма!

Оёғим тупроққа аста чўкади,
Бўғзимга тоғларни улар тўкади.
Мен Фарҳодман десам, устимдан кулма,
Сен сабрим тиззаси, букилма!

Бахтга кетаётган одам ёлғиздир,
Гарчи дўстлари кўп, Бахт гўзал қиздир,
У ташлаб кетса ҳам, сен ташлаб кетма,
Мағлуб қайтар бўлсам, мени тарк этма!

Кўксимда тоғ бўлгин, кўзимда чироқ,
Юзимга нурингни сочиб тур ҳар чоқ,
Порлаб тур, одамлар қошида сотма,
Сен мени ҳеч қачон бахтсиз кўрсатма!

## ЙИҒЛАЁТГАН ҚИЗ

Бу оғир боғ ичра оғир қадамлар
Ташлаб кетаётган оғиргина қиз,
Дунё кўзларингдан дунё аламлар
Томчилар, ҳар бири бир улкан юлдуз.
Томчилар кўзингдан норасидалик,
Сўзга айланмаган ёниш томчилар.
Бешафқат дийдорми оғир жудолик,
Йўқотиш томчилар, топиш томчилар.
Йўқ, сени алдаган, биров алдаган,
У сени севгандир, йўқ, йўқ, севмаган.
Кўксингга чиройли ўқлар қадаган,
Бировлар алдаган, биров алдаган.
Томчилар кўксингдан келаётган куз,



Оғулар томчилар, гуллар томчилар.
Яқин хотиралар... идрок фаромуш,
Виждонингни ўйиб урар томчилар.
Виждонсиз номусли ниқобин қўймас,
Виждоннинг ҳар дами руҳий изтироб.
Виждонсиз хатосиз кунлардан тўймас
Виждон бу хатодан улғайган азоб.
Сени юпатмоққа журъат йўқ менда,
Сен менинг кечмишим, умрим бўлаги.
Фақат мен қайғулар тиларман сенга,
Каттакон қувончнинг унсиз ўланин!
Алданмоқ тиларман сенга кўп марта,
Алданмоқ – дунёга назар, англамоқ.
Алданмоқ – кўз ёши қилмоқ, йўқ, артмоқ,
Алданмоқ – курашга отланмоқ демак.
Йиғламоқ тиларман, қайнаб йиғлагин,
Тишларингни секин қайраб йиғлагин!
Ўнта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Юзта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Мингта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Паймонанг тўлгунча, тўйгунча йиғла!
Улар лаззатхўрлар, қароқчилардир,
Умрлари узун, соб бўлмас, эсиз!
Бу дунё аслида алдоқчилардир!
Бу дунё аслида йиғлаётган қиз!
Мен сенга қўшилиб йиғлай олмасман,
Фақат бош эгаман қайғунгга сўзсиз.
Мен сенга талпиниб асло толмасман,
Мен сени севаман, йиғлаётган қиз!

## КЕЧИНМА

Агар Фарҳод каби тоғмасман,
Йўқот мени.
Агар Тоҳир каби оқмасам,
Этмагин,
озод мени.
Ширин, Зуҳро бўлсанг, билмасам,
Сот мени –
сот мени!
Басир бўлсам,
кўрмасам,
От мени –
Уйғот мени!

## ТОШКЕНТ

*Туққан она кундан яхши,*
*Боққан она ундан яхши.*

Мен секин юраман, эй азиз маскан,
Ҳар бир қадамимни босиб эҳтиёт.
Манфаат эмасдир, олганимдир тан,
Сенга бўлмаганман ҳеч вақт етти ёт.

Ҳовучлаб юраман гоҳида жонни
Кўрқоқ аталади гарчи Андиша.
Топтаган бор бўлса шундай маконни,
Ким, қайси асрда – лаънат ҳамиша!



Шундоқ қўл узатса етгулик жойдан,
Мен бойлик ахтариб келмадим бироқ.
Доим миннатдорман сендай хумойдан,
Гарчи азоб чекдим, шодликдан кўпроқ.

Кўнгил мусибати бахтимдан катта,
Руҳий кулфатларни кечирдим бошдан.
Меҳрга зорликни билган, албатта,
Миннатдор бўлади қадимий Шошдан.

Учар талабалар шаҳарчасини
Тўлдириб зор қўшиқ – соғинчни сездим.
Мен туйиб қўшиқнинг жонбахш сасини,
Хаёлан Самарқанд ёқларни кездим.

У ҳам пойтахт эди, наки ўзбекка,
Ҳаттоки жаҳонга десам лоф бўлмас.
Тошкент ини бўлса, Самарқанд ака,
Бир-бирин меҳрисиз кўнгли ҳам тўлмас.

Ёдимда уйғонди кенглик, даштларим,
Улуғ шаҳарларим, адрларим шод.
Эй, оташ умримнинг кескир шаштлари –
Умримга баробар беш йиллик ҳаёт!

Мен сенда англадим, нимадир Ватан,
Нимадир хиёнат, дўстлик, замона.
Таърифлаб беролмам барин дафъатан,
Меҳрни англадим, эй боққан она.

Меҳр – бу барчага уйдир ягона,
Изғиринли кунлар фақат паноҳ у.
У барча тушунган ёлғиз тил, она,
У барча ахтарган энг азиз туйғу!

Шунчалар инжаки, совуқ зулматда –
Илиқ табассуми ёғдули, яқин.
Ингичка бўлса ҳам ярадор пайтда
Бемалол суяниб яшамоқ мумкин.

Ҳар битта тошкентлик қўли кўксида,
Қуёшдай жилмаяр ҳар бир шоший юз.
Ҳақиқат ахтариб келган ўксимас,
Қитмирларни қўйинг, эсламанг, эсиз.

Болаларим киндик қонлари томган,
Не улуғ зотларнинг хоки сенда жо.
Ўз ерин топтаган қачон бахт топган,
Мен секин юраман ўлгунимча то!

**О, КЎЗИМ**

*Ботир Зокиров хотирасига*

Менинг кўз ёшим тинди,
Кўнглим эзилди, синди,
Таним нажот ўтинди,
О, кўзим! О, кўзим!

Сўзимда қайғу қолди,
Ўзимда қолди ситам.



Висол нега йўқолди,
Бу қандай ҳижрон экан?

Борми бундан хабардор,
Сен ситамга ҳотамтой.
Сен бунча бой жафокор,
Мен бунча бардошга бой.

Бу бепоён жабрни,
Айтиб тилим толурми?
Ким берди бу сабрни,
Қайтиб ола қолурми?

Дарё-дарё зардобим,
Ичаётган шаробим,
Қайда ороми хобим,
О, кўзим! О, кўзим!

Бу дунё бебош дунё,
Қайғуга отдош дунё,
Умидга йўлдош дунё,
О, кўзим, о, кўзим!

**МАНГУ МАСОФА**

Бизнинг орамизда масофа бордир,
Ширин ҳақиқатлар сўзларим гоҳо.
Ўзимни санайман бир кўрқоқ кодир,
Қодирлик – мақсадга сақламоқ вафо.

2458.
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI FILIALI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI

Ширин ҳақиқатлар сўзладим гоҳо,
Оғримасин дедим кўпларнинг дили.
Жим турдим. Гапдонлар – бир чечан фано.
Жим турдим. Боғланди аччиқ ҳақ тили.

«Чарчадим. Болишни нарироққа сур,
Чарчадим бу сотқин ўйлардан тамом.
Мен сени севмайман. Ўйлайман нуқул,
Нечун оча қолдинг эшикни осон.

Мен сени севмайман. Бораяпман тўлиб.
Бу қандай карахтлик! Бу қандай сафо!»
Сигаретга секин чўзилар қўлим,
Лабимни тополмас титрар... масофа!

Мен сизга ҳеч қачон кулиб боқмайман,
Эй, чечан дўстларим! Эй, чечан ҳаёт!
Мен мангу масофа сари оққайман,
Бу қисмат ҳар кимга бўлмасин ҳеч ёт.

Мен уни топгайман унга етгайман,
Мен – мавҳум одамни ташларман отиб.
Ҳозир шарт тураман. Аммо кетмайман,
Мангу масофадай қоламан қотиб.

**1**

Сени сўроқлайман бу гуллардан жим,
Бу туткун боғларда жимжит тураман.
Ногоҳ тўлиб кетсам, азиз севгилим,
Бу юрган тошларга бошим ураман.



Бордию қуласам майли, бу ерда,
Ҳар қалай тошларни уйғотиб кетсам.
Мен тоғман, соқовман шамолда, елда,
Бу тошлар майдадир, сайратиб... кетсам.

Тоғман юролмасман, етаман қачон –
Қиблага энгашиб йўлинг пойлайман.
Ҳар куни бошимга урилар осмон,
Дилимга осмонча бардош жойлайман.

Жойлайман... бир куни ўкирмоқ учун,
Энг кучли, энг гўзал гулдирос билан.
Жойлайман... пойингга тўкилмоқ учун
Ва кўкармоқ учун тоғ каби баланд!

**2**

Қандай ошно эди мана бу ўтлар,
Мана бу дарахтлар қандай шод эди.
Қандай жарангларди ўша сукутлар,
Ҳар лаҳзанинг ўзи бир ҳаёт эди.

Обод қайғуларда энтикар эдик,
Янграган далалар қўйнида шодон.
Кўшиқ кўзларингда кенг олам эди,
Сочинг сукунатга оташ қўзғолон!

Шунча шодлик ётар менинг ёдимда.
Оҳ, бунча бардошли ёдим бағри кенг –
Сен унда уйғоқсан. Лекин у дамлар
Бағри тош ҳар тошга исён эдим мен!

## КЎЗЛАРИ КЎЗГУЛИГИМ

Сочлари тўзгули қиз,
Кўзлари сузгули қиз,
Мен сени чақирмовдим,
Кўзлари кўзгули қиз.

Э, кўнгли тилсимгина!
Нафаси насимгина!
Сўрамасдан дилимга,
Киравердинг жимгина.

Ўрганиб қолган эдим,
Хуш мулойим кулгингга.
Ёлғиз кўп толган эдим,
Кўлчалари гулгина!

Ёлғонинг ўқми эди,
Тиконинг кўпми эди,
Забонинг йўқми эди,
Тиллари тутқунгина!

Кетмоқдин маъни энди,
Хайр-хўш қани энди,
Топилмасим, олмосим,
Қайлардан топай сени?

Ғамгузоринг бормиди,
Вафодоринг бормиди,
Биз билан яшаш шунча
Номусмиди, ормиди?!



Бир бедоринг бўлайин,
Беозоринг бўлайин,
Қайдасан, ғунчагинам,
Бир бедоринг бўлайин,

Сочлари тўзғулигим,
Кўзлари сузгулигим,
Мен сени чақирмовдим,
Кўнглимни бузгулигим!

Сочлари олтинли қиз,
Ёноғи ёлқинли қиз,
Мен сени чақирмовдим,
Арзонга сотдингми, қиз?

Киприклари бошпанам,
Бир оз меҳри тошқиним,
Э, кўнгли тилсимгина!
Нафаси насимгина!

## ЖУДОЛИК

*Абдулла Матёқубов хотирасига*

Дўстинг тирик чоғида
Ўлимни йиғламайсан ҳеч.
Ўлганда йиғлайсан ҳаёт пайтини,
Ўлганда йиғлайсан ҳаётини. Кеч.

Саломат чоғингда соғлик ҳақида
Йиғлаганинг каби жуда кам.

Ўлганда ўйлайсан ўлимини ҳам,
Гиналар қиласан, улар оғир, нам.

Тирик чоғларида тор давраларда
Таъналар айтасан кўз ёшсиз, ўктам.
Тирик чоғларида бор яраларга
Фано топганида қўясан малҳам.

– Қисинма! – деб таскин этардинг,
– Қисинма! – деб менга малҳам қўярдинг,
Кўзойнак ортидан боқиб мулойим
Сен содиқ лаҳжангда қўшиқ куйлардинг.

Боладай қувнардинг иқболлик бўлсам,
Сен қаттиқ ранжирдинг, кўполлик қилсам,
Мен хафа бўлардим, мен худбин банда,
Хизматинг қилардим, оғажон, билсам.

Ёзай десам дафтар қабрингдай йирок,
Жим турсам у оппоқ қалбингдай яқин.
Менда бир чора бор, бир илож – қўрқоқ,
Бу илож — мен, сенга айтмаган таскин.

У менинг, кўксимда излайди нажот,
Сен қаттиқ қарайсан, тизларим титрар,
Мен томоша қилиб турибман, наҳот,
Сен чўкиб кетаяпсан, учибмикин ё?

Мен қаттиқ чопаман оёғим боғлиқ,
Сен қаттиқ қарайсан тизларим титрар,



Бу қандай жудолик, бу қандай оғриқ,
Сен қаттиқ қарайсан: «Бошингни кўтар!»

Қисинма – бу ҳаёт йўлларимда гул,
Қисинма – бу қаттиқ талаб, юмшоқ дўқ.
Омадсиз кунларим тиргагидир у,
Қисинма – меҳрибон калом, энди йўқ.

Ғофиллик айланиб борар эртакка,
Ёлғондан муқаддас ҳикмат тўкилар:
Оғажон, ўлади ҳар дўст эртага,
Оғажон, эртага душман туғилар.

## ОШИҚ РИВОЯТИ

Баҳордан энтиккан саҳролар,
Шиддатли қушларнинг оқими.
Ёйилиб оққан ҳур дарёлар
Осойиш кунларнинг хотири.

Тоғларда тонглардай кунимиз,
Оҳулар базмийди нурафшон.
Кўнгиллар қаърида гулимиз –
Хунимиз, ишқимиз заъфарон.

Бугун-да мен сени чорлайман,
Гарчи сен келмассан, қувонч йўқ
Ва лекин ёнингга бормайман,
Гарчи кенг шаҳарда суянч

Бу ҳижрон қалъаси мустаҳкам,
Жаннатдай қушларнинг сўзи йўқ.

Агар бу дунё ҳам чинакам
Чинакам дунёнинг ўзи йўқ.

Ўзи йўқ дунёнинг чинакам,
Сўзи йўқ, тузи йўқ, тузи йўқ.
Дўстлар бор, пухта ва мустаҳкам,
Душман бор, кўринмас юзи йўқ.

Муштимни қаёққа ураман,
Душманнинг юзи йўқ, юзи йўқ!
Хастаман, телбаман, куламан!
Дунёнинг ўзи йўқ, ўзи йўқ!

Бағримни захларга бераман,
Оғриқлар, қайғулар туси йўқ.
Кўксимни не учун кераман,
Дунёнинг юзи йўқ, юзи йўқ!

Кўшиқлар устидан куламан,
Жинниман, баттарман, бебошман.
Қалтираб илтижо қиламан:
Ҳижрон маликаси, ҳей, осма!

Шаҳар ҳокимаси, тинч қўйгин,
Кетарман кўшкингни қоралаб.
Севдингми, ўзингни бир сўйгин,
Ишқ пичоғи билан яралаб.

Алвидо! Алвидо! Дил-дор-а!
Зиндонга қайтаман, зиндонга.



Мен сени айтаман... э, ёр-а!
Тупурдим бундайин жаҳонга!

Муносиб олам бор оламда,
Хаёлда имкон бор, имкон бор.
Қон бордир ҳамиша аламда –
Зиндон бор! Зиндон бор! Зиндон бор!

Баҳордан энтиккан саҳролар,
Кушларнинг шиддатли оқими.
Ёйилиб оққан ҳур дарёлар,
Ҳей, сокин кунларнинг хотири!

Қаёқдан келдингиз қаёқдан!
Зиндонга қайтаман, зиндонга.
Пўшт-пўшт! Кўринмас таёқлар!
Зиндонга қайтаман, зиндонга!

Фироқлар эргашманг! Хайр-хўш!
Пичоқлар, йўл беринг! Пўшт! Пўшт!
Қайтаман мен ёруғ жаҳонга –
Зиндонга қайтаман, зиндонга!

## ШИФОХОНАДА

*(Турли мусибатлардан*
*талафот кўрган болаларга)*

Оғочлар гуллади, гуллар-да ёнди,
Сувлар куйладилар, куйлар тўлғонди.
Деразалар секин ёзди қанотин,
Зўр завқдан кўкда ҳам кулги уйғонди.

Дарахтлар шохида гулдай қушчалар,
Гулларда шабнамлар – қушларнинг кўзи.
Шабнамлар бағрида кулган ғунчалар, –
Тилларингдай бийрон баҳорнинг сўзи.

Сен нега кулмайсан энди, болажон,
Кипригингда шаффоф юлдузлар ёнмиш.
Мен сенга қарасам, завқим чалажон,
Қайта қиш уйғонмиш, баҳорлар тонмиш.

Сен нега кулмайсан, кулмайсан энди?
Болажон, болажон, ғамлар соҳиби!
Сенинг ҳузурингга соғиниб келдим,
Энг қувноқ кунларнинг қувноқ оҳини.

Йўқ, мени келтирмиш оддий тасодиф,
Оддий ҳаётимнинг зарурати бу.
Озғин вужудингга қарайман қотиб,
Катта кўзларингда синиб ётар нур.

Акангми, отангга ўхшадим чоғи,
Талпанглаб, мен томон кела бошладинг,



Кўксингда ўзинг ҳам уқмаган оҳинг –
Балки ҳеч киминг йўқ... кўзинг ёшладинг.

Онанинг кўзидай тозадир бу ёш,
Меҳрнинг сўзидир сенинг малҳаминг,
Асли ҳеч кими йўқ хаста одамнинг,
Асли сенга ҳамма ҳамдард, қариндош.

Йиллар тинглар мушфиқ ўктам навони,
Бир шоир мўйсафид ота сингари
Аллалар ерни ва жумла жаҳонни:
«Сен ёлғиз эмассан, тинчлан, жигарим!»

Йиғладинг. Бағримга бошингни қўйдинг.
Вужудингдан улуғ ёшингни туйдим.
– Турналарим менинг қоғоздан, – дединг,
– Шамолсиз учмайди бир оз ҳам, – дединг.

Тилларингдан сенинг! Учдами ёшинг,
Митти вужудингда улкан бардошинг.
Сенга шифо бўлсин, менга дард бўлсин,
Дардингни олайин, кўзларинг кулсин!

Дунёда неки бор ғойибдан келмас,
Дардинг ҳам бир дардли вужуддан мерос.
Мен ўзим ўзимга бераман овоз,
Турфа иллатлардан бўлай деб халос.

Оғриққа чидаган, мард бола,
Оғриққа чидагин – мард бола,

Энди кўзларингни арт, бола
Оғриққа чидашинг шарт, бола!

Мени ҳам, сени ҳам шифолар одам,
Ҳамдардлик ва мардлик, меҳрда ҳотам,
Тузалдим, Сен мени яқин олган дам!
Қиёматли болам! Диёнатли болам!

Дунёда жамики хаста болалар —
Менинг болаларим! Асал болалар!
Рўзғор ҳам, замон ҳам, ҳаёт ҳам асли,
Болаларнинг буюк шифохонаси!

Лекин барча соғлом сенга ўхшамас,
Лекин барча бемор сенга ўхшамас,
Лекин барча табиб шифокор эмас,
Дунёда дард чеккан одам муқаддас!

Мен вайрон дил билан шифохонадан
Чиқаркан не десам бехосдан дедим.
Гарчи бахт кўрганман бу замонадан,
«Турналарим менинг қоғоздан!» – дедим.

Сен йиртиб ташлайсан ҳазин ва ингроқ
Ясалган турналар – қоғозларингни.
Ки, сеза бошлайсан узоқ ва янгроқ
Ҳақиқий турналар овозларини.



## СЎЗ

Сўз – узилмаган ўқ,
Ичимда ётар.
Йўқ,
У менинг ўзимни отар.
Толаман,
Бу сонсиз жароҳатлардан.
Мен омон қоламан
Бир куни
Бу офатлардан...
Йўқ
У ҳеч кимни ўлдирмайди.
Йўқ
Мен омон қоламан –
Отилади ўқ!

## БАҲОР ОСМОНЛАРИ

Бир ажойиб тонг билан майин
Қўшилишиб ёмғирлар ёғар.
Оч пистоқи, ложуворд, заиф
Нурлар сели – зумрадлар оқар,

Дур сочар, ҳовурлар сочар –
Само боқар хурсанд оғриниб.
Эшик очар, дарчалар очар –
Тутар замин ташна бағрини.

Минг хил рангда товланар ҳаёт,
Минг хил рангда ёллуғланар ишқ,

Барчасига улгурмайди шод
Ёнгинларда энтиккан кўприк.

Мен қандайдир унсиз ўкраниб
Кўйлагимни ечиб отаман,
Телба жунун тўла кўкракни
Шу ёмғирга тутиб ўтаман.

Майсаларнинг оғушида жим,
«Абадийлик сари адашиб».
Юрагимга ёмғирлар куйсин,
Деб танимни ечиб ташлардим,

Ғилофларни синдирмоқ пайти,
Ўсар юрак очиқ бағрида!
Бутун олам ёниб порлайди,
Унинг шаффоф учқунларида!

Кўзларидан қуйилар севинч,
Порлар ёмғир аро инсонлар.
Менинг юртим осмонини ҳеч
Тарк этмайди абри найсонлар!

* * *

У чаккангта урганга бу чеккангни тутиб бер,
У унутмайди ҳеч қандай ёмонликни,
Муроса мункайган, Мағрурлик – тиз
чўкмаган эр,
Кун келиб Ёмонлик топмасин омонликни.



Адолат, Ҳақиқат кўрфазидаги
Разолат кемалари – Жаҳолат иплари узилсин.
Яхшилик Ёмонлик ўртасидаги
Муроса кўприклари бузилсин.

Сен чўкма, Иймоннинг тоза боласи,
Нола қил вужудни оловлар ёқмиш.
Ел – олов, сув – олов, юрагинг – олов,
Оёғинг оловлар устида оқмиш.

Юлдузлар титрасин, чечаклар ёнсин,
Сенинг бу покиза нолангдан.
Ватан ғунчаларин бўғзи уйғонсин,
«Озодлик, мен сенинг болангман!»

Сен яшаб туйдингки, Ёмонга қийин,
Яхшига қийиндир сен яшаб уқдинг.
Ёмоннинг қўлида тиғ бордир доим,
Яхшилик гўрда ҳам яхшилик туғди.

Қалқдинг хур гулшанга нопок қадамин
Хилма-хил ниқобли разиллар қўйса.
Қалқдинг, эрк куйчиси – ҳақнинг ҳамдамин
Ичимиздан чиққан Ёсуман сўйса.

Сен чўкма, иқболнинг соҳили йироқ,
Емак бўлмагайсан юҳо тўлқинга.
Ел – тупроқ, сув – тупроқ, оёғинг – тупроқ,
Ўзинг айланасан ёп-ёруғ кунга.

Бор экан томирда мерос ҳис абад,
Бор экан вужудда бу мерос юрак.
Сен толма, жигарим, дардимга ҳамдард,
Сен демак, аслида чўкмаслик, демак.

Сен толсанг ўзимни толган билайин.
Сен толсанг кўшилиб нола қилайин:
«Оға олис замонингдан кел энди,
Қалмоқ элдан – зиндонингдан кел энди».

Чўкмасман, иқболнинг соҳили йироқ,
Емак бўлмагайман юҳо тўлкинга.
Ел – тупроқ, сув – тупроқ, оёғим – тупроқ,
Ўзим айланаман ёп-ёруғ кунга!

Юрагимда авлодлар чўғи,
Томиримда янграр мерос ишқ.
Кўлтиғимга киргин, Гўрўғли,
Қонларимда уйғон, Алпомиш!»

**ИНСОНГА ТАЪЗИМ**

*(Рассом Шуҳрат Абдурашидов хотирасига)*

Сархуш айланади азим Ер шари,
Қуршар юракларни жонажон тилак.
Замин учиб борар Келажак сари,
Истиқбол одимлар ҳаяжон билан.

Биллур қадаҳларда майлар лолагун,
Кулар тақинчоқлар безаб арчани.



Бир ажиб ранглардан порлайди учқун,
Кўзларда кувончнинг порлоқ парчаси.

Ҳей ёшлик, қийноқни қақшатган умр,
Шукуҳсан шиддатли, бардошли,
Сен соғлом юзларда қизарган сеҳр,
Ҳей, ёшлик! Ҳей, ёшлик! Ҳей, ёшлик!

Сен ҳақда битурман бошқа бир кўшиқ,
Битурман сен ҳақда, битурман.
Ана, шиддат билан ловуллар уфқ,
Мен ҳозир оламга тўзғиб кетурман.

Ана тушиб кетди недир жаранглаб,
Бир муддат дарз кетди кувонч жомига.
Уй бекаси келинпошша аланглаб,
Оғринганин билдирди «оҳ-оҳ»ида.

Нотаниш хонадон. Қизарди йигит.
Кампир етиб келди ёрдамга абжир:
– Келган бало шунга урсин, келиним,
«Одам ўлиб кетар тушунинг, ахир».

Қадаҳлар жаранги беради садо,
Давра қалқинади давра бегидир.
Ҳамманинг кўксида бироқ бир нидо:
«Одам ўлиб кетар тушунинг, ахир».

Учрашиб қоламиз жўралар гоҳо,
Улкан мақсадимиз бой бермаслик сир.

Бир иззат истаймиз, бир қадр аммо,
Одам ўлиб кетар тушунинг, ахир.

Яхшилик қилдикми, ёмонликми ё,
Нечун бир-бировга лоқайд беумид.
Биз ҳам шу ҳаётнинг жабҳаси аро
Гоҳида ненидир синдирган йигит.

Оддий маишатга эгамиз бўйин,
Гоҳ қочиб қоламиз не бўлса тахир.
Деймиз: лаззатларга қолайлик тўйиб,
Одам ўлиб кетар, тушунинг, ахир.

Мана, бир аёлга таъзим эмас бу,
Эгилиб букилиб турибди кимдир.
Ялинар у ифлос лаблари билан,
– Одам ўлиб кетар, тушунинг, ахир.

Ахир қанча гаплар ёруғ жаҳонда,
Жамики мазлумлар адолат, истар.
Озодлик туйғуси сиғмагай қонга,
Афғонлар фиғонда, ҳақиқат истар,

Эрк истар ўзбеклар Афғонистонда!
У ёқ томонларда эсар замҳарир,
Майли, изғирини кессин иймонда,
Одам ўлиб кетар, тушунинг, ахир.

Биз-чи, биз учрашиб қоламиз гоҳо,
Улкан мақсадимиз бой бермаслик сир.



Бир иззат истаймиз, бир қадр, аммо
Одам ўлиб кетар, тушунинг, ахир.

Обрў талашамиз, талашамиз шон
Ва Шуҳрат хаёлда ёлғиз тамғадир.
Пинҳон бир-бировга отамиз бўҳтон,
Одам ўлиб кетар, тушунинг, ахир.

Майли, жон ватанга бўлсин жонимиз,
Биз ҳамдард бўлайлик – инсоф кимдадир.
Ватанники эрур, ахир шонимиз –
Одам ўлиб кетар, тушунинг, ахир!

## ҚУВОНЧ

*Қизим Баҳор туғилганида*

Юлдузлар сочилар маъвога,
Эрий бошлар чўққилар қори.
Бир чечаксан ёруғ дунёга,
Сен – баҳорсан, менга, Баҳорим!

Теграмда беҳиштнинг гуллари,
Кулар ҳур, анвойи чечаклар.
Энди менинг гулим гуллади,
Энди мен-ла яшар эртаклар.

Авлодларим яшар мен билан
Ана, мағрур турар Алпомиш.
Кўзларга кўринмас Ёсуман,
Болаларин топди Кунтуғмиш.

У – Шамсиддин тоғангга ўхшаб,
От ёлини тарар Авазхон.
Мен онангга етгунча чеккан
Азобларнинг ҳаммаси ёлғон...

## МЕҲРИБОН МОМО

Момо урчуқ йигирар,
Пешонага тепчир тер.
Момо урчуқ йигирар,
Айлангандай бўлар ер.

Бир пиёла совуқ чой...
Бирпас чўзилиб олар.
– Уйда ким бор, ким бор, ҳой...
Товуқмас бу болалар!

Хаёл билан айтдими,
Гўё уй тўла бола.
Беш ўғлон-чи... қайтдими?!
Уруш. Мотам. Нидолар.

«Дилга меҳр мададкор,
Меҳрдан ийланган-да,
Одамда оқибат бор,
Покланар сийланганда.

Қўшни. Қишлоқ. Жамоа.
Барчасига минг раҳмат.
Битта ўғлим қайтса ҳам,
Кетарди минг мусибат».



Кампир яна урчуққа
Қўлини узатади.
«Шод бўлар чуғурчуқлар –
Пайпоқлар... қизитади!

Қўни-қўшни, қариндош –
Барида бир уй жужуқ.
Одам одамга қондош,
Демакки, ғамхона йўқ.

Гина-кудурат, ғубор, ғам,
Меҳрдан оқланади.
Йироқлашса – ёт, одам –
Сийланса покланади!»

Момо урчуқ йигирар,
Пешонага тепчир тер.
Момо урчуқ йигирар,
Айлангандай бўлар ер.

* * *

Булутларда гуноҳ йўқ, гулим.
Гуноҳ йўқ чақмоқда-ўтда.
Гуноҳ осмонда, кўкда.

Бу оламда гуноҳ йўқ, гулим.
Гуноҳ йўқ ишқда.
Гуноҳ ошиқда.

Одамларда гуноҳ йўқ, гулим.
Гуноҳ йўқ бадкирдорларда.
Гуноҳ юрагида ишқи борларда.

Ҳеч кимда, ҳеч нарсада гуноҳ йўқ, гулим.
Гуноҳ йўқ осмонда, заминда.
Гуноҳ сенда, гуноҳ менда.
Топишолмадик, гулим.

## ПУШКИН МУҲАББАТИ

Мен сенинг муборак жамолинг учун,
Тирик юрагимни нисор айладим.
Мен сенинг илоҳий ҳуснингга тутқун
Руҳим рўйини ҳам гулзор айладим.

Мен асли марҳамат фарзанди эдим,
Кўзим чаманини абгор айладим.
Сени подшолардан баланд тутдиму
Дилимни ҳуснингга мозор айладим.

## ШУНДАЙ ГЎЗАЛСАНКИ...

Мен сенга тикилиб туриб юзма-юз
Энг ёруғ сўзимни айтмоғим керак.
Бироқ бу журъатсиз кўнглимда ҳануз
Ёнган азобларим... Инграган юрак.

Қаторларда учдим сен сари шитоб,
Учоқларда учдим сарсари, сарсон.



Дилимдан тўкилар дардли хўрсиниқ:
«Мен сени севаман! Ишонгин, ишон!»

Алпомишдан кучли, Фарҳоддан баланд
Бир зотни изларми сенинг кўзларинг.
Шу хаёл қайлардан келмишдир бадбахт!
Букилиб-букилиб кетар тизларим!

Бир сурат чизилар дилингда ҳар кун –
Энг маъюс, энг гўзал, покиза бир зот.
Бахтиёр чеҳрамни босмоқдадир хун,
Ёнингга бир боқиб қўймайсан, наҳот!

Шундай нозиксанки, шунчалар гўзал,
Ўйласам, энтикиб қалқинаман жим.
Беш аср нарида оҳ урар ғазал:
«Султонлар осийдир... гадолар муслим!»

Боқиб сўнгсиз тунлар хаёл қаърига –
Тиз чўкиб, тўлғониб, тик туриб ярим:
Шундай босаманки сени бағримга...
Қисирлаб синади қобирғаларим!

## АЛВИДО, СЕВГИЛИМ

Алвидо, севгилим, пок ва оқила,
Алвидо, умримнинг шодмон кунлари!
Дилрабо қўшиғим – ишқим алвидо,
Алвидо, қалбимнинг жонбахш унлари!

Видолар ёш бўлиб қоғозга томди,
Қоғозда эзгувчи мангу айрилиқ.
Дод солиб ул шўрлик севгимиз қолди,
Дилимиз риштасин узмай айрилиб.

Мухрдай босилиб хаёлларингга,
Мен сингиб кетарман ёдингга энди.
Бежавоб саволман ҷаволларингга,
Бешарпа кезарман ёнингда энди.

Санчиқ бўлиб оғритарман қалбингда,
Кўзингни тумандай кўярман қоплаб.
Мунгли қўшиқ каби учиб лабингда,
Оромингг бузгайман доим азоблаб.

Оромингг бузгайман тунда туш бўлиб,
Мен кулиб бокарман уйкуларингда.
Қўл чўзсанг учарман озод қуш бўлиб,
Сўнг қайтиб кирарман туйғуларингга.

Кўз очсанг азонлар пайдо нигоҳим,
Ҳеч тинчлик бермайман қадамларингга.
Йўл юрсанг йўлингни ўрайди оҳим,
Гоҳ алам қўшарман аламларингга.

Қутулмассан, жоним, мендан қочиб ҳам,
Уриб турган қалбман дардли бағрингда.
Энг сўнгги нафасинг бўлиб тарк этсам,
Шунда ҳам томчилаб киргум қабрингга...



## СЕНИНГ ҚЎШИҒИНГ

### I

Биз бахтиёр бўлгаймиз хўб,
Бизни зафар кучажак!
Тепамизда чарх уришиб,
Қалдирғочлар учажак!

Шундай қўшиқ айтган эдинг сен,
Шундай қўшиқ... ҳаётдай азиз.
Ва дунёга қайтган эдим мен,
Дунё менга қайтди ўша кез.

Қўшиғингни булоқлар тинглаб,
Шамолларнинг тили туғилди.
Осмон юзу кўзинг нусхалаб,
Ўпмоқ бўлиб сенга эгилди.

Қалдирғочлар учди тепангда,
Қўшиқ айтиб шўхшан, дилрабо.
Ўн еттида эдинг ўшанда,
Ўн еттига тўлганди дунё.

* * *

Дунёлардан рашк қилдим сени,
Дунёларга ишонмас эдим.

## II

Қалдирғочлар келмоқда учиб,
Баҳор қувиб яшарлар доим.
Ушбу дамда сен ёдга тушиб,
Аламларда қоврилар ўйим.

Сен умрингни бўлдинг иккига
Энди менга икки хил ўйсан.
Тўлиб кетса дардлар кўксимга,
Ёлғизликнинг ҳукмидан тўйсам,

Мададга зор одамдай гоҳо,
Атрофга жавдирар нигоҳим.
Кўзларимда интиқ илтижо,
Кўзларимда тизилар оҳим.

Шунда излаб қоламан зор-зор,
Ўн етти ёш кўҳлигим қайда?
Ва қайтмоқ бўламан интизор,
Ўн етти ёш дунёга қайта.

Мени чорлар илк умринг маъсум,
Мени чорлар ул покиза ишқ.
Қайғуларга чек қўйиб, бир зум
Руҳимда тирилар ул қўшиқ:

«Биз бахтиёр бўлгаймиз хўб,
Бизни зафар қучажак!
Бошимизда чарх уришиб,
Калдирғочлар учажак!»



* * *

Шу ёруғ дунёда ёруғ хаёлим –
Сен эдинг. Йўқотдим. Ишқи заволим.
Балки, бунга жоним, ўзим гуноҳкор,
Балки, бунда сенинг жиддий айбинг бор.

Бугун ғалваларнинг бағрида қолдим,
Бугун сени беҳад соғиндим, толдим.
Ғурурнинг юзига тупурар эдим,
Ахир, бир қайтсанг-чи, тиз чўкар эдим.

Ёлвориб йиғлайман билмам кимгадир,
Шу ёруғ дунёда борсан-ку, ахир.
Инонтириб алдай олмас ҳисларим,
Гоҳо борлигингга инонмас бағир.

Ёлвориб йиғлайман, кулар дўстларим,
Саботсиз вужудни ташлар-да, кетар.
«Сабот энди нечун, ирода нечун?!»
Бешафқат ҳақиқат кўксимни титар.

Кўксимни бешафқат титаман ўзим,
Муаллақ осилиб турар туйғулар.
Нега мен дудуқман, соқовдир сўзим,
Нега ғафлат бўлди сенсиз уйқулар?!

Баҳор келаётир мана, шарқираб,
Қушлар қўшиқ айтар, қушлар қувнайди.
Кўзларимдан кулгу учар тирқираб,
Гуллар ханда қилар, сувлар куйлайди.

Мен эса ботиниб бир сўз айтмайман,
Фақат хотирамга тамғадир ёдинг.
Сенсиз шу баҳорни не деб атайман,
Сенсиз бу юракнинг нимадир оти.

Мен яна кўксимни тита бошлайман,
Тарк этиб кетибди бағримни бағир.
Наҳот, мен... наҳотки кўзим ёшлайман,
Ахир, сен йўқсан-ку, борсан-ку, ахир.

* * *

Гоҳо жонга тегар тинимсиз шовқин,
Гоҳо тор келади шу улкан шаҳар.
Шунда сокинликни кўмсаб қолар дил,
Шунда кенгликларга югургинг келар.

Истайсанми йўқми, шундай ҳол бўлар,
Асабинг толиққан, ҳорган онлари:
Гоҳо томирингда қўзғалиб қолар,
Олис аждодларнинг озод қонлари.

## ҚИШЛОҚДАН ҚАЙТИШ

Атрофимда қушларнинг саси,
Адо бўлиб бормоқда саҳар.
Силкинади қирлар елкаси,
Тўлқин отиб чопар майсалар.

Сездирмай, деб онам кўз ёшин,
Секин-секин ортда қолади.



Лутфига зор бўлиб қуёшнинг
Уфқнинг ҳам бағри ёнади.

Олдда кутар ташвишлар доим,
Ортда қолар иқболим бироқ.
Ортда қолар туғилган жойим,
Чаманларга ўранган қишлоқ.

Ўксиб-ўксиб ундан изладим,
Беғубор доғ – гўдак изларим.
Чанглар кўмган жажжи ҳисларим,
Нафасимнинг оташ исларин.

Ҳижрон мени бир кун соғинди,
Бир кун бўлдим онам ёнида.
Висол менга бир кун сиғинди,
Бир кунга ғам ўлди қонимда.

Адо бўлиб бормоқда саҳар,
Атрофимда қушларнинг саси.
Тўлқин отиб чопар майсалар,
Силкинади қирлар елкаси.

* * *

Ҳадемай қуёш ҳам кулгайдир,
Бир кунлар бошланар ёқимли.
Чечаклар атрига тўлгайдир,
Чайқалган саболар ёлқини.

Булбуллар навосин ариқлар,
Тошлардан тошларга ургайдир.

Ой оқиб бораркан шарқираб,
Шахтидан офтобни кўргайдир.

Бу – менинг куртакли ўйларим,
Бу – қишнинг охирги бир куни.
Эртага тулпорлар куйлайди
Титратиб тонгларнинг кўксини!

## ҚИЗҒАЛДОҚЛАР ОЧИЛДИ

Кел-ей, дўстим, Октовда ҳам қизғалдоқлар очилди,
Чўққиларда лолаларнинг ҳилпираши бир гўзал.
Туйғуларим адирларга алвон бўлиб сочилди,
Мангу уйғоқ чашмалари куйламоқда шўх ғазал.
Сочларига бинафшалар тақиб қизлар турланар,
Гўзалликнинг табиийси, асли тоғда бўлади.
Ана, куйлаб қайтмоқдалар бахт қўшиғин турналар,
Энтикишдан ёрилгудай тўрғай наво қилади.
Бирам гўзал туюлгайдир ташвиш тўла бу ҳаёт!
Жуманбулбул нафаси бор чўққиларга бошлайман.
Тоғликларда кўрсанг агар бирор сунъий илтифот,
Мен ўзимни шаксиз ўша чўққилардан ташлайман.
Тоғликларнинг одамларга ишончи ҳам тоғ каби,
Бизда уйлар баланд девор бирла ҳеч вақт ўралмас.
Қон-қонига сингиб кетган меҳмондўстлик матлаби,
Лекин, билки, нияти шум одам узоқ туролмас.
Кўриб кетгин, қалбимиздай очиқ турар эшиклар,
Қалдирғочлар уйимизга ин қуришар бемалол.
Кенгликлардан оқиб кирар ойдин, маъсум қўшиқлар,
Оқиб чиққай туйғуларим қўшиқ бўлиб безавол.



Туйғуларим адирларга алвон бўлиб сочилди,
Кел-ей, дўстим, Октовда ҳам қизғалдоқлар очилди!

* * *

Япроқлар тўкилар дардчан синглимнинг,
Жим-жим йиғлашидай, кўз ёшларидай.
Япроқлар тўкилар аста-аста жим,
Сукунатнинг секин титрашларидай.

Учган хазонларга қараб ўйлайман,
Эсга тушар хазон бўлган муҳаббат.
Мен ёруғ оламга бир зум сиғмайман,
Пок кунларга бир зум қайтаман, фақат.

Япроқлар тўкилар Мир Алишернинг,
Оҳиста оҳлари, афсусларидай,
Япроқлар тўкилар эҳ Миртемирнинг,
Кексайганда туйган мунг, ҳисларидай.

Учган япроқларнинг қисмати оғир,
Энди шамолларда йўқ асло шафқат.
Улар қанча кутиб тугаган сабр,
Тишлари қисирлаб чарчаган нафрат.

Мен туйиб бораман шунча туйғуни,
Ёрилиб кетишдан қўрқаман, ишон.
Ва тунда уйғотиб қаттиқ уйқумни,
Омон қолганимдан бўламан ҳайрон.

Тарк этиб боради хонамни зулмат,
Деразамга тегиб жаранглар қувонч.

Тилларанг япроқлар шодликдай, фақат
Энди юрагимда уйғонади тонг.

Учган хазонлар-да, бергудай ором,
Маҳзун боғларимга узатади қўл.
Энди япроқлар ҳам тўкилар шодон,
Куртакларга секин бўшатади йўл.

* * *

Қор тагида бойчечаклар тўйди жондан,
Ер энтикди, секин-секин эриди қор.
Баҳоримсан, заминимга ҳаяжонсан,
Лекин, бунча эрта келдинг бу йил, баҳор?!

Турфа рангга ўраб келдинг сен борлиқни,
Ранглар рангсиз бу оламга зебу завол.
Куявердим, шиддатларим кўп толиқди,
Эй, бунча ҳам эрта келдинг бу йил, баҳор?!

Хил-хил ранглар оқ оламга зебу завол,
Хил-хил рангга етайин деб етмайди ҳол.
Сен беозор, учкур вақтнинг оғуши тор,
Эй, бунча ҳам эрта келдинг бу йил баҳор.

Лутфингга мен кўп зор эдим, бедор эдим,
Дилда сенга туҳфаларим бисёр эди.
Эҳ, кечикдим! О, бу билан не ишинг бор,
Келавердинг, жуда эрта келдинг, баҳор.

Сен қизларнинг сочларида ғивирлайсан,
Сен – лолалар ёноғида кулган ашъор.



Соғинганим ҳаққи маъюс шивирлайман:
Эҳ, бунча ҳам эрта келдинг бу йил, баҳор?

* * *

Гулдан атир сочилаверар,
Сочилади менинг руҳимга.
Қизил гуллар очилаверар,
Очилади менинг руҳимда.

Лекин, бизлар...
          қайрилиб кетдик,
Икки ёққа
          айрилиб кетдик.

Гулдан атир сочилаверар,
Сочилади менинг руҳимга.
Тўғри йўллар очилаверар,
Очилади менинг руҳимда.

Лекин, бизлар...
          қайрилиб кетдик,
Секин-секин
          айрилиб кетдик.

## ҚИШЛОҚҚА ҚАЙТИШ

Жимжит дала. Жуда кенг дала,
Дилда сокин кўзғалар бир ҳис.
Учиб юрган қушлар чуғурлар,
Кетаяпман фақат мен ёлғиз.

Орасида заъфар боғларнинг
Кўкармаган уйларимиз бор.
Орқасида кўкиш тоғларнинг
Томи тупроқ уйларимиз бор.

Юрагимда ёруғ бир ҳасрат,
Кетаяпман фақат мен ёлғиз.
Асабларим тиниқдир беҳад,
Юрагимда нидолар унсиз.

Майин елга ҳислар беланди,
Тебранади туйғулар сара.
Мен қўшиқлар айтгим келади,
Учиб юрган қушларга қараб!

Ярашмайди бақирмоқ фақат,
Кетаяпман ненидир ўйлаб.
Кетаяпман дил тўла ҳасрат,
Сокингина қўшиқлар куйлаб.

## БОЙЧИБОР

### I

Эсимда бор биз бир тўда мурғаккина болалар,
Тинглар эдик Гала бобо достонларин берилиб.
Мунғаярдик хуш дўмбира қилса ногоҳ нолалар,
Бек Алпомиш ғолиб келса кўяр эдик керилиб.

Бизга нима демас эдик, бола қалби беғубор,
Қувликлари бўлса ҳамки, ҳақиқатга тўладир.



Кимда кимки тилагида, юрагида ўти бор,
Ҳақиқатдан жудо бўлган куни руҳан ўладир.

Мунғаярдик хуш дўмбира қилса ногоҳ нолалар,
Гарчи бизлар билмас эдик қайғу  нима, ғам нима.
Қалдирғочдай ҳасратлари дилимизни поралаб,
Сўрар эдик: Гала бобо, Қалдирғочой бўлган-а?!

«Бўлган, болам! Ҳали ҳам бор!» деса кўкда бошимиз,
Биз тупроқли кўчаларда чанглар билан учардик,
Лекин ногоҳ дуч келди-ю, Қувватқул тенгдошимиз,
«Алпомиш йўқ! Бойчибор йўқ!» деган ғамга учрадик.

Ана шунда, биласизми, азизидан ажраган
Кишилардай қотиб қолдик биз, болалар ғамгусор.
Сўнг мен дедим: Қувват жўра, яхшиликча жўнаб қол,
Гала бобо алдамайди: Алпомиш бор! Барчин бор!»

– Ҳе, буларнинг бари матал, бари чўпчак деди у,
– Тўхта, дедим, тайсалладан у қочмоқчи эди-ю,
Алпомишга тақлид қилиб кўтариб, ерга урдим,
Гарчи тоғлар титрамади, лекин уни учирдим.

Шундан бери йигирма йил ўтиб кетди орадан,
Катталарнинг ичида ҳам Қувватқуллар бор экан.
Лекин ҳамон мен уларга ҳайқираман: Барчин бор!
Ана, оппоқ булутларнинг орасида Бойчибор!

Ана, унинг кўзларида порлаб илоҳий ҳавас,
Ул юлдузни – Ойбарчинни кўзлаб-кўзлаб учади.

Бойчиборнинг биқинида қаноти бор ўн тўрт газ,
Шамолларни ўқдай ёриб, бўзлаб-бўзлаб учади.

Жонидан ҳам суягидан оғриқ ўтиб боради,
Ахир, михлар қоқди тилло туёқларига.
Тишларини тишларига қўйиб кетиб боради,
Чидаб қаттол ғанимларнинг қийноқларига.

II

Марра яқин, бир озгина бардош қилгин, жонивор,
Сен ҳаммадан, сен ҳаммадан ақллисан, Бойчибор!
Сенинг порлоқ юрагинг ҳам ахир нурдан, зиёдан,
Сен ҳам фақат заҳмат чекиб ўтаяпсан дунёдан!

Кўзларингга қадалгандир, қара, қатор милтиқлар,
Сен-чи, учиб борадурсан, юзларингдан оқар қон.
Бир замонлар туёғингга санчилган ўша михлар,
Гоҳо менинг дилимга ҳам қадалиб турар ёмон.

Эҳ, яна ҳам йўлларингни ўрамасми ғанимлар,
Зоти қандай эди, дея сўрамасми ғанимлар.
Ў, не бўлди ҳаммасидан ўзиб кетдинг, жонивор,
Тутиб олса энди яна хўрламасми ғанимлар.

Нафас ютиб ўйлаяпман, ҳамон шу ўй бошимда,
Сени кутиб Алпомишу Ойбарчиннинг қошинда.
Бек Алпомиш тарафинда ғанимлар-ла солишиб,
Ахир ҳамон яшаяпман алплар билан олишиб.

Улар кўпу биз беҳад кам, лекин камкуч эмасмиз,
Давлатимиз биз улардан асло кам-ку демасмиз.



Сен нур каби яйраб учгин, сен қўшиқсан Бойчибор!
Нокасларнинг қўшиқ билан ахир қандай иши бор!

Хайриятки мана етдинг! Нега ичинг урасан,
Нега бунча маъюсдирсан, нега хомуш турасан,
Кўзларингда илоҳият учқунлари порласин,
Буни кўриб ёмонларнинг ичлари бир зорлансин.

Мана, кишнаб юбординг-ку! Ҳеч қолмагин оҳ уриб,
Яна учгин юлдузларга қанотингни ёз энди!
Мен турибман тишим билан михларингни суғуриб,
Сен турибсан учмоққа шай, учмоқ сенга соз энди!

* * *

Титраб-титраб қўяди кўкрак,
Кўтарилиб тушади чойшаб.
Ой, сен мени қўшиққа ўраб,
Кўтарасан осмонлар оша.

Деразамнинг ортидан дарахт
Кириб бошим узра селкиллар.
Атрофимда энтикади Бахт,
Мен шоҳ десам: қулдай эгилар.

Қушдай учиб кирар юракка
Хавотирга солиб қувончим.
Бу хавотир мағрур юрмакка
Ўргатади яна ишончим.

Ҳеч ҳам уят эмаскан, эсиз,
Мен қийналиб, ҳам қийнаб сани...

...Ҳаяжонда энтикади қиз,
Хотирлаб илк бўсани.

Атрофни оқ тонгларга ўраб
Бу дам ўчиб боради Ой – Шам.
Титраб-титраб кўяди кўкрак,
Кўтарилиб тушади чойшаб.

## ГЎЗАЛЛИК ТУЙҒУСИ

Бу кумуш ёзларим оғушида жим
Қарайман, ярқирар тоғларнинг боши.
Бошида тип-тиниқ осмон — «мунажжим»,
Қандай чидар экан тоғларнинг тоши.

Бу тоғлар қўйнида тонглар отаркан,
Ҳар тошга тегаркан нурлар жаранглаб.
Тоғликлар қандайин яшаб ётаркан,
Қандай чидар экан бу тонгга қараб,

Хўрсиниб кетаман йироқ адрлар –
Бу яшил тўлқинлар товланиб юрса,
Қандай чидар экан унда сабрлар
Подалар кўксига қадалиб турса.

Болалар титрайди – турналар куйлар,
Шаффоф танларида ўтли хаяжон.
Қандай чидар экан дейман мен ўйлаб,
Бундай мусиқага кичкина осмон!



Менинг юрагимда ранглар ҳукмрон,
Оҳанглар муҳтождир зўр тасаллимга.
Мен қандай юрибман тирик ва омон,
Қандай чидаяпман бу гўзалликка.

Бунга чидаганни кучли демасман,
Гўзаллик навқирон, кучли ва қадим.
Йўқ, асло ўзимдан рози эмасман,
Демак, мен ўзимни англай олмадим.

## ТЎРҒАЙ

Самода муаллақ пириллар тўрғай,
Томоша қилар у гўё дунёни.
Тўрғай навосидан дил туғён ургай,
Кимлардан ўрганди дилкаш навони.

Бир зум ором олиб, бир зум тин олиб
Ширин туйғулардан энтикар қалбим.
Ўйларим тўрғайга урилгай бориб,
Деймен, шу қушмикан оддий ё балким...

Бахтиёр халқимнинг қувноқ овози,
Тутдими самони куйга тўлдириб,
Асрлар кутилган озодлик сози,
Ё мағрур куй чалар ёвни ўлдириб.

У канча йил фарзанд дардида куйиб,
Бугун она бўлган аёл қувончи.
Минг йиллардан буён бағрини ўйиб,
Ё рўёбга чиққан инсон ишончи?

Дардли сийнасига шодликлар кириб,
Энтиккан она ер навосимикан.
У кўкнинг заминга сархуш термулиб,
Куйлаганда қайтган садосимикан?

Дардли куй тўлдирар бирдан фалакни,
Ҳазин нола қилар тўрғай эзилиб,
Бир зум ғам тумани қоплаб юракни,
Бир зум дард қўйнида тургай эзилиб.

Эҳ, тўрғай бунчалар куйлайди нолиб,
Ўтли кўкрагимда тўлғанар қалбим,
Ўйларим тўрғайга урилгай бориб,
Дейман шу қушмикан оддий ё балким.

Омадсиз ошиқнинг юраги каби,
Фалакда чарх уриб айлагай фарёд.
Ул ўксик онанинг ногирон қалби,
Бемаврид ўлимдан солаётир дод!

У она кўкрагин додлаб излаган,
Гўдак қалбидаги чирқироқ йиғи!
Ё қадри бир чақа бўлиб бўзлаган,
Бир дўстнинг дард ва мунг тўла қўшиғи!

Халқимнинг бошига тушганда қайғу,
Булбуллар инига кетганда кириб,
Содиқ фарзандидай нола қилиб у,
Юртим осмонида учган чарх уриб.

Она-ер бағридан отилиб ўқдай,
Бир замон эзилиб куйлаган гарчи,



Бугун тепамизда у оташ руҳдай,
Бугун аҳдимиздан оламга жарчи!!

Сиз ундан уқмангиз ўзга бир маъно.
Юракларни эзиб куйласа гоҳи.
Доим ҳушёр бўлинг авлодлар дея –
Кўкда учиб юрар аждодлар руҳи!

* * *

Балки у ҳам ўзича ҳақдир,
Тўғрилигим балки ўзимга.
Мени унга учратма, тақдир,
Уни ҳам кўрсатма кўзимга.

Энди сира кўнгил тўлмайди,
Ул омадёр кунларим тушдай.
Йўқ, йўқ бундоқ яшаб бўлмайди,
Тўдасидан айрилган қушдай.

Йўқ, йўқ, бундоқ яшаб бўлмайди,
Бу шовқинли дунёда беун.
Ғамгинликка жуда ўхшайди,
Фақат ўйлаб яшамоқ, тушун.

Йўқ, йўқ бундоқ яшаб бўлмайди.
Агар ўзи келса ҳам қайтиб.
Энди сира кўнгил тўлмайди,
Келса ҳам шод қўшиқлар айтиб.

Йўқ, йўқ бундоқ яшаб бўлмайди,
Бу шовқинли дунёда беун.

Муҳтожликка жуда ўхшайди,
Фақат ўйлаб яшамоқ, тушун.

Йўқ, йўқ! Бундоқ яшаб бўлмайди!

* * *

*Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,*
*Рауф Парфи*

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Ҳаволарга таратиб атр.
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Юрагимда чақнайди сабр.

Очилади оғир дераза,
Юзларимга урилади тафт –
Иссиқ.
Олов.
Жазира
. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .
Ўйнинг вазмин бошин тутган кафт.

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Эй ёмғирдай бокира аёл!
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Мен қақраган ўттиз яшар чол.

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Сочларингда сузар қандай қўл?
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга
Нега менинг эгну бошим хўл?!



## БИР ҚИЗ КУЙЛАР

Бир қиз куйлар ўзин унутиб,
Деразасин ланг очиб қўйиб.
Тун. Юлдузлар оёқ учида
Кириб келар бош эгган кўйи.

Яқин келар олислар кутиб,
Олислиги топади завол.
Бир қиз куйлар ўзин унутиб,
Тун бағрида порлайди хаёл.

Сен бевафо йўқсан ўйида,
Ёлғизлик ҳам уни этмас банд.
Ёниб куйлар бир қиз уйида,
Ердан баланд! Осмондан баланд!

Куйлар куйини унутиб у қиз,
Дов-дарахтлар бош эгади жим.
Бош эгади тоғу тош сўзсиз,
Бош кўтарар сенинг ҳисларинг.

Кўкрагингга сиғмайди улар,
Улар ҳаққин қилурлар талаб.
Исён қилур унут туйғулар,–
Кўкрагингга бериб ҳаёт, қалб.

Эгик бошинг кўтармоқ учун,
Бироқ бу дил эмасдир қодир.
Бу қўшиқ ер шаридай вазмин,
Надомат Ер шаридан оғир.

Бу қўшиққа ҳеч маъно етмас
Баланддадир маъни тахтидан.
Бевафолик ҳақида эмас
Бу қўшиқ зўр умид ҳақида!

Хаёлига келмас бевафо,
Ёлғизлик ҳам ўйин этмас банд –
Бир қиз қўшиқ айтар дилрабо –
Ердан баланд! Осмондан баланд!

* * *

Сен кетиб борасан, дарахтлар аро,
Кичрайиб борасан, торайди йўл.
Сенга оқ кўринган бу йўллар қаро,
Енгил тин оласан, кенгаяр ўнг-сўл.

Шамолда сочларинг пастлар баландлар,
Шамолда сочларинг – қушнинг қаноти.
Сен учиб борасан – пастлар баландлар,
Баландлар пастлайди, эркин ҳаётинг!

Ўзимга лаънатлар ўқийман бот-бот,
Мен сенга ҳаваслар қилурман, эркам.
Сенга қуролмадим гўзал бир ҳаёт,
Ўзимга зиндонлар қаздим... жуда кам!

Елкангни шамоллар силкитар нега,
Нега кўйлагингни ўйнар бешафқат?!
Шамолда михланиб қарайман сенга,
Шамолда қўлларинг силкинмас фақат.



* * *

Сен қолдинг, абадий хотирам,
Дилингдан мен ўчиб кетмадим.
Мен Сени билмадим, бокирам,
Қадрингга етмадим, етмадим.

Қўлларинг чирмашиб бўйнимга,
Эркалаб турганда кўзларинг.
Чўмилиб сочларинг бўйига,
Лаҳзалик оромлар изладим.

Мен Сенинг қалбингнинг каҳкашон
Юлдузларин шод ўйнадим.
Сен Менинг осмондай бепоён
Васлимга тўймадинг, тўймадинг.

Сен қолдинг, абадий хотирам,
Балки мен дилингдан кетмадим.
Мен Сени билмадим, бокирам,
Қадрингга етмадим, етмадим.

...Юлдузлар учдилар бешафқат,
Кундузлар кўп ёниб ўчдилар.
Кечалар ўйларим бетоқат,
Фарёд-ла Сен томон кўчдилар.

У кўчган ўйларим мен билан,
Дилингдан жой топмай қайтдилар.
Куйингда кўкларга тикилган,
Кўзларим бир қўшиқ айтдилар.

Бир қўшиқ айтдилар қадрсиз,
Қадрсизлик афсуси ёнди.
Ва энди пойингга сабрсиз
Сабрсизлик қайғуси томди.

Сен кўчиб ўтурсан бегумон.
Бешафқат сен босиб ўтурсан,
Мен ғамгин чайқалиб жонажон
Кунларга бош уриб оқурман...

## ҚЎРҚУВ

Барчинойдан бир чопар келди,
Хабар келди мушфиқ паридан,
Йироқдаги мусофир Бекнинг
Кўзлари тўрт муштипаридан.

Хабар келди – чайқалди сукут.
Хабар келди – буюк ҳаяжон.
Хабар келди – қўзғалди вужуд.
Хабар келди – тўлғонди осмон.

Қирлар ортда қолди думалаб,
Йўллар пастда қолди ўралиб,
Қўлларини чўзди думалоқ
Осмони бор Қўнғирот аҳли.

Тоғлари-да, боғлари-да, шаън
Тонглари-да туш кўрар ҳали,
Қўлларини чўзди бепоён
Замини бор Қўнғирот аҳли.



«Барчинойга қилинган таклиф
Ҳақоратдир менинг элимга,
Ерликларнинг муроди маълум,
Завқ туймоқдир чашми селингдан».

Етиб борсам, қалмоқлар, билинг,
Сизни қамаб-қамаб қирарман.
Хуш қол, Бойсун-Қўнғирот элим,
Қайтиб келсам, даврон сурарман».

Билакларга сиғмайди ғайрат,
Торлик қилар ғазабга қалби,
Отилмаган ўқмиди нафрат
Қонларида тошади алпнинг.

Осмон етти букилур,
Юлдузлар-да тўкилур,
Бир оҳ урса Алпомиш
Тоғлар лос-лос сўкилур.

«Йўл сол энди жуда баландга,
Чиқар энди тулпорим қанот!
Хуш қол, энди конли аланга —
Она шаҳрим! Аҳли Қўнғирот!»

Наъра тортди алп йигит биринчи бор,
Булутларга найза бўлди Бойчибор.
Атрофида шамол эсди ғув-ғув,
Мард юракни босиб келди бир қўрқув,

«Наҳот энди Барчинойга кечиксам,
Мусофир бу йўллар аро ичиксам.
Бойчиборим ўқ бўл, қойил қилойин,
Қалмоқларга бориб қирон солойин!»

Учар отнинг учқурлиги жуда ҳам оз кўринди,
Қўрқув реза тер бўлди-ю, манглайда боз кўринди,
Бу бир шундай қўрқувдирки, бу бир шундай хавотир,
Бундан кўра шум йўлларда ўлгани соз кўринди.

Ўлим билан дўст тутинар ботирлар,
Элларини кўз тутқизар ботирлар,
Фақат душман ёмон хабар, ночорлик,
Фақат душман ёмон ўй-хавотирлар.

Шундай қўрқув ботирларни тарк этмасин,
Шундай қўрқув дилларига доим тўлсин,
Биздай нўноқ бу қўрқувни шарх этмасин,
Бу қўрқувга олам-жаҳон шараф бўлсин!

## ОНА ДУОСИ

Сафар қилсанг оқ йўл, болам, омон юр,
Жоҳилдан қоч ва оқиллар томон юр,
Укаларинг соғинтирмай келиб тур,
Ҳеч бўлмаса икки энлик хат бит, болам.

У ёқлик ҳам ўзимиздай хилма-хил,
Яхшиликда ҳамма қўшни Нормас бил,
Бир дўстни деб бир дўстингни сотмагил,
Дўст орттиру дўстларингни тенг тут, болам.



Игвогарнинг қулоқлари жуда узун,
Хиёнат бу – ўйламасдан айтган сўзинг,
Ўйларингни айтар кўзгу икки кўзинг,
Бад ўйларни бошгинангдан итқит, болам.

Донги чиқмас бир якка от – ёлғизлик,
Ўз жуфтидан жудо қанот – ёлғизлик,
Айтиб бўлмас унсиз фарёд – ёлғизлик,
Ёлғизланма, яхшиларни дўст тут, болам.

Сафар қилсанг, уйдан кўнглинг тўқ қилгин,
Лекин ғийбат бор жойларда йўқ бўлгин,
Шоир бўлсанг, ёмонликка ўқ бўлгин,
Дардлиларнинг дилларини ёрит, болам.

Элга қалбин берган қалбнинг бунёдисан,
Сен заҳматга эгиз халқнинг зурёдисан,
Пастлик қилма, Алпомишнинг авлодисан,
Муҳтожларнинг ғамларини арит, болам.

Йўлинг очиқ бўлар, бўлсанг сен очиққўл,
Овмин энди, полапоним, сенга оқ йўл,
Бир тилагим: қайда бўлсанг саломат бўл
Ва уйдаги эркалигинг унут, болам.

## ҚЎШЧИ ҚЎШИҒИ

*(Қадим оҳангларда туркумидан)*

Қўш ҳайда-ю, қўш ҳайда,
Ҳайдамасанг нон қайда,
Ироданги қаттиқ қил,
Лекин ерни бўш ҳайда.

Кимга ҳам етар эди
Илтижо, унларимиз.
Шу қўшиққа суяниб
Ўтмоқда кунларимиз.

Илмни хор этдилар
Бу жаллодлар, каззоблар.
Илмга зор этдилар
Болаларни азоблаб.

Бечоралар уззукун
Қўш ҳайдаб, уруғ экар,
Кўзларига юлдуз, тун
Офтоблар ботиб кетар.

Сўнгсиз меҳнат далалар
Умидларин парчинлар.
Оҳ, алпомиш болалар!
Оҳ, қизлар – ойбарчинлар!

Дунё ҳам не учундир
Нўноқ табибга ўхшар.



Меҳнат ўғли беилм
Бойваччалар ўқишар.

Бу жаллодлар, каззоблар
Ҳаммани хор этарлар.
Ҳалолликни азоблаб,
Ҳаромни ёр этарлар.

Қўш ҳайда-ю, қўш ҳайда,
Ҳайдамасанг нон қайда.
Ироданги қаттиқ қил,
Ҳўкиз, ерни бўш ҳайда.

Мен сенга ҳасратимни
Айтаяпман жимгина.
Тушунмайсан дардимни,
Сен нима, подшоҳ нима.

Элу юртни эзишар
Салтанатнинг итлари.
Ҳаммаёқда кезишар
Амирнинг йигитлари.

Орқасин зина этар,
Зина этар бетларин.
Ижарага қўйишар
Виждону вужудларин.

Ҳаммасини қўй каби
Бўғзидан сўяр эдим.

Бу итларнинг кўзини
Бирма-бир ўяр эдим.

Лекин уйда бир этак
Гўдакларим кутишар.
Уларга дардим эртак
Тушунмас, қон ютишар.

Кўраяпсан мен ҳам бир
Ночорликдан задаман.
Кўраяпсан мен ҳам бир
Ожиз, тутқун бандаман.

Қаттиқ дардим пинжида
Изтиробга урдим тўш.
Менинг кўнглим бўш жуда,
Лекин шудгор каби бўш.

Умидларим сарғайиб,
Ситам ўтди бу жондан.
Умидларим дон бўлсин,
Ун бўлсин тор имконда.

Қўш ҳайдаю, қўш ҳайда,
Ҳайдамасанг нон қайда.
Ироданги қаттиқ қил,
Лекин ерни бўш ҳайда.

* * *

Кўзларингда кулган чечаклар,
Қувонган қушчалар лабингда,



Пойингда чайқалган эртаклар
Оҳ урар, оҳ менинг қалбимда.

Сен кетиб борасан кўзингда,
Сўзингда жаҳонни кулдириб.
Ва бунда қоласан – ўзимда –
Ўзингни кетасан ўлдириб.

Сен кетиб борасан ўликлар
Оҳ уриб қарайди бўйингга.
Сен кетиб борасан бўлаклаб –
Бўлаклаб бўйингни ўйимда.

Сен кетиб борасан, тириклар
Оҳ уриб қарайди ўзингга.
Сен кетиб борасан тириклар
Тирилар югуриб изингдан.

* * *

Ухламоқ унутиш эмас, йўқ,
Уйғонмоқ бу дуч келмоқ эмас.
Юрагимда ўчаётган чўғ —
Ишқ эмасдир, умид ҳам эмас.

У шунчаки шуурсиз кунлар,
У шунчаки топилмаган йўл.
У хотирот... чирсиллаб синар,
Нажот сўраб узатади қўл.

Уйғонмоқни қилмам ихтиёр,
Уйғонмоққа йўқ менда мадор.

## НОРМАМАТ БАТРАКНИНГ ОҒИР ҚИШИ ЁКИ ҚАҲРАТОН ҲАЁТИ

*Гала бобонинг айтганларидан*

Баргчалар шивирлаб уйларга кирди,
Қикирлаб чиқишди тағин уйлардан.
Нормамат баҳорга зўрға улгурди...
Қочиб улгурмади оғир ўйлардан.

Бу лаънати қишнинг умри узунми,
Бу баҳор дегани бормиди ўзи?!
Бир йўла баридан кечмоқ тузукми —
Бир сесканиб... тушди арқонга кўзи.

Бу ўзи нажотми, боқди арқонга,
Бу ўзи ҳаётми атрофга боқди.
Кетмасми осилса агар армонда,
Ва ғариб уйига қараб тутоқди.

Сесканиб тушдими, яшашга муштоқ,
Сесканиб тушдими, жони шириндир.
Жонидан тўйганлар сесканмас бироқ,
Бироқ ботирлар ҳам сесканмас ахир!

Бостириб келарди ўйлар ҳам қатор,
Муҳтожликнинг қора шарпаси булар.
Босқинчи ўйлардан туйғулар абгор,
Бу оғир ҳаётдан абгор туйғулар.

Бостириб келарди ўйлар бешафқат,
Бешафқат замондай кечарди кунлар.



«Замон – қози, қилмасмиди адолат,
Олмасмидим мен ҳам қасослар, хунлар!»

«Хунлар олмасмидим абгор умримга,
Қасос олмасмидим кечмишим учун.
Йиғлаб ўтирмасдим бемор қадримга,
Адолат шоҳ бўлса, ёруғ бўлса кун.

«Инсоф борми ўзи, адолат борми?!»
Назарида шундай қаттиқ бақирди.
Гўёки деворни суриб юборди.
Бўғзида қотди сўз. Томоғин қирди.

Аммо ҳайқирмоққа йўқ эди мажол,
Яна хаёл сурди бемажол хаёл.
Ҳаётми, нажотми, ғамми, арқонми –
Чайқалиб турган у – нима? Армонми?!

## ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН ВАТАН УРУШИ

*( Турғун даврларга битилган байтлар)*

Энг оғир кунларда кулфатмас ватан,
Энг қувончли дамлар ватан байрамдир.
Дардга, мусиқага жуда ўхшаркан,
Энг гўзал шеър экан, муаллиф ҳамдир.

Ватан бу халқ десак, қандай яшадик
Болалар ғамига томошабиндай.
Дард оғир бўлса ҳам кулиб ташладик
Қаламни қўлдаги туғга монанд шай.

Демак, кўл... қизилдир, кўнгил қизил... тонг...
Шом қизил, шафақлар, оқшомлар қизил.
Мана, кўкрагига қўл қўяр деҳқон,
Кўксидан нимадир келмоқда сизиб.

Ватан бола дедик, муштдай сиқиқ кин –
Бола тинч ухлайди... уйқу мангудай.
Миллионлаб топширдик ватанга секин –
Ватанни топшириб қўйдик ҳар қалай.

Ватан она дедик, онажон дедик,
Онанинг фожега ёстиқ турмуши.
Митти келажакни оғуга бердик –
Эълон қилинмаган ватан уруши!

Тантана кўп бўлди, ройиш бўлди кам,
Оройиш кўп бўлди, осойишлар ҳам –
Фақат оналарнинг мунглуғ туриши –
Эълон қилинмаган ватан уруши!

Ватан қолаверди афтода, беҳол
Қўшнисига тикиб қувонч кўзини.
Бу ёқда ваъдани дўндириб «ҳалол»
Пул қилиб сотдилар ватан сўзини.

Эзгуми, қароми амол ҳудудли,
Ҳудуд бу – ҳар қалай омон юришинг.
Лекин эл юзида мудҳиш сукути –
Эълон қилинмаган ватан уруши.



Фашист дегани ҳам қилмади ялло,
Ҳар қалай, беш йилда бердик адабин.
Қандай ичимиздан чиқди бу бало,
Ким айтиб беради бунинг сабабин?!

Қанча босқинлардан юрт хунга тўлди,
Отиб келаверди ўқ отганларга.
Яратганга эмас, таъзимда бўлдик
Элни ўз қўлига қаратганларга.

Асли калта, узун дастлар чиқдилар.
Нокаслар чиқдилар, пастлар чиқдилар,
Кўрмадим айтаман, гаров ҳаётим,
Олга лашкарларим деган бир зотни.

Ахир инқилоб бу... шон деганлари,
Лозим бўлса агар, қон деганлари.
Томирларда тутқун қонлар ҳуружи –
Эълон қилинмаган ватан уруши!

Кимдир ҳайқиради: «Ногирон ватан!»,
Эси паст деганнинг «эсли» юриши
Каби ҳақиқатни олмасалар тан –
Эълон қилинмаган ватан уруши!

Қандай фалокатдир,
Қандай ғалаба –
Ажал тайёраси...
Манглай шўриши,
Ҳуқуқсиз, саводсиз қолса талаба –
Эълон қилинмаган жаҳон уруши!

Қуриган денгизлар
Йитган саҳролар,
Ўрмонлар ва боғлар,
Иймон қуриши,
Асабларда портлаб турган ядролар —
Эълон қилинмаган жаҳон уруши!

XX аср,
Энг баланд қаср,
Кўнгилдан бошланар қайта қуриши.
Бу ҳам ғалабадир —
Олдин ололсак
Эълон қилинмаган жаҳон урушин!

* * *

Қушлар учиб кетдилар
Иссиққина юртига.
Дарахт қолди хувиллаб,
Деразамга мўлтираб.

Эрта тонг.
Деразамда
Битта баргча тўнибди.
Дарахт, бу кўз ёшингми?!
Ўйлабман: «Қуш қўнибди».

* * *

Сизнинг кулганингиз нима бўлибди,
Кўнглимда сон мингта соф одам кулар.
Сўлса менинг битта гулим сўлибди,
Ҳайрат чечаклари очилиб, тўлар.



Мен ҳайрон боқаман ҳамиша сизга,
Юзга солиб туринг, майли хатомни.
Ҳамиша гирёна нури азизга
Сигиниб, етказсам дейман садомни.

Токим мен ўзимга тикка қарайин,
Токим бир равшанлик тарк этмасин ҳеч.
Гуноҳ қилган бўлсам, майли, ярайин –
Жазога тайёрман руҳан эрта кеч.

Кўп менга қийшанглаб боқаверманг, бас,
Сизнинг қаршингизда қисиқмас тилим.
Магар айблидурман — ўзимда қасос,
Майли жазо берсин буюк бу элим.

* * *

Элим, сен тил бердинг менга ҳам бийрон,
Сўз билан меҳримни айтолмам бироқ.
Дил ато этилди, сўзлайин қандоқ
Дардларимни ўзим баланд, кучлироқ.

Қизиқчи эмасман, кўл билан айтсам –
Ё имо-ишора – кўз билан айтсам.
Дардларинг тўкилар –
дардларингни мен
Мусиқий ва рангли сўз билан айтсам.

Кўп десам, атрофда қотил, сотқинлар,
Қочқинлар,
осқинлар,
босқинлар,
десам.

Шундай фожеларни сўзсиз сўз билан
Айтолсам бахтлиман, бахтсизман десам...

* * *

Энг бахтиёр тушман, деди у бир кун,
Учаётган қушман, деди у бир кун,
Мудраб: «Уйингни бер, шоҳман, дўстингман,
Энди тахтдан туш, Сан!» – деди у бир кун...

* * *

Ногоҳ фалокат денг, фалокат!
Аттанг!
Ёниб кетди уйи
Тилак Жўранинг.

Ёниб кетди ёнаётган шеърлари –
диёрлари,
ерлари.
Ёнаётган битикларини –
ёнаётган шаҳарларини
асраб қололмаган оломон сингари
паришон қолдик. Рост.
Сақламаслик – томошага тенг.

Сақламаслик – хабар олмаслик.
Сақламаслик – ёвузларга хос.
Кечикиб бўлса ҳам...

Дўстлар...
Жўмардлик қошида бош эгар одам,



Жўмардлик қошида ёш тўкар.
Кунчиқар тарафга қараб,

Жимжит ҳайқиргандир
Тилак Жўра ҳам:
«Эй буюк хонадон! –
Она Туркистон!»

Қайғураман
хона эмас,
ёнса хонадон.
Тилак Жўранинг уйи бутундир ҳамон,

табассуми сингари омон
чарақлайди хонадон.
Ёнаётган уй – хона яқин
ғамлари эди.

Деди: «Ён!»
Қуёш олис
қувончдан нишон.
«Алвидо!» деди ғамгин
ёнаётган уйга қараб.
«Салом!» деди хурсанд
қуёшга нигоҳ қадаб.
Тилак Жўра деганлари боланинг ўзи экан.
Барча кеккайган зотлардан қочиб
Бораман унинг ҳузурига.

Барча қайғумни,
Барча қувончимни сочиб

Бораман унинг ҳузурига.
Одамлар!
Бундай одамларнинг ақл қуёши
ёритиб турибди кўҳна заминни
Одамлар!
Бундай одамларнинг ниҳон кўз ёши –
найсон ёмғирлари,
марваридлардир
кўкартиб турибди кўҳна заминни!
Майсалар
ёнаётир эмас,
товланаётир!
Найсонлар
ёғаётир эмас,
ёнаётир!

Аммо ҳар гал чопиб борганимда
нимадир ловуллаб турарди,
У бўзлаб куларди, кулиб бўзларди,
гўё:
«Алвидо!» дерди ғамгин
ёнаётган уйга қараб.
«Салом!» дерди хурсанд
қуёшга нигоҳ қадаб!

## Сувайдо



**СЕНИНГ**

ўйинг билан ўтади тунлар,
Сенинг ғаминг билан кўнгилда унлар,
Сенинг шодлигингдан кўкдадир бошим,
Дардинг денгизидан томчидир ёшим.

Қаёққа қарасам кўраман сени,
Дунёда бормикан бирорта тенгинг?
Оғир йўлдан ўтган жоним ва таним,
Кўнглим ва чироғим, азиз ватаним!

**ҲАР ЁНДА**

гулларнинг сайли авжида,
Рангга уриб белар қанотин шамол,
Гуллар бирин-кетин сувлар мавжида,
Рангин атир сочар неча минг хаёл,

Майсалар кўксида ҳайқириқ туяр,
Осмоний шавқ билан аста куйлайди,
Ҳур боғлар оҳиста шовуллаб қўяр,
Эл раҳмат ёмғири дея ўйлайди.

Саломлар келмоқда рангин нурларда,
Сакинат тушмоқда ҳарир товланиб,
Уфқлар устида шафақдан парда,
Ерларга тушар нур – гул ял-ял ёниб.

Ерлар энтикади – тоғлар тўлғонар,
Булоқлар қиқирлаб чопа бошлайди,



Аввал юрт кўксида алла уйғонар,
Уйғота бошлайди, топа бошлайди!

**УРУҒ**

ниш урмайди ҳамал бўлмаса,
насаб олдга сурмас, амал бўлмаса,
нафс осон енгилмас, ожиз бақувват,
зиндон бўлмаса ё қамал бўлмаса.

**ҚУДУҚ**

чуқур эса, қаймоғидир сув,
ер ости дарёсин аймоғидир у,
қудуққа тупурма, оби-ҳаётдир,
лоақал саҳронинг булоғидир у!

**ТАШҚАРИДА**

фиғон қилар изғирин,
мен жуда бахтиёр эдим уйимда,
мен унутган эдим олам ғивирин,
фазоларга учар эдим ўйимда,

хаёлимда юлдуз бўлиб порлардим,
билмасдим, юлдузни ўрар изғирин,
мен оламни эзгуликка чорлардим,
билмасдан олам ва юлдуз тақдирин,

ўсмир хаёлларим тирқираб кетди,
юлдузларга учмоқчийдим шайланиб,
изғирин мени кўп паришон этди,
уйим атрофида тинмай айланиб.

**МЕН**
сени ҳам хафа қилдимми?!
Мен ўзимни ўзим билдимми,
Очиларми кўнглимнинг кўзи...

**ОЙ**
оҳ урди – хонамга тушди
хонам ёнди – оламга тушди,
мен-ку, куйдим ойнинг нурида,
куймаганлар аламга тушди.

**СЎРДИМ**
куйдан: – қайдан келдинг,
– шарқираган сойдан келдим,
ердан, сувдан, қамишдан сўнг,
аста-аста ойдан келдим,
– бунча ёниқ, мунглидирсан,
– бир куйганнинг кўнглидирман.

**ЖИМЛИК**
мени титкилай бошлар,
Ағдар-тўнтар қилиб
Дарду дунёмни.
Остин-устин қилиб
Фикрларимни,
Соқов жимлик титкилай бошлар,
Нотанти хотиннинг тантиқ қилиғи.
Ноўрин сўзлари номард фарзанднинг
Сотқин дўстнинг
Қилмиши каби



Жимлик тинмай титкилай бошлар,
Йироқдан менга келар,
Ё мендан кетади узоққа,
ҳар қалай мендан бошланар
ва менда тугайди даҳшатли жимлик.

**ДАРЁ**
бунча ғам чекасан
Кўксимни эзиб,
Тегса тегибди бир итнинг тумшуғи.
Кўзғол, ғалаён сол, қирғоқни кезиб,
кўтарил,
Кўк бўлсин сенинг ошиғинг,
Не учун саҳрога, далага эмас,
Қочасан қаърингга, тубингга қараб,
Қўш соҳил – қўш қўлинг ўзингга қафас,
Учмасанг уфқларга порлаб, ялтираб!
Нечун авжинг пастдир,
нечун шаштинг паст,
Кўпайиб кетдими итлар, тумшуқлар,
Ўзингни ўнглаб ол, тин ол бир нафас,
Майли, сўнг чирпангин –
кетсин шумшуклар!
Денгизга етиб бор, тупроққа сингиб,
Кўнгуллар – уммонлар сен-ла тўлгайдир,
Улкан қафасларинг кетгайдир синиб,
Қирғоғинг тош эмас, қанот бўлгайдир!

**ОСМОН**
остида бир гул
Чарақлар юлдуз каби,

Замин устида булбул,
Ноласидан қон лаби,
Дилларида шафақ жо,
Гул булбул бўлди достон,
Гул юзида порлар ой,
Булбул тилида фиғон,
Осмон бўлиб ёнди боғ,
Гулла айлар ифтихор,
Булбулнинг юраги доғ,
Қуёш бўлиб бўлди хор,
Ошиқнинг йўқ шифоси,
У ишқ билан телбавор,
Оҳ булбулнинг навоси! –
Қуёш бўлиб бўлди хор,
Осмон остида ҳур гул,
Осмон остида осмон,
Ернинг устида булбул,
Ўз оҳидан кўкси қон!

**СЕНИ**

озод қилсам дейман
                    Эй, қуш!

Узун қўлимни чўзаман
қафасингга
Учиб кириб
Сен бўлиб
қолар қўлим.

**ЙЎЛИМ**

менинг қуёш сари,
Йўлим менинг



Изим,
Соям каби
Эргашар.

**ҚАЙТИБ**

келди
Тарк этган уй,
қандай кутиб
Олмоғим керак?
Кутиб олар
Ўйни уй,
Меҳмонмикан
Ё
Қолармикан буткул?
Кутиб олар
Ўйни уй,
қалтирар илдизингача,
Товонингача.
Булбул эмас
Қайтиб келган уй,
Қалтирар оёғинг
Ичигача,
Бармоғинг
Учигача,
Титрар тупроқ
Наво эмас,
Эмас булбул
Қайтиб келган уй.
Сен гул,
Бироқ

Сўзинг совуқ урган гул,
Изинг титраб турган гул!

**БУ БИР СУКУНАТДИР**

Хижолат кўли...
Қилт этган тўлқин йўқ,
Ҳаммаси ичда
Ортиқча туйилар
Зил-замбил кўлинг.
Кўзингга жой йўқдир,
Вақт йўқ юмушга.
Барг каби турибсан,
Йўқ бирор шамол.
Узилмоқ истайсан,
Мустаҳкам бандинг.
Агар тушар бўлсанг
Кўл этар ҳалок,
Агар қолар бўлсанг
Новданг тикандир...

**ЖИМ**

тураман,
Тўғри, чекмоқда азоб,
Жоним тинч бўлсин,
Гапираман –
Хушомаддан иборат,
Бирор тугмам порласа,
Ўйлайман –
Пулим кўп
Пойдеворим, уйим томим



Бўлса баланд.
Ҳар жойда жаранглаб
турса номим,
Айб пулда, сукутда эмас.
Гап тугмада, номда
Ё томда эмас ниятда,
Онгда.

**ОСМОННИНГ**

сиртидан айланиб ўтгандай
Ўтар бир фикр,
Қолар изи,
Кўринар элас.
Вақтни ортга қайтариб
Бўлмас,
Шарга ўхшаш бошимга
Тош отиб турар фикр.
Бахтни қайтариб
Бўлса ҳам,
Вақтни қайтариб бўлмас.
Жуда ортда, жуда узоқда
Қолиб кетди вақт.
Бахт эса олдинлаб
Қайтса ҳам етмас вақтга.
Бахтнинг бахти вақт
Бўлиб қолди.

**ЭЙ ТОҒ**

сен менга надурсан,
Қотиб қолган тўлқин
Шабададурсан.

**ЙЎЛ**
илон бўлиб чопди,
Тугилиб қолди,
Арқон бўлиб
Сиртмоққа айланди,
Сўнгига етди.

**УММОН**
бўлди тупроқ,
Одам тушди,
Фазога учди
Инсон.
Миррихга қўли етди,
Бироқ,
Кўнгулга етмади...
Ҳали у Зуҳални
Забт этади,
Зуҳрога ҳам
Пахта экади!..

**ЙЎЛЛАР**
устида турганлар
Баҳонага боғлайди.
Йўлни
Олдинга чўз,
Қўлни...
Кўз-ку кўз,
Ҳар бармоғинг зиё
Сочса ажабмас.
Гарчи дунё қафас



Нур тарар,
Чироққа қара,
Қафасин ёриб чиқар
Зиё
Қафаси ҳам ҳимоя!

**ҚАРАЙДИ**
бу осмон менга йироқдан,
Қарайди чекиниб кўп, осмон қадар,
Изини излайман унинг тупроқдан,
Исини истайман биёбон қадар,
Бу ёбон шоирнинг ўтли байтимас,
Ўтлидир, ичмоққа шай Мажнун майин,
Ёбон қақраб ётар, ёмғир пайтимас,
Осмон жуда тиниқ, булутсиз, майин,
Сипқорғинг келади уни бутунлай,
То сен ҳам кенгайиб қолсайдинг беҳад.
Май керак эсингдан чиқаргувчи май –
Чиқсин дунё тамом, қолсин муҳаббат,
Осмондан қарамас осмон ҳар қалай,
Кўзингда тўлғонар булут излари,
Кишанин судрайди Мажнун итлари,
Титроқда уйғонар ошиқ чалган най,
Тупроқда ёғмаган ёмғир ҳидлари!..

**ЯШАМОҚ**
Майин силаб ўтмас зулм қаноти,
Доим новвот тутмас севги ҳаёти,
Фикр кимда йўқдир, уқтираверма,
Кўнгул тафти керак – меҳрдир оти.

**БУЛОҚ**
тили тугилмас,
Кўзи ўйилмас,
Сўзи бор,
Эҳтиёжи бор
Эҳтиёжи – эҳтиёжни қондирмоқ,
Буйруқни бажармоқ.
Амрни адо этар у,
Булоққа ёмонлик қилган
Ёмонлик қилибди ўзига.
Беҳуда тупроқ тортмоқ
Кўзига,
Илҳомидир у ернинг.
Ато этган,
Яратган
Хоҳлаган жойидан
Ёриб чиқар у.

**КОИНОТДАН**
келаётган комета
Сенинг ёмон гумонингни
Парчалар.
Ерни эмас,
Эгаси бор заминнинг.
Ваҳима урма,
Қўрқитма,
Бошқа пайғамбар келмас,
Бошқа китоб тушмас
Самодан
Қиёмат кунигача.



Ерни ҳеч ким парчалай олмас,
Омон сақлагай,
Сенинг ботил ишончингга эмас,
Менинг яхши гумонимга кўра
Яратган.

**ҚУЁШ**
калавасин ўраб
Бўлар тун.

**ГУЛ**
кипригида юлдузни
Тутиб турар,
Боланинг кўзига ўхшар гул.
Бола гулнинг ўзига ўхшайди,
Тушириб юбормас, бола
Юлдузни кўтариб яшайди...

**ОДАМЛАР**
наздида
Ортига оқади
дарёга боксам,
Ҳолбуки, тушимни айтдим,
Энди сақлайман,
Ўнг келмагунча,
Дарё ғалаёнин ўйлайман,
Ва ўйлайман денгиз ҳолини.

**БУЛОҚНИНГ**
бағрида қуёш бор,
Ой балқиб туради тунларда,

Кечалар кутади интизор,
Жуфтларни учқунли унларда,

Ялпизлар пичири таралар,
Тоғлар бир қайрилиб қўяди,
Ҳавони оҳангдор арилар,
Муаттар излар-ла бўяди!

Тўкади бахтидан у кўз ёш,
Бошидан кетмайди ҳеч баҳор,
Бағрида топишар ой, қуёш,
Булоқнинг дили нур, хур диёр!

**КИЧИККИНА**
кулбамдаги шам
Мени
Деворлардан юксак
Кўтарар,
Қанчалар шаънлидир
Шамнинг қўшиғи!

**УҚТИРАДИ**
тинмай менга
Кимлигимни
Ўзи қисқа сукунат.

**ЭСКИ ШАҲАР**
Томларида қизғалдоқлар порларди,
Оқибат қўшиғин айтиб чорларди,
Денгиз кечиб чопар эди болалар,
Болаликнинг варраклари зорларди.



Қизғалдоқ ўрнига варраклар қўнди,
Варраклар тагида болалар ўнди,
Уйлар – учадиган каптарлар каби,
Аммо болаликнинг осмони тўнди.

Болакай, кабутар, варрак, қизғалдоқ,
Гоҳо қувонч бўлса, гоҳида алам,
Ҳаёт қайнаб ётар умиддай порлоқ,
Янги йўлга кирди эски шаҳар ҳам!

**МАЙ**
келди қизғалдоқ бонгига
Тўлиб кетди Оқтоғ томонлар,
Юрт кирди ҳаяжон тонгига,
Рангин нурга тўлди осмонлар.

Нурота нур шамоли билан
Нур ёмғири аро шодондир,
Элу юртнинг иқболин тилар,
Хоҳ фуқаро, хоҳи эшондир.

Бир фаслга унут бўлар ғам,
Бахтиёрдир ўтлар, ўланлар,
Гўё олам кўрмаган алам,
Соябондай рангин кўланка.

**ТОҒЛАР**
кўк қоғозга ўхшаб кўринар,
Лолалар эриган алвон бўёқдир,
Арча тушаман деб пастга уринар,
Дўпписин туширган момақаймоқдир.

Ялпизлар тизилиб булоқ бўйида,
Оқ салла чўққига қарайди ҳайрон,
Йўллар тоғбелида белбоғ, қуйида
Кунга тил текизар игна тил инсон,

Эриб кетай дейди кун тиғида тоғ,
Чинор оғушида қуш очар оғзин,
Кўринмас қанотин елпир малак...оҳ,
Ўзи ҳам кўринмас, кўп ҳарир, нозик.

Шамол соясига ўхшаган хаёл,
Тебратиб туради мудраган чолни.
Анҳор аста туртиб ўтади, хиёл,
Ўзин тутиб кулган дол мажнунтолни.

Қуёшнинг ўлкага босган кафти бу,
Тоғлар терлаётир, ҳаттоки тоғлар,
Чилланинг забти бу, тоғнинг тафти бу
Ва ҳиммати сувлар ва сарин чоғлар!

**ОСМОНГА**
боқолмайман,
Тераклар ўсиб турар,
Оқтовга боролмайман,
Қоратов тўсиб турар.

Совуқлар ҳам қирдилар,
Минг гулни, ёбонимни,
Булутлар йўқ қилдилар,
Туйнукдай осмонимни.



Кун кўзингнинг ёшидай
Томчилайди гоҳида,
Дил Зарбандим тошида,
Бойтўбимнинг оҳида.

Нуротанинг шамоли
Шовуллатар боғларни,
Ҳайдаркўлнинг хаёли
Ювиб кетар доғларни.

Олис-олис томондан
Овоз берар мовий ғоз,
Юртимнинг осмонидай
Ёришар оппоқ қоғоз.

Ҳайдаркўл хаёлидан
Ювилиб кетар доғлар,
Нурота шамолидан
Шовуллайди ҳур боғлар!

**ТЎРҒАЙ**
аввал кўкка кўтарилиб
Нуқта бўлди,
Юраги эзилиб кетгандир
Юракни эзиб юборди.
Шу қадар куйлади,
Шу қадар.
Қандай қилиб
Нафас олди,
Ҳеч ким билмас,

Лекин у
Осмоннинг юраги
бўлиб қолди.

**АЛБАТТА**

мен сенга қайтаман,
Остонангнинг тошидай,
Қалдирғоч баётида,
Турнанинг кўз ёшида,
Чорпояга ўлтиргин,
Келаман кўз олдинга,
Келаман кўп термилгин,
Чўққиларнинг ортидан,
Дуо қил кўкка қараб,
Титраган товушинг-ла.
Мен қарайман мўлтираб,
Нур каби ҳовучингдан!

**МЕН**

сизни эслайман изтироб билан,
Кўрмаган кунингиз армон кабидир,
Саҳрода йўловчи хуш мудроқ билан,
Сувни туш кўради, қақроқ лабидир,

Уйлар эдингизки, ҳамма мард бўлса,
Аччиқ ҳақиқатни тингласа мамнун,
Агарда инсонга ёлғон шарт бўлса,
Сиз айтар эдингиз, дунё – ёруғ тун,

Кундуз қоронғида яшаш билмаган,
Уддалай олганлар билмайди тунни,



Кимдир Аторудни писанд қилмаган,
Ҳизрни ким меҳмон қилмайди, тўнгми?

Аллоҳ билан роз айтишар мўминлар,
Изҳори дил этар ибодат билан,
Кимлар рад айлайди йўқ деб умидлар,
Ким инкор этади, хиёнат билан,

Ким сотар элини бешбармоқ каби,
Кўлсиз юраверар маломат билан,
Кимнингдир ишига эш порлоқ қалби,
Қийноқдан ўтади саломат билан,

Истар эдингизки, ҳамма мард бўлса,
Аччиқ ҳақиқатни тингласа мамнун,
Агарки инсонга рост сўз шарт бўлса,
Сиз айтар эдингиз, чиқармангиз ун,

Дод солмоқ оғирдир, ютмоқ кўп оғир –
Заҳарга қоришган шарбатни ҳар дам,
Ҳаёт асал эмас, эмасдир оғу,
Олам бу – хиёнат бобида одам!

Истар эдингизки, ҳамма мард бўлса,
Ширин ҳақиқатни тингласа дилхун,
Инсонга рост сўзлаш агар шарт бўлса,
Айтар эдингизки, ҳаёт – арғанун.

Ким зулмат сочидан олар учқун – куй,
Ким ёмғир оҳангин тинлар бир нафас,
Ғам-шодлик нурлари қоришган бир уй –
Дунё ўзи чалар, ўзи тушар рақс.

**МЕНИ**
ўзгаришлар этади хурсанд,
Кимгадир тақлидлар солади ўйга,
Агар ўзлигингни сақласанг – хурсан,
Йўқса тушгайдирсан ўзгача куйга,

Ўзга аробага чиқиб қоласан,
Қиласан ўзгача оҳанг, хиргойи,
Тушгин, ўзингни топ, тоғни оласан,
Оласан, оқ рўмол ўраган ойни.

**БЕПОЁН**
дашт узра турли гиёҳлар,
Баҳорнинг кўркини қилар намоён,
Ёлғизоёқ йўлда сокин туёқлар,
Отда кетиб борар оддий бир инсон,
Далани қоқ бўлган тўғри чизиқ – йўл,
Сўнг буралиб ўрлар иланг-биланг,
Гўё арқон тортар бақувват бир қўл,
Судраб бораётир улкан бир гилам.

## ЎТМИШДАН ЛАВҲА

Шамоллар ичида бўри фиғони,
Томда ухлаётир болалар, аёл,
Тушми кўришмоқда хиёл тўлғаниб,
Кўрпани кўтариб кўяди шамол.

Олам дардга тўлди, оғир келди куз,
Хўрланган шубҳасиз, ҳамдардин топар,
Ой кўзидан ёмғир ёғар, мунгли юз,
Ой силжир, аёлнинг юзин тун ёпар.



Бўрилар увиллар, "шамол ҳойнаҳой",
Тинч эмас, уйқусиз, уйқули кўнгил,
Сакраб том устидан тушиб кетар ой,
Томдаги супа бўш. Ола-тасир йил.

**ҲАЁТ**
ҳали сен кўрмаган гўзал туш,
Уйғонарсан, балки тушлар бағрида,
Туш ҳам ўзи алоҳида ҳайрат тус,
Маъносин чақолсанг – ҳикмат, Тангридан,

Кўзи очиқ етуклар ҳам туш кўрган,
Улар маъно оламини хуш кўрган,
Ухламасдан уйғонганлар, ўлмасдан,
Ўлимини, жонини ҳур қуш кўрган.

**КУНДУЗЛАР**
юлдузлар қайларга кетар,
– Қамишга, қудуққа, найларга кетар.

**БЕВАҚТ**
уфқ дединг, от ёлига осилдинг,
Кўзинг уфқ бўлди, шафақ босилди.

**БИР ОЙ**
тарар жилвасини
Поxки парда бекитадур,
Шамол дейман, шамол эса,
Қайлардадур энтикадур.

Елев алҳол, келса шамол,
Ул пардани кўтарса оҳ,

Имдод шамол, васила оҳ,
Нур жамолин кўрсатса оҳ.

Етмадим васлига мудом,
Хаёлимда яшаб келур,
Келур дил тубидан садо,
Садосида мисли минг нур.

Парда зулмат, парда булут,
Лаҳза бўлсин бўлгай унут,
Аслида ҳижрондир ҳижоб,
Ёришгай дил – ой ёдин тут.

Нур бўлиб порлар ҳаётинг,
Имдод эмас, фоний шамол,
Василадир фикри ёди,
Саодатдир васлу жамол.

**ҚУШЛАР**
кўнмай қўйди айвонларимга,
Уйқум кўрмай қўйди анвойи тушлар,
Шамоллар эсарди рангин, саринлаб,
Учарди товланиб боғ узра қушлар.

Билмасман, туш недир, тайин этган ким,
Сенга йўл кўрсатган қай бир йўрикчи,
Қушнинг ҳам ризқи бор, озроқ жилмайгин,
Бунчалар бадқовоқ бўлма, қўрикчи!

**ОҚТОҒ**
билан Қоратоғ –
Юртнинг икки қаноти,



Қуш Зарафшон урса оҳ,
Садо берар фарёди,

Мавжлари гул нақш бўлди,
Ҳисору Нуротага,
Жонбахшу дур бахш бўлди –
Ғозғонга – ҳур садога,

Зар тошларда нургул бор,
Назар бордир Зарбандга,
Бойтўбимга бахтиёр
Сувлар келар баландлан,

Даштлар анвойи гулга,
Иforга тўлиб кетар,
Осмон сиғар кўнгулга,
Кўнгулли бўлиб етар.

Оқтоғнинг чўққисида
Қуйла, тинглар Кўҳи Қоф,
Булоқлари қасида,
Ой табоқдир, эмас лоф.

Нур ёмғирин ёғдирар,
Тунлари даласига,
Элини уйғонтирар,
Сўзи йўқ алласига.

Бу элнинг ҳаётидан,
Барака ҳеч аримас,
Нурота қанотида
Шаффоф боғлар қаримас!

**УФҚ**

Ерга қўнди,
Шафақ билан осмонни
Бошига кўтариб чиқди
Уруғ.

**ОЛИС**

йўлдан келаётир қалдирғоч,
Очилган ғунчадай ёлқин кўзида,
Гарчи кўзи очиқ, омонат қувонч,
Элтмоғи шарт уни қуйда, ўзида.

Ўзи нима, ўзи чигитдай юрак,
Тоғларнинг юкини олмиш елкага,
Гарчи омонатдир, элтмоғи керак,
Тоғдай бир қувончни нурдай ўлкага.

Нурдай ўлка эса доим нурга зор,
Ташнадир булоқдай, тоғдай қувончга,
Гарчи тоғдир бағри, тоғ бағри баҳор,
Гулзордир гулга зор, боғдай ишончга.

Токи гулга кирсин, мевалари гул,
Тоғ ўркачи гулдир, тевалари гул,
Қўнғироқлар чалиб гуллар карвони,
Оҳиста уфққа сингисин буткул.

Уфқлар ортда шодлик денгизи,
Саробмас, хор об бор – ташна бу юртга,
Она Туркистоним – менинг тенгсизим,
Қўнғироқ чаласан, уфқни турта.



Айвонли уйларни бузмоқда тарих,
Жойидан кўп қават қилмоқда парвоз,
Баҳор элтаётган эди-ку ахир,
Шошган қалдирғочнинг тумшуғида ёз.

Баҳор элтмоғи шарт қуйда, ўзида,
Мудом кўзи очиқ, омонат қувонч,
Очилган ғунчадай ёлқин кўзида,
Олис йўлдан келаётир қалдирғоч.

**ОТНИНГ**

ғамгин кўзи шеър тўкар,
Оғир кипригидан ер чўкар,
Қарай олмас, чирпанар хиёл,
Изларида инграйди ҳилол,

Устида юк оғирмас, тоғмас,
Томирида ҳеч шиддат оқмас,
Не ботирди ботқоққа тизин,
Ким боғлади арқонсиз, ипсиз,

Шамолларни титратган чоғ йўқ,
Уҳ тортади, кучли бир оҳ йўқ,
Бирор дўст йўқ, қавмидан бўлсин,
Бир чорлов йўқ, ҳовлидан бўлсин,

Якка мих – дунёга итобдир,
У отсиз, хитобсиз хитобдир!
Кўрмас, қараб қўяр узоққа,
Тушди қай вақт қўйган тузоққа,

Пастга қарар, тушар кўк бошга,
Ер бошқа, кўк бошқа, йўл бошқа,
Ғам кўздан толғин нур ёғдирар,
Боши оғар, ерни оғдирар.

## ҚУВОНЧГА

тўлдирдинг маҳзун кўнглимни,
Йироқдан бўлса-да йўлладинг салом,
Фироқдан бўлса-да ҳижрон – зулмни
Аритдинг – бир лаҳза туш ва хуш калом,

Аслида, бу ҳаёт – гўзал машаққат,
Мисоли узун йўл – сўнгги номаълум,
Аслида, бу дунё – ранжу шафоат,
Мусибат ва бало, умид ва зулм,

Бир лаҳза жилмайиш, бир калима – сўз,
Ширин энтикиш-ла уйғондим хушбахт,
Ҳаёт бу – йироқдан боқаётган кўз,
Ҳаёт бу – бир лаҳза, хайрихоҳ бир вақт,

Қўлингдан келгани шудир сенинг ҳам,
Тошни ёраётган гиёҳ кабиман,
Жилмайиб қўйса-да, кўзларида нам,
Уялар зулмидан – ёвуз лабидан,

Мен уни қийнадим, ботдим қаърига,
Саволли нигоҳга жавобим – сукут,
Мен илдиз отаман, унинг бағрига,
Сен мени унутма, ҳижронни унут!



## ИНСОНДА

Коинот имкони бордир,
Коинот бахтидан зиёд бахти бор,
Томирда яхшилик уммони ёрдир,
Кўнгулда зиёдан хурлик тахти бор,

Қудратли инсоннинг ожизлиги ҳам,
Яратган ҳиммати, имтиҳонидир,
Ҳаётнинг мазмуни раҳмат бўлган ғам,
Юракнинг тираги шодон онидир,

Мен жисман кичкина коинотдирман,
Имкон бобида-ку кўп зиёддирман,
Агар қолишмасам шукр бобида,
Яхшилик бобида қолгай обида –

Инсонга устундир имкон ишончи,
Элига, юртига хизмати таянч,
Йўқса, қайғу ғами, бахти қувончи,
Ҳатто тож-тахти ҳам кўринар аянч.

## ҲАРИР

булутлардан мовий юлдузлар
Жилва қилиб қолар, энтикар замин,
Тўлғаниб гиёҳлар бўйнини чўзар,
Сезиб баҳор ҳидин, ёмғирлар тамин.

Ташвишлар бошланар ёниб-ёнолмас,
Деҳқон гўзалликка қониб қонолмас,
Адирлар гуллари ёмғирга ташна,
Деҳқонлар диллари ташвишга ошна.

Эккан ниҳолидай бўй чўзган қизи,
Олисларга кетар эрка юлдузи,
Сепларин тайёрлаб қўйиши даркор,
Ёмғирлар ортидан ёғмасин-да қор.

Режа деганлари вақт билан тугал,
Турмуш деганлари бахт билан гўзал,
Саодат юртида гул мева тугар,
Булутлар ортида мовий юлдузлар...

**ГУЛДИРАК**
даракчи буюк ўйиндан,
Қизғалдоқ қўнғироқ чалар, зориллар,
Бинафшалар сакрар ёмғир қўйнида,
Ўйинга шошилар қўзиқоринлар.

Ҳарир рўмолчасин силкиб қўзигул,
Чақирар шодликка қолган кутганни,
Ҳар битта майсанинг сўзи, ўзи гул,
Бу ватан баҳори! Сийлар кутганни.

**ТОЖИДДИН**
**РАЗЗОҚ** деб дуо қил доим,
Дуо бирла ёрқин қуёшинг, ойинг,
Тоғларда шарқирар анҳоринг, сойинг,
Дўст деб дуо қилгин, дўст-ла қўллайди.

Олдинда, йўлларда юзинг оқ бўлса,
Қоронғида яхши бир ўртоқ бўлса,
Енгилроқ ўтасан, олдда тоғ бўлса,
Дуо қил, пинҳона сўз-ла қўллайди.



Асл қўллагувчи Яратган ҳар дам,
Буни билмаганнинг ҳар кунидир ғам,
Кўзи тўғри бўлса, назари малҳам,
Назар тўғри бўлса, кўз-ла қўллайди,

Сабабга боғланган олду ортимиз,
Ўйимиз, тўйимиз, элу юртимиз,
Ҳамма дуо қилса, қўру қутимиз,
Баҳорда қўллайди, кузда қўллайди,

Саҳарлар дуо қил, мен-да ёд этай,
Афтода кўнгулни ҳур, обод этай.
Йўлдошга қарайин, уни шод этай,
Танҳо Дўст қўлласа, юз-да қўллайди.

**ИҚЛИМ**
ҳам ўзгариб борар оз-оздан,
Илиқ ёмғир ёғар совуқдан кейин,
Деразамга кимдир “бахт” сўзин ёзган,
Ҳозир кулгим келар, нима ҳам дейин,

“б”ни ўчиради, “х”га дум қўйиб,
“д”га ўхшатади “т” ҳарфин ёмғир,
Неварам қиқирлар, кулади тўйиб,
Ёмғирнинг ҳарфлари мисоли ёнгин.

**МЕН**
қайга бораман сендан айрилиб,
Меҳрибон, кучоғи кенгдан айрилиб,
Юзида нур тоғи менгдан айрилиб,
Не бўлсам бўламан сенинг бағрингда,
Йўқ, ўсиб унаман сенинг бағрингда,

Тўлиб кетмаса ҳам кўним ва кўнжим,
Ёғду сочмаса ҳам тоғларнинг мавжи,
Пасайиб кетса ҳам дарёлар авжи,
Не бўлсам бўламан сенинг бағрингда,
Йўқ, ўсиб унаман сенинг бағрингда,

Борди-ю, боқмасанг менга кулиб ҳеч,
Мен ғайрат қилурман тинмай эрта-кеч,
Тупроғинг юзида бўлурман севинч,
Мен қайга борурман сендан айрилиб,
Меҳрибон кучоғи кенгдан айрилиб,

Борди-ю, чечаклар сўлиб битса ҳам,
Дунёлар тиллога тўлиб кетса ҳам,
Бу Йўлдош вақт етиб, ўлиб кетса ҳам,
Бир чечак бўлурман сенинг бағрингда,
Ва ўсиб-унарман сенинг бағрингда!

Дарёлар майлига мағрибга оқсин,
Қуёшлар майлига ғурубга ботсин,
Ҳар ким ўз юртида ғарибга боқсин,
Мен машриқ бўлурман сенинг бағрингда,
Мен ошиқ бўлурман сенинг бағрингда!

**ВАТАН**

Сенга минг-минг таъзимлар,
Сен кўтардинг кўкка кўл бўлиб.
Йўл бермади менга баъзилар,
Сен манзилга элтдинг йўл бўлиб!



**КУЛГИХОНА**

Дунё тескарини
Кўрсатар,
Дунё – кулгихона,
Жамлагин дилни,
Кулги бўлиб ўтасан –
Тушунмасанг ҳазилни.

**БУ ДЕНГИЗНИНГ**

соҳили кўнгул,
Бу уммоннинг соҳили
Уммон,
Эй осмондан бепоён
Армон,
Қирғоғинг қайда?!

**СЎРДИМ**

куйдан: қайдан келдинг?
– Шарқираган сойдан келдим,
ердан, сувдан, қамишдан сўнг,
аста-аста ойдан келдим,
– Бунча ёниқ, мунглидирсан,
– Бир куйганнинг кўнглидирман.

**ДУНЁ**

кезарларни ҳавас айлама,
Кўнглингни ўзингга қафас айлама,
Сен уни саёҳат этгин ҳар нафас,
Ҳою ҳавасни бир нафас айлама.

**ТЎЛДИРДИ**
осмонни тўрғай фиғони,
Саҳро армонига кўкси тўладир,
Айтолмаса агар бахту исёнин,
Осмоннинг тубида ўксиб ўладир,

Ким уни ўқ дейди, ким дейди нуқта,
Қани изтиробга нуқта бўлолса,
Даштлар туғёнини этолса уҳда,
Уҳда этолмаса, кўкда ўлолса,

Юрт бахтин куйласа, бахти бор бўлса,
Ғам қуйнида, шаксиз, саодати бор,
Бўғилиб қолгунча куйлар дор бўлса,
Тиқилиб қолгунча бўлса ихтиёр,

Чўпоннинг таёгин кўксига босиб,
Деҳқоннинг оёгин суриб юзига,
Куйласа, куйласа қайғусин ёзиб,
Меҳр кўзин тикиб элнинг кўзига,

Яна ўқ шиддатин этса намоён,
Яна юксакларга учса, чарх уриб,
Ҳар не кўрингайдир баланддан аён,
Баъзилар кўрмаслар баландда туриб –

Булутлар шамолда кетарлар тарқаб,
Гарчи баландларни айлашган макон,
Қуёшни бекитар, нурлари марказ,
Кўкни қаро айлар, дилларни хуфтон,



Тўрғайнинг бўғзида буюк фиғони,
Сўнгсиз соғинч билан юртни кучади,
Кўксига боғланган тиниқ осмонни,
Қучоқлаб ер сари нурдай учади!

**ЧИРОҚ**
ёлғиз порлар тоғ орасида,
Милтираб кўринар
Музтар йўловчига,
Зулматга тақилган умид нишони –
Чироқ,
Йироқ юр, бироқ
Урин, сурин
Манзилга ет таъқиб этсинлар,
Сенинг кўксингдадир
Порлоқ ул чироқ!

**МУДРАР**
дарахтлар
Кеч кузак
қаттиқ уйқуга кетиш олдидан
Тебранар хиёл
Сувлар зилол
Тиниқ кўзгу
Кимдир
Қаттиқ уйқуни қилгандай хаёл
Қилгандай фақат орзу
Тун ярмида қиличининг учи билан
Товони ё бўғзини
Қитиғлар ҳилол.

**БУТУН**
оламни чулғаса шодлик
Қочадиган жой қолмас ғамга,
Демак, яшайверар кувонч бағрида
Дунёни сув босса
Тўпиғидан келмас ўрдакнинг.

**ИНСОН**
гоҳо ўзидан чиқар,
Кўп назари – кўзидан чиқар,
Қолар эл-юрт эътиборидан,
Вой, ҳайҳотки, сўзидан чиқар!

**УЛГУРМОҒИМ**
шартдир менинг яхши ишга,
Майли, вақтим кетсин дарсга, хуш ташвишга,

Тарсакидир – дўстим билан қололмасам,
Эзилганда тарафини ололмасам,

Фалончининг одамимиш... гуруҳлардан,
Фалон оқим, хонлар, беклар... улуғлардан,

Ахир менинг дўстим-ку у, кирай бирга,
Магар ҳақдир, ўтга-чўққа, ё қабрга,

Дарс ушбудир; паррандадир, чумолидир,
Ташлаб кетмас шеригини камҳоллидир,

Унинг эмас, менинг ҳолим экандур кам,
Эзар кимга беролмаган бўлсам ёрдам,



Таскин будир, гарчи етмас қўл осмонга,
Нафим тегсин дейман, хур Ўзбекистонга.

**ДАМ**
шу дамдир ўзга дамни дам дема,
Ўзгалардан давлатингни кам дема,
Ўзингни бек билгин ўзга қошида,
Ўзингга бек, мен ўзгага ҳам дема,

Камтарин бўл, кам сўзлагин, қилгин иш,
Ҳамдард бўл, дўст бошига тушса ташвиш,
Юртдан чиқма, бурдан чиқма, собит бўл,
Баҳор афзал дема, ҳеч вақт, ҳикмат – қиш,

Тут пишиғи очликка ҳам даводир,
Чўнг юрт бағри тошликка ҳам даводир,
Дўстлик кўзи ёшликка ҳам даводир,
Ким бўлди бу дема, оддий деҳқонман,
Исмим – Гала, Бойтўбилик бободир.

**БУ ТУН**
шундай жимки,
Дод солгинг келар,
Ғариб тунга от солгинг келар.
Қасдинг борми,
Қасосинг борми,
Чеҳранг борми,
Бир қадар очгин.
Сендай ўтарман,
Балки кутар тонг

Сени йўқ этар,
Мени чулғар.
Кўнглимга кирма фақат,
Балки ўларман...
Сен қайдан биласан,
Балки тонг бағрида
Қуёш бўларман.

## ХОТИРАМДА

тўғрироғи, хаёлимнинг
Хотирасида,
(Демак, қачонлардир
Қилганман хаёл)
Пичирлаб турар гўзал
Бир гул
Гул ва булбулнинг бахтиёр
Ёши, бир сув шилдираб турар,
Чах-чах қилар хушхон булбул,
Бу хуш овозлар халал бермасми?
Қарайман атрофимга,
Атроф эса ўзга,
Шовқинлардан кар
Хушхон булбул наҳот тингланмас,
Наҳот эшитилмас
Гулнинг пичири
Гул булбулнинг бахтли ёши,
Наҳот кўтара олмас
Атрофнинг бошин?!



## ЁҚИМСИЗ

ҳайқириқ тақа-туқ,
Ким учундир ёқимли
Мусиқа аталур
Асабга ўқдай қадалур
Қуёш шовқинсиз чиқар
Жим жилмаяр ой ҳам
Улуғлар чеҳраси каби
Улуғлар ишида маъни
Акс этар
Юзида қалби.

## ЖИМЖИТЛИК

бор далаларда ҳам,
От жойида жим айлар фиғон,
Дилда қайғу, жилмаяр онам,
Қайлардасиз ҳозир, отажон,
Нега бунча тиниқдир ҳовуз,
Акс этади мовий ҳаяжон,
Сизга ўхшар эди ўйчан куз,
Қайлардасиз ҳозир, отажон,
Тарк этишар турналар юртни
Фарёдига кўмар тамоман
Фиғонида ниҳон сукути,
Қайлардасиз ҳозир, отажон,
Маҳалламиз, кўйларимизга
Нечун сукут бунча ҳукмрон
Жимлик солиб ўйларимизга
Қайлардасиз ҳозир, отажон?!

**ДАЛАЛАР**

ў, далалар!
Туйғуларни аллалар,
Жонланади тўнган руҳ,
Юрт бағрида бу шукуҳ,
Кўз солиб кўк томонга,
Тип-тиниқ кенг осмонга,
Атрофингда мавж урган,
Қизғалдоқзор уммонга,
Булбули бийрон диёр,
Бундай юрт қаерда бор?

Дўстига кўнгил берган,
Нодўстга ҳам беозор,
Бахтин бозорга солмас,
Бировдан сўраб олмас,
Қолса ҳам мақтанмоқдан,
Буюк ишдан ҳеч қолмас,
Ишда кўрар келгусин,
Авлодларнинг кулгисин,
Зиё бўлгай қаноти,
Кундан олгай улгусин!

**ШОИРЛАР**

бор ватанларин
Номин айтмай куйлайдилар,
Йироқ халқлар шоир номи
Ила юртин ўйлайдилар,
Ажабмаски, Навоийни
Туркистонлик десалар,



Шеърим ўқиб Тошкент билан
Бойтўбимга келсалар,
Майли мени унутса ҳам,
Элни мақтаб кетсалар,
Зиёратдан рози бўлиб,
Муродига етсалар,
Десаларки, бир диёр бор,
Кўрган мангу яйрайди,
Қушлари ҳам эрк, эрк дея,
Қофияли сайрайди!

**ОТА**

бургут, ярадор бургут,
Судралади энди хор бургут,
Ярасига найзадир чўплар,
Келар мор. Оҳ! Бемадор бургут,
Ташланди бор кучин тўплаб у,
Илонларни кўрган кўплаб у,
Оёғига ўраб арқондай,
Шиддат-ла учарди кўклаб у,
Сочма ўқлар озмиди ўзи,
Келар илон йўғон ва узун,
Болаларга бўлди кўндаланг,
Бироқ қолди патлари тўзиб,
Палапон қушчалар кўзғолди,
Наҳотки, қўрқувдан куч олди,
Учди осмон тубига, ҳайҳот,
Ота ўлим қўлида қолди.

**МЕНИ**
излабсан,
Топмай бўзлабсан,
Боқиб ҳайрона,
Йўлни кўзлабсан,

Чўққилар қорли,
Йўллар уфорли,
Қушлар гирёна,
Изларим зорли,

Қайда кетгайсан,
Фиғон этгайсан,
Манзил озорли,
Қайғу элтгайсан,

Дунё ўрмондир,
Ҳалак бу жондир,
Бир биримизни
Излаб дил қондир,

Дилим паришон,
Йўлим-да гирён,
Ҳатто ўзимни
Тополмай ҳайрон.

**КУЙДИ**
бу жоним
Парвона мисол.
Дунё меҳмони
Қошлари ҳилол.



Қўйгайму қараб,
Куйган кул томон,
Қараса олам,
Қолгайму омон,

Бечорадурман
Оломон ичра,
Не чора қилай
Бу жаҳон ичра,

Дунёдан обод,
Ошиқлар эрлар,
Дунёдан озод,
Ишқни эрк дерлар,

Порлар нигоҳи,
Қошлари ҳилол,
Куйди бу жоним
Парвона мисол.

**ОЁҒИМ**
оғрийди, оғрийди жоним,
Дунёда ҳеч табиб қолмаган каби,
Кўнгул тушиб кетса, зулмат жаҳонинг,
Ғариб ҳислар эзиб юборар қалбни,
Дўсту қондошларинг юртнинг таянчи,
Ҳолбуки, юртингда подшоҳ кабисан,
Эзиб юборади, ташлайди янчиб,
Сўнгги дамларингдан огоҳ кабисан,
Дейсанки, тавбага қолай улгуриб,

Оёғи юрмаснинг йўли йўқ каби,
Истиғфор сувидан нурли уй куриб,
Чалқиниб яшашни истайди қалбинг,
Бу шахсий дард дема, кўрсатмасин ҳеч,
Жон қаттиқ оғриса, ғариб юракдир,
Ёришмоғи учун кўнгул эрта кеч,
Қуёшдай сабри бор иймон керакдир.

## СЎЗ

топилмас сенга муносиб,
Ғариблигим сездим йўл босиб,
Таърифладим, деганлар осий,
Қандай таъриф этай, ватаним,
Чечан эмас, эшиб ташламас,
Сўз билан сув сари бошламас,
Бир пиёла чой тутади, бас,
Қандай таъриф этай ватаним,
Бироз дадил бўлмоқ ҳам бордир,
Ихтирога бўл энди қодир,
Улуғбекнинг изидан боргин,
Қандай таъриф этай ватанни,
Нари бўлгин, мақтов, ўтрикдан,
Боргин ўзинг солган кўприкдан,
Ойда дала ҳовли кур нурдан,
Қандай таъриф этай ватанни,
Коинотни забт этди олам,
Кетмонини қўймас ҳали ҳам,
Болам, олгин бобонг қўлидан,
Қандай таъриф этай ватаним,
Аммо эл бор, қуёш қўлида,



Уйғон дейди, бардош йўлида
Ой суйканар ўнгу сўлида,
Қандай таъриф этай ватанни!

## ШУ

осмон остида бир юрт, бир эл бор,
Ҳаммага яхшилик тилайди минг бор,
Дунёда ҳар неки эмас барқарор,
Аммо барқарордир тилаги унинг,
Асрлар эзганнинг кўриб аҳволин,
Унутиб ўтганни мазлумлик ҳолин,
Кўзларига суриб эркнинг шамолин,
Қушдай бахтиёрдир юраги унинг,
Аввал бошқаларга тилайди омад,
Меҳмон қилсам дейди дунёни фақат,
Шу хислати сабаб, дуч бўлди туҳмат,
Аммо беозордир тилаги унинг,
Андишанинг отин қўрқоқ қўярлар,
Кўзга кулиб қараб, кўзинг ўярлар,
Бундай қилмишлардан қачон тўярлар,
Аммо беғубордир тилаги унинг,
Мусичамас, нукул у жим турмайди,
Полвон томирлари гоҳо кўзғайди,
Бармоқлар бирлашар мушт деб бўлмайди,
Чўқмордир, бақувват билаги унинг,
Кечирим кўнглига, жонига мерос,
Яратиш онгига, онига мерос,
Кўкка нарвон қўйиш қонига мерос,
Осмонвор юраги, тилаги унинг!

**ШАРБАТНИ**
Жаннат сувига дўндирар, товлантирар,
Ҳатто акси бўлса ҳам куёшнинг
Кимдир ойнадан нур тушириб турар
Қоронғи шарбатимга.

**ИНСОН**
умрин ватанига бағишлаб ўтар,
Ўзи йўлу
Дарёлари ирғишлаб ўтар.
Сирғалиб чиқару
Тоғларин тортар,
Юрмаса силкилаб силкиб уйғотар.
Тоғлари суянар бу мард ўғлонга,
Ўғлон олиб чиқар буюк карвонга.
Бир қор уй тагида дам олар карвон,
Эрганакдан эрганакдай кун боқар,
Йўлга тушар қимиз каби симириб зиёсини,
Ҳам зиёрат ҳам тижорат
Айланиб дунёсини.
Кундуздай бир туннинг олдидан чиқар,
Тоғлар тош бўлиб қотар,
Кундуздай тун,
Дарёлар тошларни уйғотар.
Кундуздай тун,
Карвонни қаршилар буюк эл
Тунни кундуздай ёритар,
Тунни тундан аритар,
Зулматдан зулмдан аритар.



**ҚОФИЯ**
халал берар фикрга,
Хуфя
Фикр қолиб кетар
Эриса ҳам қофия қори
Очилмас из
Кирди –
Кори юракка ботар.

**ТОҒ**
елкамда турар доим,
эланар,
Елкам ҳам тоққа...
Бир-биридан сўрар озодлик.
Қадрдон бўлсам-да, ажрашмоқ истар,
Кўнглимни қийнашни исташмас улар.
Елкам деганда кўнгул уқилар,
Елканинг остидами, устидами,
Қайдалигин билмасман кўнгулни.
Кўнгул нелигини ҳеч ким билмас
Аллоҳдан бошқа
Кўнгул азобини биламан фақат,
Устида тоғ бор
Оламдаги ҳамма тоғдан улкан бир тоғ.
У қачондир
Мен қилган гуноҳ.

**ТОҒ**
бағрини чўқилайди қуш,
Тинмай чўқир,

Ўтар куз, қиш,
Баҳор келар, садо берар қир,
Бағрини анвойи чечаклар чулғар.
Ёз келар тамшанар саҳро,
Тоғни тинмай чўқир қуш,
Тоғ устидан энар баҳор.
Тоғни чўқир қуш,
Тош ачинар тумшуқ нурига
Ё нурли тумшуққа
Ва йиғлаб юборар… чашми гирён
Бир нур билан кўзёш.
Бирининг исми сув
Бириси куёш.

## УЛКАН

Чинор устида
Гулдайин қушлар,
Осмонларнинг остида
Кўм-кўкдир тушлар,

Тушимдаги қушларни
Қандай қилиб жўрайман,
Қўлимдан учганларни,
Мен тангримдан сўрайман.

Палак ёзиб унса деб,
Келиб қўлга қўнса деб,
Мен чинор бўлмасам-да,
Улкан шохим бўлса деб.



## ГУЛДУРАЙДИ

шамол, англатолмас ҳеч,
Недир айтмоқ бўлар, айланмас тили,
Гоҳ тонгни бузади, туриб қолар кеч,
Насим бўлмоқчийди, элга суйгули,
Нимадан қўрқар у, ундан ўқ ўтмас,
Ундан кучлироқ бор, гарчи дўқ ўтмас,
Баҳайбат, зўравон ортда бўрон бор,
Ортда бўрон бор деб, айтолмас зинҳор!

## САҲАР

аввал енгил оқар эди,
Осон отар эди олдин тонг
Ва уйғонар эдик осон.
Деразадан кўринарди тиниқ тоғ,
Энди отар экан недир секин,
Лекин оғир қисирлаб қўяр,
Инграб қўяр негадир, тонг билан
Атроф аланглаб қўяр атрофга
Ва тонг каби майин табассум билан
Ўзин тутиб келар биз сари,
Оппоқ рўмол ичра бир бурда онам.

## ТЕЛБА

бўлди бу йўллар,
Турфа гуллар бағрида,
Ўт-ўландир ўнг-сўллар,
Чопиб бўлмас қаърида,
Югургинг келар тошиб,
Ёлғиз кўл ва ёлғиз йўл,

Кетгинг бор тоғдан ошиб,
Ёш кўлидан бағринг ҳўл,
Аммо, қўймайди тошлар
Қаттиқ бағри урилиб,
Учсанг булут бебошлар
Йўлинг ўрар сурилиб,
Юлдузларга қўшмайди
Яна тўп-тўп юлдузлар,
Кўпкарига ўхшайди,
Тақимингни юлқилар,
Солимига ҳолинг йўқ,
Тўдани йиртмоқ мақсад,
Гарчи бошқа молинг йўқ,
Тулпорни тургунг ниқтаб,
Сени молим дедимми,
Қадрдоним, тилим бад,
Сенга содиқ эдимми,
Сотмадим сени минбаъд,
Ким азоб кўрди агар,
Эътиқоди учундир
Эътиқод – тенгсиз гавҳар,
Синаб кўрар кучингни,
Тоғлардан ошгинг келар,
Тўдани қордай ёриб,
Уфққа ёндошгинг келар,
Элни кўтариб бориб,
Ўзинг юртнинг устида,
Юлдузни олгинг келар,
Бу фалакнинг дастидан,
Юлдузда қолгинг келар,



Тулпорнинг кўзи юлдуз,
Телба бўлар йўлларда,
Йўллар ҳам ёлғиз-ёлғиз,
Тақдир деган қўлларда,
Шафақлардан ўтказиб,
Нур қизартган қўлимни,
Кўтариб ўтгим келар,
Тулпоримни, йўлимни!

## ШИФОКОР

кўрсатиб ўзин юлдузлар
Ойга «пуштинг йўқ» деб
Этар иффтиро.
Меҳрибонлик изҳори
Кўзларини қисиб қўйишар,
Боши берк кўчага сиқиб қўйишар,
Ой бечора чиндан ишониб,
Уфқларга урар бошини,
Ғамларини кўл қилар,
Осмондай ёқасин ҳўл қилар,
Тиёлмайди ёшини,
Юлдузларга
Осмонларга урар бошини,
Қизариб кетади
Кўк билан ер туташган жой,
Оламнинг кўзи
Орият ёмон бағрини доғлар,
Ичида дер ҳолим бўлди вой,
Дардини алла қилиб,
Қизганиб, авайлаб,

Бағрига босиб,
Бағридан қўймай шафақни
Пайдо бўлар ой.

**УЗУН**

узун, узоқ-узоқ увладилар
Ойга қараб итлар, бўрилар,
Балиқлар ҳавода айланиб қувнадилар,
Денгизлар сувини олтин рангда кўрдилар,
Саҳролар сарин бир нурларга чўмди,
Даштлар кўп энтикди гуллари билан,
Ҳатто, кўрсичқонлар инларин кўмди,
Гўё ҳеч ой кетмас осмондан, билар!
Йўллар четларида гиёҳи билан
Ўрлаб чопаверди адр бошига,
Туллар савобию гуноҳи билан
Ғарқ бўлди ўзларин иссиқ ёшига,
Кўрпани ғижимлаб қараб қолди чол,
Кўрмаган бу қадар ойни ҳеч олам,
Барчани қаратиб, айлаб қўйиб лол,
Чўғ ташлаб дилларга порлади ой ҳам!

**КЎНГЛИМДА**

куйлади гирён бир булбул,
Тингламади ани хуш-нохуш бир гул,

Булбул фиғони тутди самони,
Наки самони, балки дунёни,

Сел бўлди дарё, ҳаттоки фалак,
Йўқмикан шафқат, булбулжон ҳалак,



Бошини урди булутларга ҳам,
Борлиқ-йўқликка, унутларга ҳам,

Кўзёши каби оқди юлдузлар
Дарёда балиқ, ёнди кундузлар,

Урди осмонга қонли кўксини,
Шафақдир пайдо ёниб, ўксиниб,

Қон йиғлади қуш, гўё ажиб туш –
Қонидан пайдо – гули сувайдо!

**ИҚЛИМЛАР**

ўзгармоқда одамлар, ўзгармоқда
Кичрайиб бормоқда оқибат,
Кичрайиб боргани сайин оқибат
Тошқинлар, ёнғинлар қўзғалмоқда,
Кичрайиб боргани сайин оқибат
Кучаймоқда зулм,
Балки жазо
Макр
Кечикмайди ўлим,
Кесилмайди аъзо,
Қаҳр...
Кечикиб келмоқда фақат муҳаббат,
Кечикиб келса-да, фақат муҳаббат
Қутқарар оламни,
Жиловлар аламни,
Одамлар, аёллар, болалар ўша-ўша:
Бахтдан ирғишлайди,

Ғамдан йиғлайди
Йиғлатиб кўяди гоҳида ғамни.

## ЭЙ ОСМОН

кўнглимга кир,
Дунёдан бир ўтилгайсан,
Эй осмон, кўнглимга кир,
Сен қафасдан қутилгайсан!

Бепоёнсан, кеккаймагин,
Коинотга энкаймагин,
Эй осмон, кўнглимга туш,
Парвоз қилгин мисоли қуш!
Сидрилгайсан, ситилгайсан,
Ҳар хил издан титилгайсан,
Эй, осмон кўнглимга туш,
Маҳкумликдан қутулгайсан!

## ОЙНИНГ

қўли яқин ва Майин,
Силар бошу кўзингни,
Ойга боқиб турганинг сайин
Камайтиргин сўзингни,
Баъзан сўз ўрнига
Жимлик керак,
Керак илиқлик
Меҳр жойла қалб тўрига.
Ойдан тиниқлик
Зора,
Қонса кўнгул чанқоғи,



Зеро,
Ой булоқдир
Осмон булоғи.

## АГАР

сен тоғ бўлсанг ҳам
Оёғинг остида нозик йўл бор.
Юролмассан бу йўлдан,
Агар сен тоғ бўлсанг ҳам
Қилич каби ўтган бу йўл.

## ҲАЗИЛЛАР

турфа,
Оғирлари қолар ёдда.
Жуда кичик эдим,
Бешми-олти ёш.
Катта болалар
Ҳовузга тушади шу бола
Чидамли катта бола,
Дейишди, тушдим қиш эди,
Ўпкам пардасига етди заха,
Зотилжам,
Оғриқли нафас олдим.
Сўнг бир тузумда яшадим
Ўз тилида арз эттирди,
Шикоят эттирди,
Ҳазилидан қадримга заха етди.
Розиман, деб
Бошқасига тегиб кетди бир гўзал.
Ҳазилидан кўнглимга заха етди,

Дўстим мансаб билан
Ҳаволаб кетди,
Турфа ҳазиллар қилар,
Ҳатто йироқдан...
Сезмаганга оламан, чунки
Қолмади ҳеч заха бўлмаган жойим.
Ҳазил қилмас фақат яратган,
Раҳм қилар,
Бироқ, ажал жуда жиддий,
Келар тўсатдан захадорман, нобедорман
Тайёр бўлолмас одам,
Ҳозирлигим йўқ,
Ўзинг раҳм қил, эгам.
Ажал жуда жиддий
Келар,
Этмас огоҳ!

**ШЕЪР**

каби одам умри
Хулосам бошида
Ҳам бўлар ё
Сўнгида ҳам
Мақсади қувонч,
Таваллуди алам,
Алам эса оғриқ.
Баробар туяди
Шаҳару қишлоқ,
Фарангу қалмоқ.
Юз йил бир мамлакатни
Эзганлар,



Сезмагандай тутар ўзларин,
Ёшлантирди шеърнинг кўзларин
Этди булоқ.
Шеър, аслида, булоқ эмас тупроқ,
Оғуланган мева берар ер.
Оғуланган бола туғар она Шеър.
Ҳаво оғу,
Чолғудан ҳам таралар ҳатто,
Золимнинг тилида шеър битар мазлум.
Эвоҳ золимларнинг шоирлари жим,
Шеър туғар...
Мисралардай қалқинар тупроқ,
Узоқ яшар мамлакат, бироқ
Шеърни ҳам дафн этарлар,
Кўнгулнинг чуқурроқ бир ерига.
Кўнгул шеър,
Шеър кўнгул,
Сиғадиган нарса эмас терга,
Шеър терига ўхшар.
Ер-кўкнинг, деҳқоннинг терига
Шоир ногирон боласи ҳаётнинг,
Комил, соғ тутади ўзини.
Шоир эҳтиёж сўзидир,
Изи узоқ яшар ўзидан,
Шеър – ғамгин ёш,
Севинчли ёшдир,
Томчилаган умр кўзидан.

**ШОИР**

Оламнинг чиройидир
Очилса, деб ҳамма кутади,
Чунки беҳад хастадир дунё.

**ТОҒ**

булоқ бошидан ҳовлигача
Кўтарилиб борар йўл,
Иланг-биланг
Кўтарилиб борар қиз,
Қўш қўлида қўш челак билан
Юришга мажбур.
Иланг-биланг
Сувга тўлган калиш
Нозик оёқни сиқар,
Бироқ, мафтун ой
Бир челакка шўнғиб
Бошқасидан чиқар.

**ҒИЖЖАК**

наво қилар,
Йўқ, фиғон қилар, ғижжак
Инграр,
Аввал саҳро эмас,
Аввал дашт келар
Кўз олдимга негадир,
Қизғалдоқзор рангин қушлар
Ва дашт бошини урган тоғ,
Баҳор кескин тугар, тугар дашт,
Кескин бошланар ёз саҳро



Ва сўқмоқ саҳрога сингиб
Йўқолар,
Йироқларда отлиқлар, туялар, туяликлар
Бир йирик одам кичик кўринар
Туялар соясида.
Қўлида кишани шилдираб кетар,
Булоқ
Сояси хаёл сароб
Ва хаёлнинг сояси булоқ,
Шундай қайнарки,
Муз бўлиб қайнар.
Қалтирай бошлайсан,
Яқинроқ кўринар кишандаги одам,
Мардонавор юз.
Яқинроқ, танишроқ, меҳрлироқ,
Бобомми, исёнчими, астағфируллоҳ!
Якка тулпор ортдан чопар,
Ҳавода йўл бўлиб қолар чанг.
Кишанидан озод бобо
Юзларини қумларга сурар,
Турар, ўтирар.
Юзларини қумларга сурар,
Елкалари оз-моз титрар, оз-моз,
Ўтирар, қилмоқчидай парвоз,
Тўғри уфққа, тўғри кўкка.
Одам тўғри бўлса, чиқмайди йўққа,
Одам тўғри бўлса, кўк ўзи тушар,
Одам тўғри бўлса, кўк ўзи чўкар,
Шаксиз бу сўз тўғри замонларга хос.
Карвон уфққа сингар,

Отлиқ изига қайтар,
Саҳронинг қоқ ўртасида
Қолган бобо бир қўшиқ айтар,
Теппада айланган бургутлар қотар.
Узоқ йиллар йиғлайди саҳро,
Қум бағрида булоқлар пайдо,
Чўл даштга узатар секин қўл,
Бобо кўринади соқоллари ҳўл.
Ясолмади на тайёра на учоқ,
Зотан иложи ҳам йўқ эди у чоғ,
Неча йилки, макони саҳро,
У ғижжакни қилди ихтиро.
Юрт соғинчин куйлаб шундан инграр соз,
Бобонинг кўксидан чиққандай овоз,
Бу буюк ихтиро,
Сабаб ифтиро.
Ҳақ одам изида қолган изтироб,
Эзиб юборади одамни бироқ,
Буюк водий айлар саҳрони титроқ,
Олисдан эсгандай соғинч сабоси,
У сизнинг ва бизнинг улуғ бобомиз!

**ОЙДАН**

наво таралганидек,
Наводан нур келса ажабмас.
Шартмас от дупуридан фақат хавф туюш,
Кар эмасам-да, айб этманг, сукунат, десам товуш.
Озодлик қонун қафас, десам,
Ки асрар у ўзига ёмон қафасдан, зулмдан
Ва зулмнинг қаттиқ қўлидан.



Асрагувчи темир қафас озодлик қонун
Кир изламанг фақат кулгумдан,
Кулгу қайғу бўлиши мумкин
Яхшига ёмонлик қилишса тенгмас,
Ёмонга яхшилик қилиш улуғдир,
Асрларки ҳазрат куюниб демиш:
«Умидим булки, умидингга етгил,
Ёмонлик қилгонга яхшилик қил!»
Ёмонликдан тўхтатмоқ ҳам яхшилиғдир,
Ёмонга яхши сўз айтмоқ ҳам яхшилиғдир,
Ошиқлар шайтонга адоват этмас,
Шайтонда киндан бошқа ҳеч нарса йўқдир
Адуввим мубийндир,
Душманликдан ўзга ташвиши ҳам йўқ.
Қуёш қаърига гул жойлаган,
Гул бағрида куёш бор
Машраб ишқдан бошқа нени ўйлаган
Олмади, ололмади дор.
Занжир ожиз келур ошиқ тилига,
Қафаслар, дунёлар тордир дилига,
Маъшуқ жамолидан ўзга олам йўқ,
Ватан йўқ, эрку эрксизлик йўқ,
Қайғу алам йўқ,
Сахий тупроқ учун ўлик-тирик бир
Барчани бағрига оладир,
Кимнингдир қўлида ёвуз қурол бор.
Ўзи ҳам аслида кимгадир қурол,
Булоқнинг бағрида зиё ниҳондир,
Нур бағрида осмон, кўнгул ниҳондир.
Ота шўх ўглини авайлаб урди,

Мақсади зулм эмас, яхшилик эрди.
Товуш шовқин эмас, сукунат менга,
Болалар қийқирар сакинат менга,
Ёр қабоғин уйса беларво эмас,
Беларводир агар кўринмай қуйса,
Отлар дупуридан сокин, жим,
Бахт нафаси келар.
Юлдузлар ёрилар ҳаваси келар,
Эрксиз қолган бўлса энди,
Юртга, элга назар бор.
Қайдан ҳам топилар бу тенгсиз диёр,
Бир ғалат қурт ичра бордир пилла,
Чиқиндилар ичра ётади тилла,
Золим бўлсанг, зулмингни бас қил,
Ва яна бил,
Ёмонлик қилганга яхшилик қил!

**ҲАЁТ**

нақадар гўзал,
Боғча ёшида бўлсанг,
Боғчага бормасанг.
Ҳаёт нақадар гўзал,
Пул кўп
Мусибат кам бўлса,
Лекин ҳаёт қизиқ ғалати,
Пули кўпнинг ташвиши кўп,
Пули камнинг мусибати кам,
Баъзан қоришиқ.
Боғчада боғча йўқ,
Катта боғ бўлса,



Боғчага бормаган болалар каби
Боғчада ариқлар бўйида юрсанг,
Чўмилсанг.
Ҳаёт гўзал нокка ўхшар,
Нокка эса ҳаво тўла шар,
Ҳаво эса яшамоқ, англамоқ.
Мен кўп яшаганман,
Нокка қараб ютиниб,
Ҳаво ютиб
Яшамоқ учун,
Англамоқ учун
Топган сўзим шулки,
Боғча ёшида бўлсанг,
Боғчага бормасанг,
Ҳаёт гўзал боғчага ўхшар.

**БИР КУН**

осмонда ҳам яшарсан балки,
Орзуга айб йўқ, умидинг кулсин,
Майли, қайда бўлма, ҳар қачон қалбинг
Ватан ишқи билан лиммо-лим тўлсин!

**ОДАМИ**

бўлмаса тоғ ҳам ваҳима,
Сайҳонлар, ҳаттоки, боғ ҳам ваҳима,
Одамга суяниб яшайди тоғлар,
Одами бўлмаса, одам ваҳима!

**ТАШВИШГА**

солар,
Ўйлантириб қўяр

Инсонни, деҳқонни,
Турланиб турган осмон
Берк
Туйнукдай,
Очиқ қолган жой
Булутлар бебош
Ўзга мақомга йўрғалаган ой
Тўнин тинмай ўзгартирган қуёш.

**ҚОР**

ёғар,
Ғаройиб бир қор,
Оқ гул барги каби
Қор ёғар совуқ ҳузур,
Демакки, илиқлик бор,
Бағрида осмонни олиб
Тушар қор,
Булут йўқ каби
Қолмаган каби осмон,
Юлдузлари билан ёғилар,
Эриб ҳам кетмайди,
Бўлмас ҳам қалин,
Муродига етгандир қор.
Бўлгандир бахтиёр,
Бизнинг юртга тушиб
Бўлгандир салим?!

**АҲМАДЖОН**

деган қўшним бор,
Тунлари кўп ўқийди китоб.



Чироғи кўм-кўк офтоб,
Ҳеч кимнинг чироғига менгзамас,
Шуъласидан уйи кўк,
Девор ранги ила товланар гоҳ
Оч яшил, оқ яшил,
Яшил оқ...
Уйи рангин нурларга тўлсин,
Йўллари ҳам яшил, оқ бўлсин,
Ўқийверса, одам кўм-кўк нур аро
Олам билан китоб билан
Кетар қўшилиб,
Олам ўқир уни бир кун
Ўқигандек у ҳам жаҳонни,
Ҳозирча, у кўм-кўк қуёш остида,
Хонасига қамаб қўйган осмонни.

**ЯШАР**

эди Тилак Жўра учинчи қаватда,
Айвонда чарақлаб куларди,
Чақирарди,
Тўртинчи қаватдан энардим.
Уланарди суҳбатга суҳбат,
Оламни кезгандай
Қайтиб келардим,
Уйим жимиб қолар дафъатан.
Бу оламни эрта тарк этди,
Дорилбақога кетди,
Оқсоқол қирқтирди мўъжаз боғчасин,
Ўғилчаси ўзидай камтар,
Ўзидай ориятли ғужурли,

Гўё учинчи қаватни дўмдан юлиб
Қоракўлга кўчирди,
Гўё-пўёси йўқ, аслида,
Дўмдан шартта юлиб олиб уйини
Сайёдга, замонавий чўлга кўчирди,
Шай от дерди,
Сай от тўғри ҳаракатли от дердим,
Ёнида Олаот
Боғчасини йўқ қилди
Одам ажратади аблаҳлар;
Парижлик булут,
Нью-Йорклик юлдуз,
Тошкентлик осмон, дейди.
Осмон битта эмас,
Лекин бир эмасми,
Ҳаммага
Етмасми,
Хуллас учинчи қават бўм-бўш
Ҳувиллаб қолди,
Тўртинчи қаватда мен,
Муаллақ қолдим,
Менга осмон ҳам етмай қолди,
Ер ҳам.

**ЖАҲОН**
халқларига тинчлик тилайман,
Тошқиндан, босқиндан,
Талондан, тарождан,
Ноҳақ божу хирождан,
Адолатсиз тождан,



Эзгувчи кўзёшдан,
Нопокликни макон этган
Мамлакатдан,
Золим тахтдан, салтанатдан,
Тинмай дуо қилайки, аҳли жаҳонни,
То аҳли жаҳон-да дуо этсин,
Мен нотавонни.

**СЕНГА**
сиғмайди дунё,
Қайга боради кетиб,
Ер, бу бепоён само,
Нетар сени тарк этиб,

Сендай юраги кенгдан
Борми, бошқа кенглик ҳур,
Топарми, кетиб сендан
Юз кўзингдай макон нур?!

**ҚИЗ ҚЎШИҒИ**

Савдо тушди бошима,
Тош эрийди ёшима,
Кўкда учган турналар
Йиғлаб қўнар қошима,

Чиқолмайман ҳаво йўқ,
Бу дардимга даво йўқ,
Биров йўталар боғда,
Бу тунга ҳеч адо йўқ,

Чиққан билан не қилай,
Тақдирни қайдан билай?
Отам қайтмас сўзидан,
Ортга қайтмас кўнгил-ай,

Қушлар симга тизилар,
Кўзимдан ёш сизилар,
Кучим етар кўзимга,
Тинмай кўнглим бузилар,

Ўкраб юборар булоқ,
Тебранар елкадор тоғ,
Арикчамиз ҳиқиллар,
Чўғ яширар кул ўчоқ

Гулдай ёнар шафтоли,
Эсар тақдир шамоли,
Тинса-да – тинмаса-да,
Оловда ошиқ ҳоли,

Ёллуғланар шафақлар,
Элмас ер-кўк тарафлар,
Тугамайди бу достон,
Ризвондадир салафлар,

Савдо тушди бошима,
Тош эрийди ёшима,
Қўнмайдиган турналар,
Йиғлаб қўнар қошима.



**ШАМОЛЛИ ҚИШЛОҒИ**

Ҳуриллаб Шамоллидан
Шамол келар Зарбандга,
Булоқнинг зилолидан
Оҳ бол келар Зарбандга,

Бойтўбига ўтади,
Баланд қирлар оралар,
Аллоҳ тоғни кўтарди,
Ато этди саралаб,

Нурота дейди отин,
Оқтоғ оппоқ қаноти,
Валидий бўлди мафтун,
Бошқирд эллин зурёди,

Эргаш ота куйлади,
Куйлади Жуманбулбул,
Достон бўлди уйлари,
Қўшиқ бўлди ҳар бир гул,

Бағридаги қишлоқлар –
Илингандай чироқлар,
Чарақлаб турар кун-тун,
Осмонга сочиб учқун,

Тунда дейсиз лолазор,
Шамолли – бир лоласи,
Меҳмон бўлган буюк нор –
Жуманбулбул боласи,

Шамоллидир балки у,
Эл Шамолли, деб алқар,
Тоғлар аро у бир дур,
Чўққилар – шайдо олқор,

Қулади Дарбоза Тош,
Тандир Тош бор бағрида,
Гул мармар айлади Шош,
Кетди ундан нарига,

Бари Зарбанд тафтидан,
Нуротанинг нуридан,
Эзгулик Дарахтидан!
Шамолли сурури ҳам!

**ОЧИЛАР**
аста туман,
Кўринар тоғлар боши,
Дарпардани сураман,
Ҳаяжон… ҳис талоши,

Кенгликларга тўлар жон,
Кўнгул энтикар ширин,
Руҳинг бамисли осмон,
Ким билар, бу ҳол сирин?

Булоқ қайнар дилингда,
Тоғ ҳис этиб ўзингни,
Хуш каломлар тилингда,
Нур чулғайди кўзингни,



Бу диёр кенглигидир,
Яратганнинг атоси,
Табиат тенглигидир,
Йўқдир унинг хатоси,

Кетказар ғамингни ҳам,
Хуш сабонинг қўллари,
Тўлдирар камингни ҳам,
Бу кенгликни йўллари,

Ўтар нур чизиқ каби
Йўллар хаёл кўзидан,
Тўлқинда қолар қалбинг,
Ҳар ўксиниш бўғзингда,

Ўзингни бахш этгайсан,
Четда қолмаса сўзинг,
Тоғларга ҳам етгайсан,
Бир кун тоғ бўлиб ўзинг!

**САБОЛАРДАН**
хушбўй келар,
Ўтдими сочинг силаб,
Менга шундай бир ўй келар,
Қолдингми салом йўллаб,
Товланади сувларда нур,
Боқиб-боқиб қолдингми,
Осмонлардан ёғилар нур,
Кўкка нигоҳ солдингми,
Қанотига ёзиб отим,

Йўлладинг ишқий дафтар,
Боши билан қўш қанотин
Силар айвонда каптар
Қонларимга қўшиб ёзай,
Ўтсин кўп поёнлардан,
Ишқ сўзин қўшиқ ёзай,
Йўллайин осмонлардан.

**СЕНИНГ**
номинг билан улуғдир бу тош,
Бу уй чароғондир фақат сен сабаб,
Сен деб чиқар кўкка ҳар куни қуёш,
Ботар ҳар кун уфққа кўксини қадаб.

**ТОШИБ**
кетди сурув тамом дарадан,
Булоқ аста-аста дарёга етди,
Бағрида шу булоқ тортган наърадан
Уфқ ёрилди, қаро кўкка дарз кетди.

**БАРҚУТ**
каби куйга тўлар
Қаттиқ парда шўх созлар,
Сени кўриб, майин бўлар
Гулдураган овозлар.

**САРАТОН**
булут бошини эгар,
Тўхтайди қуш қаноти,
Бир қанот ерга тегар,



Сарин айлар ҳаётни,
Эзгу эса ҳур хаёл
Борлиққа бергай шукуҳ,
Дарадан чиққан шамол,
Оламга бахш этди руҳ.

**ТАРК**
этгим келмайди байтул жафони,
Дунё дарахтига қаттиқ боғлар нафс.
Кимдан ҳам кутаман содиқ вафони,
Мевалар кўринар ширин ва нафис.
Дарахт ҳам ғоятда гўзал туюлар,
Тамшаниб қарайман,
Кашф этилмас сир –
Бошимга ёнғоқлар
Тошлар қуюлар.
Бир-бир ёриладир,
Бошимда бир-бир.

**ИТҚИТИБ**
юборар қайноқ қуёшни
Доим кўтаролмас, қуяди боши,
Кўк излар, бош эгиб тугар бардоши,
Қудуқдан ой бўлиб боқар қуёши.

**НИГОҲИНГ**
ёруғида
Мактубингни ўқийман,
Табассум чизиб ўтар юзимни,
Сизиб ўтар кўзимни табассум,

Бош кўтара олмасман
Бир зум
Нигоҳинг ёруғида.

**СИНФДА**
ҳам, олийгоҳда ҳам,
Шеър ёзардим ортда ўтириб,
Ҳар чоғда ҳам ўрайди алам,
Гоҳо ўртаб, гоҳо кўтариб,
Баъзилари силаса бошим,
Ҳайдар эди баъзи муаллим,
Ўртаганда алам бу ёшим,
Кўтаргани эмасман бе илм,
Шеърлар ёздим ишхоналарда,
Ҳайдадилар, уйимда ёздим,
Тасодифан қушхоналарда,
Уйсиз чоғда ўйимда ёздим,
Ҳайдашсалар, агар оламдан,
Оламсиз ҳам шеърлар ёзарман,
Ўчим олиб мавҳум аламдан,
Аламсиз ҳам шеърлар ёзарман,
Ишда шеър ёзганим – пушаймон,
Хиёнат қилгандай ишимга,
Кенглик бўлиб кирарди осмон,
Тенглик бўлиб қушлар тушимга,
Дардга тўлган юракларимни,
Эслаб бола пайтим, шеъримни,
Тоққа чопган теракларимни,
Ариқ бўйин, ялпиз терини,
Шеърни расм билан ёзардим,



Яшириб, кўксим-ла босардим,
Тоққа чопган теракларимни –
Уй солганда керакларимни,
Шеър сўнгига қўйган сўроғим –
Ҳилолларнинг энг-энг порлоғи;
Нега терак чопади тоққа,
Ялпиз пастга, тушиб титроққа?
Келгусининг тушиб ўйига,
Терак экдим ариқ бўйига,
Ялпизларни кўрган онларим,
Жимирлади менинг жонларим,
Қандай ҳайдар бундай ҳаётдан,
Ёниб кетдим кундай ҳаёдан,
Бошга келган ўйдан қизардим,
Ёноғимдан терлар сизарди,
Ёшликка ҳеч ярашмас бу ўй,
Тол-терак – бўлғуси бешик, уй.
Энди эса эслайман ёниб,
Тоққа чопган теракларимни,
… ва жуда ҳам эрта уйғониб,
Босмоқ бўлдим титроқларимни,
Ялпизларим митти бўлишиб,
Чопиб келар менинг ортимдан,
Энди келди ҳар ён тўлишиб,
Қандай кетай бундай юртимдан?!

**ОСМОН**
бир жуфт кўздай очилди,
Уча бошлар турна булутлар –
Кўзларидан дурлар сочилди,

Марваридлар…кўпдан унутган
Ер тамшаниб яйради бирам,
Қўл чўзиб ювинди ниҳоллар,
Ҳар томонла хушбўй, бокира,
Инжуга чайинган хаёллар,
Хуш кўринар лойқа сувлар ҳам,
Селлар соҳил билан баробар,
Сакрар тоғда ҳур оҳулар ҳам,
Нур товланган кўзлари порлар,
Порлаб турар хушрўй ҳар томон
Чопгим келар дардни унутиб,
Ташвишларни итқитиб тамом,
Чопгим келар юрт қўлин тутиб.

**ГУЛНИ**
ташлаб кетмиш боққа,
Гул барги қондир,
Боғнинг бағри тўлмиш оҳга,
Гуллар ҳайрондир,
Булбул урмиш нолаларин
Ногоҳ сукутга,
Ўтни ўтдан ола келиб
Ташламиш ўтга,
Қаърларида ишқ-муҳаббат
Солар ғалаён,
Буни денгиз дейсиз, фақат
Жимлик ҳукмрон,
Бу дунёда сукут бўлса
Денгиз бўлсин,
Гул ҳам агар унут бўлса,
Тенгсиз бўлсин!



**ЭСЛАЙМАН**
бувимнинг қаймоқларини,
Гоҳо тонг рангида
Ол, деб қистарди,
Мактабга кетаркан ёноқларимни
Силаб, қаймоқ емоғимни истарди,
Эслайман, тонг рангли юзлари билан
Сингиди қаймоқранг тонглар қаърига,
Тонг олди қаймоқдай сўзлари билан
Тушларимга кирар
Босиб бағрига:
«Энди уйғон, болам,
Тур, қолмагин кеч!»
«Ахир, уйғоқман-ку, бағрингиздаман»
Уйғониб, дафъатан ҳеч англолмасдим,
Гарчи чиққим келар одатий издан –
Уйғониб, ўзимни ҳеч ўнглолмасдан,
Уйғониб-уйғониб
Уйғонолмасман!

**УЧИБ**
келар ҳар йил қалдирғоч,
Қай ерлардан, қаёқлардандир,
Бир йил қайғу, бир йилдир қувонч,
Бир йил сариқ, бир йил кўк адр,
Топиб келар қандайдир ишонч,
Топиб келар ҳар йил қалдирғоч,
Оёғида гўё доғи бор –
Қизилгина ипи, боғи бор,
Узилдими меҳр ипи, айт?
Қайтмадинг-ку?! Нечун? Энди қайт!

Ҳар кун сени эслаб бағрим қон,
Аҳволимни кўрдингми ўйлаб,
Нолаларга тўлди-ку осмон,
Қайтди ҳазин турналар куйлаб,
Қатнаб қушлар йиллардай кечди,
Йўли – изи кесди осмонни,
Дунё шодон тўнини ечди,
Ҳам кийдирди менга фиғонни,
Қушларча ҳам бўлмадингми, айт?
Сен нечун қайтмадинг? Энди, қайт!

**ЙЎЛЛАР**

мени қайларга элтар,
Ўтар оёқларинг остидан,
Дарёлардан ўтар-да кетар,
Кечар ҳатто фалак дастидан,
Осмонларда у парвоз этар,
Кўтарсанг қўл
Ўтар ёнидан,
Мени олиб
Кўтарса нетар,
Бир жимирлаш сезсанг жонингда,
Қуш парвози кабидир
Йўл ҳам,
Ҳориб-толиб кўнар қўлингга,
Яна бир кун шод сози билан
Йўл ҳам чиқиб келар йўлингга.

**САФАРДАН**

кириб келганимда ҳовлига,
Сездимки, кўркдимки, недир кам,



Дош бермоғим мушкул ҳовримга,
Қисматга қош қайирмоқ ситам,
Сезмагандай кириб келдим мен,
Дарвоза - ҳад. Иккита ҳаёт.
Олам тордир. Ҳовли жуда кенг.
Кенг қараб қўяди ҳатто от.
Сезмагандай ўтирдим. Димлик.
Бузмоқ бўлар жимликни қўплар,
Аммо… бузар жимликни жимлик,
Кўтарилиб келмоқда ўпкам,
Деразадан қуяр аямай
Ёллуғинми уфқ ишиғин
Ҳовлидаги итга қарайман
Қўлларига қўйган тумшуғин,
Кўзларини яширмас, фақат
Кўзларида яширар недир,
Хижолатми, ҳайронлик, шафқат…
Жуда секин сирли титрайди.
Онам имо қилар, илгакка –
Олиб кетар келин чопонни,
Олиб кетар уйни ёпмоққа,
Ҳатто ерни, ҳатто осмонни.

**ЧАҚИРАЙ**

дейман-у дармоним йўқдир,
Дармон келса кетган томонинг йўқдир,
Қушлар сочмалардай учмас сасимга –
Қафас сапчиб тушмас, ҳур қафасимда,
Рўмолинг ёлқини кабидир ҳаво,
Менга азияту ҳавога шифо
Берибсан, кетибсан – тўлғонади йўл –

Кўзимнинг олдида уйғонади йўл,
Хушнуд бўлиб титрар ҳар бир гиёҳи,
Шу йўлдан ўтдингми, хушбахтдир оҳи,
Ичига хуш нафас олган бир найдай,
Йўл қайга элтади, тугайди қайда,
Оёғим остидан
Узилган йўл ип,
Калава эдим мен, кетдим ечилиб,
Йўлимни қайтариб келмоққа йўл йўқ,
Мени йиғиштириб олмоққа қўл йўқ,
Чақирай дейман-у дармоним йўқдир,
Дармон келса, кетган томонинг йўқдир.

**ТЕМИР**
хамирдай қорилар қўл билан,
Ки қўл оташ ишқ билан.
Тош кўнгулни эритар қўшиқ,
Қўшиқ оташ сўз билан.
Кўз кўрар сандиқ ичин,
Кўк устин,
Ки кўз ичида кўз билан.
Зиндонни тешиб ўтди нур,
У эмас куёш нури,
Кўнгул фиғонидур
Қалб кўри.

**ТОҒМАН**
деб кеккайиб, бунча шишасан,
Бағринг ҳам тошдандир, улкан қушчасан,
Пойингдан бир харсанг олинса агар,
Ҳеч турар жойинг йўқ, қулаб тушасан!



**СУКУНАТ**

Ҳавонинг кўксига ўқ қадаб бўлмас,
Яп-янги оламдир, ҳеч итоб бўлмас,
Бу куй ўликдурки, тирилмоқдай гап,
Бу қандай навоки, ҳеч чидаб бўлмас.

**ЧЎҚҚИ**
ердан, элдан юксалди,
Кўтарилди кўнгулдан.
Боши теккан булутлар
Тарқалди,
Нур бўлиб таралди
Ўзи ҳам сояси ҳам,
Юрт денгизида
Элнинг ўзи денгиз эди.
Кўнгли ҳам
Тенгсиз эди,
Ёритиб юборди чўққи,
Тоғ-тошни,
Осмон қирғоғида,
Денгиздан юксалган чоғида
Кўтариб чиқди
Бошида тож каби
Ойни, қуёшни.

**ЕР**
осмоннинг қалбидаги шеър –
Уфқ лабида айтиламан дер.

**ЎРАБ**
олди қандайдир ҳаво,
Юрсанг юрар

Шардай,
Шар ичида юргандайсан,
Демак, ташқарида ҳаво йўқ,
Шарни ёрмоққа даъвонг йўқ,
Ҳожат ҳам
Бу ҳаво
Оғир бўлса-да, бор,
Яна юрар
          Сен билан
                    Бедор
Бедорлиги ихтиёримас,
Бедорлиги унга бир қафас.
Мен эркинман,
Қайга юрсам ихтиёрим бор,
Бироқ кучим етмас тарк этмоққа,
У ҳам ожиз
Мени ташлаб кетмоққа.

**ОЛАМАН**

қийналиб сувни,
Бу ариқ етмасдан
Ҳовлимни айланиб ўтар,
Сув олмасам маъқулдир, балки,
Кибр ариғидир, эҳтимол,
Эҳтимол, ҳовлим ҳам асрайди кибр
Кўксини ўймоғим маъқулдир, маъқулдир
Қудуқ.



**ТУРСУН АЛИ МУҲАММАД**

Бургут найза каби пастларкан гоҳо,
Шиддати синдирар бўрилар белин,
Тўнғизлар ўзини санайди танҳо,
Чанг солар сор бургут қўрқмасдан келиб,
Бир қўли дарахтда, тўнғизда бир қўл,
Тортганда айрилар бургутнинг тани,
Мақсад кучли бўлса, қочолмайди йўл,
Бир қўл сингиб кетар, дарахт ватани,
Ҳолига қўймайди кетган ўша қўл –
Тўнғизга эслатар мағлуб ҳаётин,
Эй фарзанд, шиддатда бургутдан зўр бўл,
Мақсадда олдин-ла, қўйгин фарёдни
Бургут найза каби пастларкан гоҳо,
Шиддати синдирар бўрилар белин,
Бургутга дарс берган халқимдир даҳо,
Тўнғизлар чекинар, отланса элим!

**СОЙ**

ўйноқлар осмонни кўзлаб,
Ой чиқса-да қуёшин излаб,
Бахт измида юрса ҳам бўзлаб,
Жаҳон сенинг куйингдадир,

Баҳор келса, ёрилар осмон,
Терисига сиғмас ҳар бир жон,
Ошиқни-ку, сўзлама бу он,
Баҳор сенинг куйингдадир,

Ўз-ўзидан ёриб чиқар гул –
Замин эмас, гулистондир бул –

Саҳролар ҳам гўзаликка қул,
Сайҳон сенинг куйингдадир,

Гулни кўзга илмаслар бор,
Баҳор недир, билмаслар бор,
Туркистон бу – тўрт фаслга ёр,
Бедор сенинг куйингдадир,

Йўлдошга-ку, йўқдир бўстонлар,
Кўксида кўп синиқ осмонлар,
Сен боқмасанг, надир жаҳонлар,
Бемор сенинг куйингдадир.

**ЧАЙЛА**
деб атардик боғ ҳовлимизни,
Дердик, ёз бўлса-ю, ҳеч бўлмаса қиш,
Чувлашиб, кўтариб товушимизни,
Ҳовуз бўйларида билмасдик ташвиш,

Тунлари чорпоя, супа устида,
Йирик юлдузларга боқардик мафтун,
"Юлдузлар жой олган осмон остидан –
Шомда ўчоқлардан сачраган учқун".

Укам ўхшатишга эди кўп уста:
"Сўта бу – пояга сиғмаган қувват",
Бир чел кунгабоқар – бўлғуси "писта",
Дала гулларига чулғанган увват,

Салқин боғлар аро қувлашгандек биз,
Бир-бирин қувалаб ўтди кунлар ҳам,



Бетон уйлар ичра қариб бездик биз,
Деймиз: ёз тез ўтса қиш келса малҳам,

Табиат қонунин унутиб гоҳо,
Нега мухтож бўлсак, уни бахт деймиз,
Салқин ҳовуз бўйин кўмсаймиз – даво,
Юлдузли ўчоқни эслаб ғам еймиз,

Унута олмасмиз, токи биз тирик,
Нуқта ҳам қўймаймиз ишларимизга,
Қувноқ болаликни эслатиб, йирик
Юлдузлар киради тушларимизга.

**КАРВОНЛАР**
асрни асрга улар,
Турналар уфқдан уфққа ўтар,
Маъюс, шод нолалар оламни тутар,
Дарё тўлқинлари кабидир дунё,
Юлдуз шуъласидан гўзал тун юзи,
Чарақлаб кетади умиднинг кўзи,
Холбуки, саҳродир, қародир ўзи
Саҳро ёлқинлари кабидир дунё.

Йўлчи юлдузларга қараб юрасан,
Қалбда ишқ бўлмаса ҳайрон турасан,
Паришон йўлингни қайга бурасан,
Сароб жўшқинлари кабидир дунё,
Гоҳ қумлар кўрасан, гоҳида гуллар,
Эркда мунгли, қафасда шод булбуллар,
Синов, сабоқ ичра комил кўнгуллар,
Баҳор тошқинлари кабидир дунё,

Қувончни соғинган интиқ хонасан,
Гарчи отадирсан, гарчи онасан,
Асил юрт хурлигин излаб ёнасан,
Ошиқ шошқинлиги кабидир дунё.

**ҚУЁШ**

қаттиқ урилар сувга
Сув қаттиқми, қуёш
Майда, майда бўлар
Эшитилар ҳатто, жаранги.

**ДУНЁ**

бу хуморни ёзгунча ўтар,
Бир этни илгакка осгунча ўтар,
Қозон қайнагунча, меҳмон келгунча,
Болангни бағрингга босгунча ўтар.

**ОСМОН**

кесилади,
Кўнглим эзилади,
Кечикдим, деб қўзиқоринга
Осмон кесилади,
Кўнглим эзилади.
Кечикдим, деб сўзи боримга,
Сўзи борим сўз айтмайди,
Ва ле йўлидан қайтмайди
Ва ле кечикар,
Кўнгул баҳоримга
Куз келар,
Эслатиб қўзиқоринни
Куз келар,



Эслатиб сўзи боримни
Сув тушар юзимга,
Кулбахонамдан
Туз тушар кўзимга,
Пешонамдан
Осмон кесилади,
Кўнглим эзилади.

**СЕНИ**

кўрмаганман,
Ва лекин кўрсам,
Йиғласам, юрагим бўшагунча то,
Ер гулли гиламин тўшагунча то,
Қалқинса бу гилам
Ер билан бирга,
Мен унсиз шеър айтсам
Шеър билан бирга,
Қалқинсам, қалқинса,
Айтиб дардим кўк,
Кўк мени тинглар кўп,
Тингламайди кўп,
Шартиллатиб сўк,
Марваридин тўк,
Мен ташна ердирман,
Гавҳари йўқ шеърдирман,
Сўзлагим келмоқда
Кўкни титратиб,
Чақинлар сачратиб,
Кўксимни гулдиратиб,
Ерлик жонга тегди,

Кўк бўлсам, дейман,
Йиғласам,
Э, майлига кулсам
Фақат, фақат ёнгинангда
Кўп-кўп бўлсам, дейман!

## СОЯМ

менинг судралар, бу уфқни босиб,
Потраб-потраб учқунлар сочиб,
Ҳайрон боқиб кўм-кўк зиёларга
Отимни соламан дарёларга,
Ёвуз дарёларда балиқлар яшар,
Бағридаги дурдан кўзинг қамашар,
Қопимни тўлдириб қошингга борсам
Меҳринг кўрсам, майли,
Қаҳр тошингда қолсам,
Судралган соямга
Ачийди ичим,
Дарёни судраб, мен уфқдан кечгум,
Майли, сувлар тўлса этикларимга,
Кўксимда кўлим бор,
Ёқамда чўлим бор,
Интизор соям бор иккисига ҳам.
Мен ўтдим,
Уфқдан
Ортда қолди у,
Михли излари бор юртда қолди у,
Бир-бирга интизор,
Ёқамда чўлим бор,
Кўксимда кўлим бор,



Керак жойга тўколсам, дейман,
Осмондай кўлим бор.
Молтишни билсам,
Билмасам,
Бир бахтли ўлим бор,
Бағрига чўколсам, дейман!

## ДАРЁ

оқиб келди ўтган асрдан,
Ўтганига ўтганидан
Ҳозир оқмоқда, келажакда сояси,
Сояси дарё бўлиб келажак,
Бу дарёга
Соясини тўлдириб
Қолдириб кулажак.

## ОЛАМГА

сиғмайди севгимиз, ишон,
Осмонни ёради туйғумиз, ишон,
Ерни уйғотмаса шаън, ҳисларимиз
Оламни қуршайди уйқумиз, ишон!
Ишонма,
Оламни босиб ўтмаймиз,
Ишонч-ла
Бир чироқ осиб ўтгаймиз!

## ТУМАНДА

зўрға кўринар қишлоқ
Чироқлари
Матода гул униқмиш,

Ё новдасиз тупроқни
Лолалар ёриб чиқмиш!

**БИР ҚАРО**

кун бўлди – диллар боғланди,
Ҳақни айтай деди, тиллар боғланди,
Олам ташна қолди, қақради, толди,
Гўё Сирлар биқан Ниллар боғланди.

**ҚУШЛАР**

сайроғида баҳор билинар,
Бошларга бахт келса, бедор билинар,
Дорга сиғинади дилини сотган,
Диёр кулфат чекса, беор билинар.

**САДОҚАТ**

кўнгулни тутгувчи устун,
Қоматин тутолмас, боқ фалак нечун?!

**ЖАСУРЛИК**

бормикин менда билмасман,
Биламан бирорта жасорат йўқдир,
Ҳатто хиёнатга парво қилмасман,
Ҳатто алданишдан кўнглим ҳам тўқдир,

Ҳатто алданишни ўтолдим алдаб,
Алдаб ўтаётиб ненидир уқдим;
Ҳар битта нотўғри ташланган қадам –
Юрагингга қараб узилган ўқдир,

Мен азоб чекаман – чекарсан азоб,
Қиёсан тоғ билан тошча бу қийноқ,



Ҳам таскин, ҳам азоб – эмассан каззоб,
Тан олдинг; осонмас ниқоблар киймоқ –

Ишқ никоб эмасдир – самимиятдир,
Расво бўлганимни ошкор этар у,
Сен расво эмассан – бу бир уятдир,
Сен доно савдогар; ор бу жўнлик-ку…

Жами эзгуликлар чикка-пиккадур,
Сенда жасорат бор – қаддинг тиккадур,
Таъна тош ёғдирмас сенинг бошингдан,
Сен мағрур ўтасан карвон қошидан.

**БОЛАЛИГИМДА**

улкан адр устида
Бир отлиқ
Ҳар кун отда чопар эди,
Ҳуда-беҳуда, у ён, бу ён,
Паст-баланд.
Пастга тушганда
Боши кўринмай қоларди,
Қиличдай шамолми,
Недир, бошини олиб қўйгандай,
Кўтарилганда яна бошини
Жойига қўйгандай,
Қиқир-қиқир кулардим.
Тушунтириб беролмасдим,
Қўл чўзардим адр томон.
Бугун ҳам ёдимга тушар
Беҳуда от қўйса кимдир...

## ЁЗ

Салқин боғлар энтикиб қуяр,
Сарин шамол ифор билан хуш,
Ой боғларни минг рангга бўяр,
Рангин гуллар кўрар рангин туш,
Ухлаётган гўдакдай диёр,
Орзуларнинг оғушида жим,
Такрор этар бахт сўзин минг бор,
Тамшанади соҳиллар сўлим,
Кўринади новдалар аро
Ўрик каби юлдузлар йирик,
Осмонларда нурли фаввора,
Уфқларда зиёлар сирли!

## ҚУШ

Бу қандай дунёки, менинг бахтим йўқ,
Бир тўлиб куйласам, янграб қолар ўқ,
Бахтни тушлар кўриб уйғонган дамда,
Бир қафас кўтарган ўтар олдимдан,
Қочай десам йўқдир туби осмоннинг,
Гоҳ қайғуси келар боғнинг, сув-доннинг,
Беш кунлик меҳмоннинг шумикан қадри,
Ўқ йўқ бўлса ҳиди тутар адрни,
Тузоқ йўқ бўлганда келади ваҳми,
Ким дон сепса қўрқдим; ростмикан раҳми,
Бахт – ўйлаб қарасам, туш кўрган дамим,
Дейман, ухлаб-ухлаб тўлдирсам камин,
Уйғонмасам дейман қучиб дарахтни,
Ухлаган пайтларим туш кўриб бахтни,
Аммо қуш уйқуси бўларди қанча,
Демак, қуш бахти ҳам асли ўшанча.



## ҲАЛИГИНА

гўзал эди ҳамма ёқ,
Ҳар нарса.
Қайга ғойиб бўлди
Бу чирой,
Ўзгарди ранг,
Осмон шунчаки кўк,
Юлдуз кул тагида чўғ,
Хирадир ой.
Билдимки, ранг эмас,
Алмашди ҳис.
Юртимни, одамни
Гўзал кўрмоғим
Рангларнинг аслини
Ҳис этмоғим.
Севмоғим учун
Қувонч истайман,
Ҳеч курса тенглик.
Ҳисларим тенглигим,
Қарашларим тенглиги,
Кенглигини истайман.

## УЛКАН

дарё иланг биланг,
Бамисли илон.
Бир жойга бориб
Тўғри, текис бўлар
Бу илон.
Қилич бўлар,
Бориб бир жойга.

Яркирар ойда,
Айланар,
Узун қиличга.
Ҳар қалай, қилич
Хизмат қилар
Тунни тилкалашга,
Зулматни бўлишга.

**САВОЛИНГНИ**
менга йўллама,
Кўзим билан кўксим ҳўллама.

**ИШҚ**
одамни кўтарар кўкка,
Дарё каби, кўк каби кўпга.

**МЕНИНГ**
осмонимда юлдузлар йўқми,
Қоп-қорайиб қолган мусаффо кўкми,
Гўё кўк дарахти гулларин тўкди,
Анов милтиллаган кул ичра чўғми,
Ёлғиз сўнаётир бу чўғ не учун,
Ёлғизлик тўнмоқда бу чоғ не учун,
Нечун мен тентираб юрибман ёлғиз,
Юлдузларин тўккан тунларим беҳис,
Юлдузсиз бу тунлар кундуз эмас йўқ,
Юлдузсиз бу тунлар ёлғиз эмас, йўқ...

**ЗАМИН**
хазон бўлди. Гуллади осмон,
Хазондай сарғайди менинг ҳисларим,



Соғинчим талпинар хотира томон,
Қанча юрган билан мунгли изларим,
Оҳиста қадамдан чақнайди ўт,
Қадам юрмоқ истар, қўрқади юрак,
Гўёки оҳиста узоқлар тобут,
Гўёки қабристон шитоб-ла юрар.

**УЛКАН**
уммондир бу, совуғистондир,
Тош қотган музларнинг аёз ўлкаси,
Уммонмас – ёйилган қаттиқ осмондир,
Бўлди йўлни тўлқин – бўртган елкаси,
Мен ўтмоғим керак, баҳор юртига,
Гуллар диёрига, бахт, ёр юртига,
Гарчи шаффоф, лекин, муз қалин тиниқ,
Менинг уловимнинг қаноти синиқ,
Синиқ қанотига даво айла деб,
Мен Борга ёлбордим, шифо айла деб,
Ки уни синдирди совуқлар тошлар,
Музлар синдирдилар – совуқ қуёшлар,
Мени бўлиб қўйди диёрим билан,
Ҳақ юрти, ҳақ йўли дўст-ёрим билан,
Букри тўлқинларин – қотган қуролин,
Уволимга қадаб, кетказди ҳолин,
Мени ҳам ҳижрон-ла паришон айлаб,
Қўйдилар кўринмас ип билан бойлаб.

**ҲИКОЯ**
қилмоқни ёқтирмайман ҳеч,
Хуш кўрмам ҳикоя тингламоқни ҳам,

Аммо ҳикоядир ишқинг, эрта-кеч
Ҳикоянгга тўлди коинот, олам,
Мен мағлуб бўламан юлдузга қараб,
Тўлин ойга боқиб яна мағлубман,
Қуёш чиқар экан маҳзун ярқираб,
Ҳеч фарқи йўқ каби шарқнинг мағрибдан,
Туюларки, бир хил рангдамас соянг,
Бир рангда эмасдир нур қони – алам,
Аммо ҳамма жойда бир хил ҳикоянг,
Бир хилда мағлубман ҳамма жойда ҳам.

**МЕНДА**
ақл йўқдир, ўғирлатдим мен,
Шундан паришонман, телбаман шундан,
Замин туюлади тамом, сўнгсиз кенг,
Олам тамом тордир, ғам келган кундан,
Ҳижрон масофамас, кўрмаслик ҳижрон,
Ақлга бегона кунлар ҳам бахтдир,
Маънони кўтара олмайди мужгон,
Ақл йўқ, маъно бор – титраб турадир.

**ОЛАМ**
синиб қолди – шикастадир дил,
Гарчи чироқ бутун, вайрондир қандил,
Қуёш оҳлар урар, сарғаяди ой –
Бағрга дард қўнар, юзларда чирой,
Дарёнинг шиддати бузгудек қирғоқ,
Хаёлан даштларнинг бағрида оқар,
Қирғоққа маҳкумдир, тош қотар. Бироқ...
Музлаган бағрини синдириб, ёқар.



**ҚАДАМ ТОВУШИ**
айлана айлайди уйимни,
Ҳовлим атрофида ясар доира.
Айланани айланиб ўтолмайман,
Кесиб чиқаман доирани,
Ҳеч ким йўқ  кираман.
Яна дўқ-дўқ,
Тонггача уйқу йўқ.
Кўкка кўтараман,
Юзга тушираман
Ҳовучни.
Учираман,
Қочираман,
Афсус, дейман, кейин англаб чақираман
Уйғотмоқчи бўлган қадам товушин...

**ДАРВОЗАНИНГ**
табақаси ортида
Муштеккина кампир ўтирар,
Узун бурнига суяниб,
Табақа ортида,
Табақа остида
Рўй берар не-не
Ҳодиса.
Ёрдам бергим келди,
Гуруҳ-гуруҳ, табақа-табақа
Оломон суриб кетди мени
Муқаддас маконга.
Макондан фойда йўқ
Ёрдаминг тегмаса инонга,
Кўзимдан кетмади озғин қўллар,

Титроқ тиззалар узра кузги барг.
Чиққанимда йўқ эди,
Таъқиб этди,
Мени бир умр
Озғин қўллар,
Титроқ тиззалар.

## ЁШ

*(Отаназар акага)*

Кўзингдан тушган ёш тошни ҳам тешди,
Саболар эсди-ю ҳавони эшди,
Чунки нола эди, наво эди у
Сабога қўшилди тошдаги куйгу,
Энди чидаб бўлмас, чидам ҳам бир пул,
Энди оҳанг султон, инсон эса қул,
Марварид томчилар тошларга нуқул,
Қирмиз шабнам томар бошларга нуқул.

## СЎНГСИЗ

темир парчаси каби
Бу шамол
Тақалгандир эшикка,
Елкаси лат ейди,
Урилар далалар соғинчи,
Сурилиб кетган тоғлар йироққа,
Одамнинг дилида майда нарса йўқ,
Олам сиғиб кетар қароққа.
Гавҳарга жо бўлиб кетади олам,
Лекин бу одам
Олам гавҳарга айлангунча,



Гавҳар ёшга дўнгунча
Йиғламоқчи,
Дунёни кўзидан қувмоқчи,
Қандайдир оғир
Ниманидир ювмоқчи,
Лекин эшик ортида шамол
Сўнгсиз
Темир парчаси каби.

## ҒАРБ

Нима,
Шарқ нима, ажратмай қўяр,
Бир жойга йиғилиб қолса одамлар.
Аслида ҳам кўзёш бир хил,
Бир хил табассум,
Аслида ҳам бахт нисбийдир,
Ҳамма жойда ҳам.
Тушунча нисбий,
Фарққа қарамасдан оғриқни
Бирдай сезар,
Роҳатни ҳам,
Ёшликка, илмга, пулга тўймаслар.
Қариган чоғда ҳам ёшликни эслаб,
Ўзларин қийнашни қўймаслар.
Кимдир гулни пул қилар,
Гулни севдирар,
Ким севар шунчалар узгани қўймас.
Гул тикони каби улғаяр,
Лекин барча миллат ширинни бирдай сезар.
Бир хил туйиб улгуради

Заҳар тамини.
Бир миллат бир миллатни ошкор.
Бирини пинҳон эзар,
Тўлдирмоқчи бўлиб камини
Замин қозонида қайнаса ҳам, бир-
Бири ғоят илмли,
Қалби афсус кир.
Бир кам дунё етгунича Бирига,
Алданади ғурурига, кибригаю кирига,
Инсон
Бир ўксукка макон жой бўл,
Таъмасиз меҳр қуёш
Миллат қуёш бўл
Ҳар ён зулмат экан,
Лоақал ой бўл!

## КЎНГЛИНГНИ

шод этдим, бунёд айладим,
Ғамингни ёд этдим, фарёд айладим,

Қайғули тонгларда қайғунгни ўйлаб,
Сенинг армонингни зурёт айладим,

Узлуксиз мунгларда гарчи ҳаёт йўқ,
Унсиз ингроғингни ҳаёт айладим,

Дилинг синиғида гарчи кўлим йўқ,
Қалқон бўлолмадим, обод айладим,

Шикаста оз эмас бутун жаҳонда
Қай маҳбус кўнгулни озод айладим,



Дарз тушди кўнгулга қаттиқ фалакдин,
Мен қачон унга дил тазод айладим,

Бир одам қўлидан не келса қилдим,
Тинмадим то сени бир шод айладим,

Қўйдим иш орттириб тағин ўзингга,
Сени шод, ўзимни барбод айладим,

Йўлдош мен учун ҳам қилсин дуолар,
Уни дуо бирла мен ёд айладим.

## КАМОЛ

касб этмоқ-чун инсон
Муршиди комил излаюр,
Бахту иқбол учун ҳар он,
Мингта омил излаюр,

Мингта омил ичра топсанг
Ҳақ йўлин насиб этиб,
Журми айбини ёпса,
На авом, олим излаюр,

Барча кир дилдан кетиб
Пир изин айла тўтиё,
Ул буюк издан нишон
Васлию ҳолин излаюр,

Домла Камол меҳригиё
Ҳазрат Ғарибий, Темирхон,
Неча-неча дарвишу
Девоналар тин излаюр,

Ўтди Иброҳим, Ҳошимхон,
Қутбиддин Эшон Бобомлар,
Изларидан неча кўз
Неча қўл олтин излаюр,

Йўлдошо, муршид топ энди,
Муршид кўрирки, дил обод,
Ки ҳар дилни минг иғво сўз, –
Шайтони лаин излаюр.

**БИЛАМАН**
деб ким айта олар,
Ким айта олар
Инсон кўнглини.
Уялмай, нетмай
Кўнглим пок дейди,
Мақтаниш кўнгулнинг кири-ку,
Яна оқ дейди.

**БУЛОҚ**
бахтли кўзёш мисол
Сизиб чиқди ер кўзидан,
Сўнг думалади,
Думалоқлар бирлашди,
Салгина овоз берди
Тиниққина,
Бир оромга восил бўлди,
Ҳосил бўлган қирғоқчалар,
Ялпизчалар, пиданалар, хулболар,
Бир-бирини туртишиб,
Аҳилгина қатор бўлди,



Қувишиб
Борди булоқ борган жойгача,
Шов-шув бўлди тепагача,
Шов-шув етди ойгача,
Қирғоқ аранг эшитар
Булоқнинг шов-шувини,
Юлдузлар қайдан билди
Тизилишиб қирғоққа
Энгашиб кузатар
Чашма сувини
Чопа-чопа ялпизчалар,
Хуллас, бирдан тўхтаб қолди,
Сингиб баланд девор тагига
Булоқ кўздан йўқолди.

**ЖАЗАВА**
ҳосил бўлар тўйда,
Ҳовлида,
Қувончли дамда,
Тумонат одам даврасида,
Ўйинга тушиб кетар ногоҳ бир киши,
Ийманиш келмас эсига,
Эшилиб, буралиб ер тепиб ўйнар,
Суяниб нигоҳларга, қарсакларга
Чиқиб олар қарсакларнинг устига,
Қарсак тўхтаса ҳам ўйин тўхтамас,
Чиқиб олар нигоҳлар нурининг устига,
Тўхтамоқни қилмайди хаёл,
Ўйнайверар,
Ҳавода ҳам бемалол.

**СОЯЛАР**
долғаланар келганда баҳор,
Ақл эгалари учун оят бор –
Куз келса тинийди зилолланар сув,
Энди тўлқин отиб, жўшмоғи душвор.

**ТОШҚИН**
бўлмасайди яна бир бор,
Секин-секин кенгаймоқда анҳор.

**ДАЛА**
ориқлаб борар ким бошқарар,
Семириб кетмоқда бошқалар.

**БУ УЧУН**
аввало, кўнглингга сўз қот –
Саҳар уйғотмасин, саҳарни уйғот!

**ҚАНЧА**
китоб ўқиб, қаҳрамон билан
Бирга ўлиб, бирга тирилдим қанча,
Гоҳ тунлар оғриган юрагинг силаб,
Гоҳ тонглар титрадинг кўп йиғлаганча,
Юз достон ўқисанг мингта ҳаётни
Кўнгулдан кечириш ҳазил иш эмас,
Варақлар бўзлайди, изтироб – қафас,
Чиқиб кетолмайсан китобни ёпиб,
Гоҳ яшаб қоласан ўша «хато»да,
Авлиёотада шаҳидлик топиб,
Иймон келтирасан, тақдир атога,
Шукрона айтасан, Қодирий бўлиб,



Топширар экансан, миллат учун жон,
Минг бора туғилиб, минг бора ўлиб,
Китобга бойланиб беип, беарқон,
Китобга айланиб қоласан тамом.

**ОНҲАЗРАТ ЁКИ ҒАЛАТИ УЙҒОНИШ**

Хонҳазрат, бир қошиқ қонимдан кечинг,
Уйғонсам, ҳовлимда қуролли зотлар...
– Майлига гапирсин, қўлини ечинг.
– Юришар бемалол. Мени азоблаб...
– Нимангни олибди? Не тушди бошга?
Ўғри йўқ. Фуқаро бўлса тўк эди?!..
– Онҳазрат, бисотда бир эркдан бошқа
Ҳеч бир вақоимиз йўқ эди!..

**ҒАЛАТИ**
туш кўрибман,
Кенг далада юрибман,
Уюшмага тегишли далага туташ –
Каттароқ далам бор эмиш,
Шўродан аввалги
Бобомдан қолган,
Қонуний,
Еримда тарвузлар пишиб ётибди,
Улкан-улкан,
Тарам-тарам,
Тўнли тарвузлар.
Кўрсатар пичоқ учи тегса
Қип-қизил кўксини,

Аммо турибман ўксиниб,
Бермагани учунмас,
Менинг тарвузларим ҳар бири
Уч бошдай,
Уч бошлиқнинг бошидай,
Ҳар бандда учтадан,
Худди ёнғоқдай.
Бошқаларники хом, абу жаҳл тарвузидай,
Кичик, шундан ўксиндим
Ва хурсанд ҳам бўлдим.
Ҳамма уватларда ўтириб
Тановвул этишар тарвузларимни,
Фақат ўзимдан тақиқлагани қизиқ
«Кечроқ жўнатаман» –
Тасалли берар, Деҳқонбоши ҳамкасбим.
«Ўзимизни ўзимиз ўмарамизми?!»
Ўзимдан қизғанишар тарвузларимни,
Худди кўзимни ўзимдан қизғанган каби,
Сўзимни ўзимдан қизғанган каби,
Ўзимдан қизғанишар тарвузларимни.
Меҳнатим-чи,
Имлар шунда набираларим.
«Катта йўлдан нарида бепоён далангиз
Тарвуззорлар бепоён
Сизни кутишар»
Кўзимдан ёш чиқиб
Чиқаман тушимдан.

**ЧАМАН**

эса тўлганди кўп,
Кўрмади ҳеч



Уйғонди кўп,
Чаман ичра бахтиёрин,
Аҳди ёрин олиб кетмиш йироқларга
Олиб кечмиш йироқларга ихтиёрин.

**ОҚ**

қоғоз бағрига қўйсам кафтимни,
Ўқиб кўрсанг юрагимни
Тафтини,
Дардига сўз ожиз дея қўрқаман,
Мен қандай айтаман,
Қандай тўкаман,
Юрагимнинг тўлқини бор
Кафтимда.
Бахтимнинг изи бор,
Кўнглимнинг денгизи,
Ҳижроннинг сўзи бор.

**ЧОРШАЪМ**

бир ҳовлида
Бир неча бор уй тиклади,
Бузди, йиқитди қурди,
Отам айтар: «қандай улгурди?»
Ҳайронман, қойилман,
Гоҳ ёнидан ўтган боғча йўлига қараб,
Гоҳ қўшниларнинг кўнглига қараб,
Бир ўзи бузди,
Бир ўзи қурди,
Болаларга қувонч бахш этди.
Берди ҳузурни,

Ғайратга кирди,
Шу тариқа шеър билан
Ҳайратга кирди.

**КЎЗ**
ўз сўзин айта олмади,
Қуёш изидан кетди,
Қайта олмади.

**ОСМОН НИГОҲИ**
ҳам ўхшар ҳайратга,
Кичкина нуқтага тикилар қотиб,
Кичкина нуқта – ер кирган ғайратга,
Излар, нимани дир қуйган йўқотиб,
Ёдида, кўнгилда бор қандайдир из,
Кўз кўрмоғи қийин, бирмас, бир талай,
Ернинг йўқотгани ҳар недан азиз –
Осмон нигоҳига лойиқ ҳар қалай.

**ҚУЁШ**
қайга борар, ой қайга борар,
Қуёш кечалари, ой кундузлари,
Балки яратганга тинмай ёлворар,
Чунки соғинади инсонни бари,
Чунки ҳар бир инсон ўзича подшоҳ,
Гарчи сийламайди фалак гоҳида,
Гарчи синаб турар ҳамиша Аллоҳ,
Гарчи фалак титрар тортган оҳига,
Барча мавжудотнинг гултожидир у,
Оламлар шоҳининг ўринбосари,
Коинотнинг ишқи, ишончидир у,
Ки соғинар қуёш, юлдуз, ой, бари...



**ИНСОННИНГ**
кўнглидан тилаклар ўтар,
Айланиб-айланиб фалаклар ўтар,
Заминни айланиб ўтгандай қуёш,
Қафасин ёритиб юраклар ўтар.

**ЮЛДУЗДАН**
наридан қарасам бир кун,
Кўрсам адирдаги боғни, токзорни,
Шаффоф шабнам каби титраса узум,
Булоқлар соғинар мен интизорни,
Паҳлавон чўққилар посбонлар каби,
Бедордир осмонни кўтариб бошга,
Юртни ёритган ой-Ойбарчин қалби,
Оҳ урса етади алпга – қуёшга,
Юртим осмонида юлдузлар йирик,
Ки ният биландир улканлик мудом,
Ният олиб юрар инсонни тирик,
Ойдан нарида ҳам қўллайди худо.

**ЧИРОЙЛИ**
кўринар ўтган ҳар замон,
«Бугун у етишса, бугун бу ёмон»
Йўқолган пичоқнинг сопи олтиндир,
Ўзи қандай эди, учи моймиг, қон?

**ШЕР**
ўлжасига
Мушукдай писиб борар,
Ерга ёпишиб борар,
Судралиб, тирналиб,

Танидан қон тирқираб,
Қийналиб борар,
Гоҳ тулкидай ҳийла қилар
Ўлжасига,
Дўстига эмас.

**ҚУШ**

бепоён денгиз устида,
Тоймоқда ҳолдан,
Балиқда кўзи,
Соҳил узоқ,
Соҳил солиҳ эмас,
Саҳиҳ эмас,
Соҳил йўқ каби.
Балиқ эса дарё билан
Кетмайди оқиб
Ширин сув сари,
Денгиз шўрми ё пешонаси.
Йўқ, бу ором денгизи,
Эрк денгизи,
Гарчи елкасига санчилар нигоҳ,
Таъқиб этар оч кўз.
Шунчалар азизми диёр,
Шунчалар ширинми
Ватан деган сўз?!

**САРАТОН**

ҳақиқатда шамол кўзи
Катта эди ўзидан,
Ҳақиқатда шамол бир парча эди,
Табассум қиларди ҳилпираб,



Бошим устида
Гўдак каби эди бу шамол,
Ҳаво иссиқ темир,
Томчилар эриб
Бу беғубор
Табассум остида.

**ҚИШ**

келса қуш жанубга учар,
Минг бор келар баҳорга дучлар,
У қаёққа борса бағрида
Ватанини авайлаб учар.

**ТЎЛА**

ғорга ўхшаш,
Фақат охири бор,
Ғорнинг охири йўқ.
Охирида эшиги бор,
Қатағондан жон сақлаб қолган
Тўлаларда улуғ имомлар
Тўрига ўтиб.
Тўланинг ярмидан юпқа сувашган,
Сувоқ девор ортида улуғлар
Милтиқ кўндоғига пешонасин,
Елкасини найзасига тутишган.
Токи девор қуламасин,
Йиқилмасин юпқа девор,
Токи бўлмасин ўзлари ошкор
Ва ўлмасин.
Баъзилар кўрсатмоқ учун
Ўзларини номусулмон

Хамр ҳам ичишган,
Баъзилар эса,
Дийнидан ҳам кечишган.
Худога шукрки, бугун йўқ девор,
Милтиқ, ёв, ёғий,
Бегоналар ҳам
Ҳам деворни, милтиқни тутиб
Қолган
Елкалар йўқ,
Пешоналар ҳам.

**ОСМОН**

имкон бор. Зулмати камаяр туннинг,
Шукр қониб ўтар инсон ҳаётга,
Яхшиям қопқаси ёпилмас унинг,
Яхшиям туйнук бор одамизодга.

**ҲАР ИНСОН**

истарки, соғлик бўлсин ёр,
Сакийнат нурига хонадон тўлсин,
Ҳар подшоҳ хоҳларки, тинч бўлсин диёр,
Раият, эл-улус саломат бўлсин.

Ҳар кўнгулда порласа нур, гўзаллик –
Шоир истаб ёзар шеъру ғазалин,
Ошиқ истар тун-кун юрак-бағри қон –
Жамолингни кўрсат Роҳийм, ё Раҳмон!

Бағри қонлар ичра хуш ошиқ бағри! –
Бахт истак ичра шоҳ – истаги, бахти!



**БИР СЎЗ**

учун шоир неча сўзга
Айлар саёҳат,
Ичу тошин айланади қанча,
Сўзнинг
Бекатларин айланар,
Биноларин,
Қатларини, қаватларини,
Сўз дарахтин меваларин.
Тишни қамаштиргувчи гоҳ,
Гоҳ лаззатдан қисилур кўзлар,
Тамларини элтар қоғозга,
Ҳофизга, овозга,
Димоғни ёргувчи гул ҳидин
Тарсиллаб, торсиллаб ёрилгувчи
Қовунлар бўйин,
Мискиннинг ўйин,
Шоир ўзи мискиндир, ҳеч вақоси
Йўқ, бойлигин элтар инсонга,
Бир табассум учун,
Бир қарсак учун,
Бир тиш қамашмоқ учун.
Ки урмаслар шоирни,
Қамамаслар,
Ёлғизлик чоҳига ташларлар,
Ташларлар ёлғизлик ясовулларига,
Ёлғизлик саҳросин кимсасиз овулларига,
Ҳеч кўрмас гўзал табассуми деб,
Йўқ гўзалнинг бор чеҳраси учун
Саҳрода чиллада кун доим

Тиккада қолар,
Адашган оқ терак
Оқ соясин орқалаб олар.
Жойида турганча мудрар саксовул,
Овулда ҳеч ким йўқ,
Кимга керак кимсасиз овул,
Ёлғиз шоир кимга қоровул,
Уйғон, дейди бўшлиққа қараб
Ғичиллар, қисирлар овул,
Ғон, ғон, дея берар акс садо
Худди ёлғон, деганда ўхшаш.
Ичидан отилар қирмизи бир ох,
Булутдан ситилиб чиққан каби моҳ.
Шундай ҳалок бўлар Маъно Султони,
Қуёш дафн этади қуёшни,
Ер ерни,
Осмон осмоннинг осмонин.
Калом топилмайди бу ҳурматга мос,
Хуллас, дафн этилар султонларга хос.

**САҲРО**

Юра бошлар дарёга қараб,
Ҳатто, яқин келиб қолар шаҳарга.
Қилич каби ётса-да ярқираб,
Тунни бўлиб
Юрса-да саҳрога,
Дарёнинг кўп йўли узундир.
Тошларга таланар маҳзундир,
Ташлаб йўлларига қалин соялар
Тўсиб чиқар қоялар.



Ичи куйиб қолаверар, ичи қаро,
Дарё эса, барибир, дарё,
Мўлжаллаб отилган найза мисол гоҳ.
Урилар дубулға каби тоғларга,
Кўксида юзланиб товланади моҳ,
Гоҳ эриб оқади ширин оҳларда.
Барибир, олдинлар олдига солиб,
Хору хасларни ҳам
Ҳар недан ғолиб
Саҳро ишқи билан тортар наъралар.
Арслон ўкригига тўлар даралар,
Дунёнинг бағрида
Девона каби
Қақраб қуриб кетар дарёнинг лаби,
Кўкси оловланиб олдинлар дарё.
Куйиб ётар унинг ишқида саҳро,
Ҳаёт йўқ, баҳор йўқ,
Қуёш йўқ, ой йўқ,
Кўксини босгани бирор зах жой йўқ!

**ШУДГОР**

Узоқдан қирмиз бўлиб кўринар,
Ботаётган қуёш нурида
Тўлқинланиб турар тўқ қизил
Буғ кўтарилар
Ҳарир напармон
Шодми, ҳазинми,
Қандайдир фиғон
Оҳиста юксалмоқ истамас,
Истамас билинмоқ,

Ахир, ҳазилми
Бағир тилинмоқ.

## ЁМҒИРДАН

иборат ҳозир бу олам,
Бекат анча узоқ,
Уйим ҳам узоқ.
Мусофир эмасман,
Ундан бадтарман.
Соябоним йўқдир,
Ёмғир аямас.
Соябоним йўқдир, биёбоним бор,
Йироқдан кўринган пана қоямас,
Қоя пана эмас,
У ортда бедор.
У бедор эса-да, ўзи ҳам абгор,
Четлаб ўтай демас
Бепоён ёмғир,
Тоғларим ортимда йирок бир ғубор,
Ҳар ёғим шалаббо,
Титрайман дир-дир.
Қорайиб кўринмас улов ҳам бироқ,
Шодлик ҳам эмасдир борар манзилим.
Мен, ўзим бир тоғдан кетаётган тоғ,
Қояси демоққа бормайди тилим.
Ки бағрим ўприлди бу йўл зулмидан,
Кўксимда чўққининг сурати қолди.
Армонин олмоқчи эдим элимдан,
Қасоскор йўл мендан ўчини олди.
Буюк тоғ парчаси, тоғдирман ҳануз,



Барибир, юраман тишга босиб тиш,
Мени кузатмокда ортимда кеч куз,
Олдимда қиличин қайраб келар қиш.

## ШЕЪР

Сенда шодлигим, ҳиддатим қолса,
Қон кусган қаламнинг сурати қолса,
Қолса боғларимнинг ўткир ифори
Ва ўлкам баҳори, ўлкам баҳори,
Одам-ку шодликсиз, мунгсиз яшолмас,
Бу гўзал ватанда сўнгсиз яшолмас,
Агар кетар бўлсам, келиб ўшал кун,
Диёрим сувратин жо этгин бутун,
Мени кўриб келдинг ҳар кун, ҳар нафас,
Энди ҳисларимга бўла қол қафас,
Лекин ватан билан озод яшагин,
Одамлар дилида обод яшагин,
Сени ўқиганда олис набирам,
Бошини эгмасин хижолат бирла,
Десинки, курашиб ўтибди бобом,
Юраги ҳайдалган, ташна бир ёбон,
Мевалай бошлабди у тортган оҳлар,
Унибди ниҳоллар, рангин гиёҳлар,
Десин, нафаси бор ватан боғида,
Дуо қўшиб қуйсин сўз адоғида.

## СОЙДА

гулнинг соясига ой тушди,
Сув тиниди, оҳ ҳумой тушди.

**ВАТАН**

достон бўлса осмонга сиғмас,
Кўзларга, умрга, поёнга сиғмас,
Эл кўнглига жодир ёлқини билан
Ноаёнга сиғмас, аёнга сиғмас,
От чоптириб ўтар гулдурак ичра,
Алпомиш сиғмасдан дўмбира ичра,
Болалар чўққилар оша учирар
Варраклар, тоғлару адирлар ичра,
Бир говмиш қайтади подадан шошиб,
Сути елинидан бормокда тошиб,
Бир келин юлқинган бузоқ кетидан
Югуриб кетмокда эрганак ошиб,
Шафаққа туташар даштлар гулхани –
Будир қизғалдоқзор... чопиб кулгани,
Достонни куйдириб ўтиши тайин
Ватанни сатрга жойлаб кўр, қани?!
Дилда зўр шодлик, мунг. Толиб юраман –
Улуғ ҳисларингни олиб юраман,
Қайда бўлмай, ватан, меҳринг тафтида
Учиб келаман ё ғолиб юраман!

**ЭЙ МЕНИНГ**

ҳориган тоғларим,
Қорлари ариган тоғларим,
Кимларни кутасиз интизор,
Интизор, қариган тоғларим,
Қорингиз айрилиб кўл бўлди,
Борингиз айрилиб мўл бўлди,
Бағрингиз тилсимли хазина,
Тошингиз айрилиб йўл бўлди,



Йўлдан бир паҳлавон келарми,
Бергувчи жонга жон келарми,
Келарми тортгали қўллардан,
Жилмайиб қўлини берарми,
Йўллайсиз ёзларда саломлар,
Тип-тиниқ дур каби каломлар,
Осмонни жо этган ҳар томчи –
Булоқлар сўзида талонлар,
Сукун-ла боришмоқ истайсиз,
Сиз ҳам бир қоришмоқ истайсиз
Ёртиб атрофни ҳар қачон,
Шу тақлид ёришмоқ истайсиз,
Йўл юриб кутасиз, толасиз,
Кутиб, йўл юрасиз, қоласиз,
Отдош паҳлавонлар қайтгайми?!
Эх, қачон сиз кутиб оласиз?!

**ЗИНА**

қурдик дўст-ла ширин орзулаб,
Бир ишни ишладик, зўр эди тилак,
Мени ташлаб кетди, юксалмади у,
Юқорилаб борди зиналар билан.

**БАҲОР**

эслатади жамолингизни,
Гуллаган олчалар рўмолингизни,
Тасаввур дош бермас хаёлингизга
Қандай таъриф этай хаёлингизни?!

**ЕРНИ**

ўпди деҳқон, армонни ўпди,
Уфққа бош уриб осмонни ўпди,

Дур бўлиб кўринди ҳар томчи ёмғир,
Ўзи саҳро бўлиб бўстонни ўпди,

Чўлларга, қумларга очиб кўксини
Иқбол ёбонида бўронни ўпди,

Эл билан ўзини бир билди мудом,
Элга тош отилса, дил-қонни ўпди,

Ватан деб ватандан гоҳ юрди йирок,
Ҳижратда ҳам байт ул раҳмонни ўпди,

У тўйдирган, уни топтади гоҳо,
Эвоҳ, топтаса-да ҳайвонни ўпди,

Ночор тарихлардан тарихга ўтиб,
Маҳзун кўнгул билан Қуръонни ўпди.

Хотиржам кунларни хирмон қўли-ла,
Ниҳол лаби билан ёбонни ўпди,

Эй Йўлдош, куйласанг деҳқонни куйла,
Ҳар қачон юртга аҳд-паймонни ўпди.

## Дарё мавжи



## АБДУЛЛА ТУРДИ

Ирмоқлар ирмоққа қўшилиб
Дарё бўлганидек,
Дарёлар бирлашиб
Денгиз тўлганидек,
Бирлашса миллат.

Зарбанддан даъват,
Булоқ,
Ирмоқ,
Оқ дарё,
Қора дарё,
Зарафшон сингиб кетар,
Денгизга эмас,
Бухорога,
Олтин денгиз – Бухоро!

## ФИТРАТ

буюк дарё,
Учиб келар қанотин ёзиб.
Қизориб
Кўринар қаноти,
Қўнғир-қўнғир
Оппоқ-оппоқ
Тўлқинлар отиб.

Ҳали йўқ номи,
Фақат шамоли бор,
Қанотларин шамоли.



Ҳали йўқ ўзанидан
Тайёралар кўтарилар қиличдай,
Шитоб билан,
Карахт эл кўз олдида
Кўз олди қорайган,
Хоб билан,
Дарё эса хитоб билан
Ҳали йўқ
Бағрида гуллар олиб келар,
Эрк олиб келар
XX аср карши
Ололмаган
Озодлик дарёси
Элнинг кўз қароси!

## АЛИМ БАХШИ

Бу ғам асло ғам эмас,
Гарчи ўзи кам эмас,
Наф кўрмаса эл агар,
Хаёл ҳали таъм эмас!

## ИБРОҲИМ МЎМИН

Дарё бориб Бухорога
Сингиб,
Синиб
Қолар,
Яна авж олар.
Кўкарар
Саҳрода олтин ёвшанлар,
Зар шувоқларни еб кетишар,

Олиб кетишар олтин
Сурларни.
Дарёни еб битиришар,
Қолдириб халққа шўр
Сувларни.

Куйиб кетар шариф Бухоро,
Вужудини олов қуршаган.
Исиб кетар ер,
Ҳароратда саҳро
Туркистон,
Минглаб қўллар
Чўзилган кўкка,
Парвоз этар дарё
Бедор айлагали,
Зор айлагали,
Қумларни
Зар айлагали.

**ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ**
куйлаганда хонлар
Кузатар экан,
Бир нафасда олар экан
Жуда юксак авжини.
Зарафшон чўкди
Қўшиқда қолдириб мавжини,
Мангуликка тегиб
Самарқанд атрофида
Чўққилар,
Ҳофизнинг қалби
Қўшиғининг мавжлари каби!



**ҲАЗРАТ ДОМЛА КАМОЛ**

Нурота тоғлари орасида
Шовада
Ям-яшил қамишга чулғанган
Ёзу қиш
Қабрлари,

Уйга чўмган ҳазрат,
Минглаб фарзанд,
Ихлосманд.
Бола кўрмаганлар,
Кўрганлар фарзанд.

Домла Ғарибийнинг пирлари

Қабрда унган,
Ол, сариқ майсалар
Қонли замонларда
Тортган жабрлари
Ҳазратнинг сабрлари!

**ОЙБЕК**

Ойбек домла дод айлар,
Жим фиғон-фарёд айлар,
Наъматакка, қояга
Ажиб тил бунёд айлар!

Кўкда ой Ойбек каби,
Тўлди ерда бул жаноб,

Пичирлар ойининг лаби,
Ойбек айлар тарки хоб,

Поклик бирла эди дўст,
Юрарди бағрин очиб,
Жуфт қуёш порлаб жуфт кўз
Турарди софлик сочиб,

Тўкди юракни оққа,
Тўлганда тунлар ёниб,
Недир сиғмас кучоққа,
Келаётир тўлғониб,

Бу илҳом – чироғи дур,
Остида ёрийди тун,
Бу уйдан таралар нур,
Сўз не гўзал! Куйлар ун.

Соҳиб сўзин сўйлатар,
Лекин ўзин ўйлатар,
Фақат кўзин куйлатар,
Фақат кўзин...
Фақат ўзи...

## ЭСИРГАП ПОЛВОН

Қаҳрамон – достонда йўқ,
Ерда йўқ, осмонда йўқ,
Ўзи ер, ўзи осмон –
Тилда достон Қаҳрамон,



Каттақўрғон қамоғин,
Ер тагидан қозди у,
Ой қилиб от туёғин,
Қизил афтга босди у,
Қизилларни босди у,
Қуёш қилиб чироғин
Ўз юртига осди у!

## ТОҒЛАРГА

Гоҳо хуруж қилганида ғам,
Юрак тўлиб кетса оҳларга,
Дўстлар билан бўлишиб ҳамдам,
Тоғларга кетамиз, тоғларга!

Севги деган сўздан ёнди қалб,
Сайр этамиз бахтли чоғларга,
Жами дардни қилмоқ бўлиб даф,
Тоғларга кетамиз, тоғларга!

Дўст сўзидан куйиб кетди уй,
Ўтиб мунгли, мунгли боғларга,
Пешонада қотиб қолган куй –
Тоғларга кетамиз, тоғларга!

Тўйиб роса ҳамтовоқлардан,
Қўл тортамиз бадқовоқлардан,
Тошлари ҳам кўп юмшоқларга –
Тоғларга кетамиз, тоғларга!

Ёш бўлсак ҳам, қари бўлсак ҳам,
Биз етамиз хуш баҳорларга!
Дўланалар чопиб юрганда,
Тоғларга кетамиз, тоғларга!

**КЕТМОН**

кўтарилиб тушар,
Гоҳо учларидан юлдузлар учар.
Тиғларидан ҫачрар учқунлар,
Деҳқон юрагида асраб юрар уч кунлаб
Оз-моз бағри тош жойни.
Тариллоқ киролмас тор жойни,
Орик, нимжон, унумсиз тоши бор жойни.
Кетмон тушишига мос садо берар нафаси,
Нафасига кетмонининг зарбаси
Акс садо берар жаҳон, бироқ эшитмас,
Бировнинг қабрига тушмайди биров.
Кетмонни кўтариб урган
Деҳқоннинг орик гавдаси эмас,
Орзуси, истаги, армони,
Муҳими умиди
Кетмон билан ерга кириб чиқар
Чойнакдай нокларнинг,
Пиёладай олмаларнинг кўнглига тушган –
Сояси кўнглини, кетмонни, тошни куйдирар
Пиёладай анжирларнинг асали.
Чак-чак томиб ерни куйдирар,
Ҳали бу сояси ҳам
Деҳқон елкасини терни куйдирар.
Кўтарилар кетмон



Елкада офтоб ярақлар.
Кўтарилар кетмон
Бошда офтоб чарақлар.
Кўтарилар кетмон
Кўкракда куёш барқ урар.
Жўшади кетмон,
Иссиқдир ернинг бағри.
Тушади кетмон,
Кетмон билан кириб кетар ерга
Куёшнинг ярми
Тошдан қаттиқ ер
Осмондан йироқ осмон
Қуриган куйлакдай қотади жаҳон
Ернинг ўзи тушади терга!

**КАЙФИЯТ**

Барча туйғуларнинг отаси,
Балки онасидир кайфият.
Гоҳ буюкдир унинг «хато»си,
Гоҳ тўсиқдир режали ният.

Кимдир тўйиб кетгандан деди:
«Дунё аламлардан иборат!».
Кимдир ютуғидан жуда шод эди:
«Бахтдан яралган бу иморат!».

Мен ҳам сўнгсиз бўшлиқлардан,
Сўнгсиз жимликлардан сўнг айтсам:
«Нима фойда бу қўшиқлардан!»
Ва дарров фикримдан қайтсам.

Кутиб ўтирмасдан илҳомни,
Мен «чу!» десам илҳом отига
Ва сипқорсам шижоат жомин,
Қулоқ солмай ялқов додимга.

Кўшиқ – қасос,
Сарофроз эмас,
Фақат ўзим ғамимни есам!..
Ёлғон эмас, ҳ

Санъат!
Рост эмас!
Санъат пучдир!
Санъат куч десам,
Кайфиятим бунга сабаб,
Ёки ҳаётми?
Одамларга кўзингни қадаб,
Сочавергин шодлик,
фарёдни!

# Ортда қолган излар



**ХИЛВАТ**

ҳилолни қўлидан узиб ташлайди,
Осмонни кўзидан
Юзтубан,
Дузтамон
Майсаларни қучиб йиғлай бошлайди.
Хилват керак экан гоҳо одамга,
Гуноҳ қилмоқ учун эмас,
Гуноҳни ювмоқ учун
Қўлга кирган ойни
Қўйинга кирган осмонни
Қувмоқ учун.

## ТУН АДОҒИ

Қора киприкларда сарғиш шудринглар
изтироб томчилари,
кўнгил дардлари,
тўлиб келаётган тонг каби
қувонч
чўққиларга тож,
ёшариб кетар водий
ёш ариб, ўлка қад тиклар,
қалмоқдан қайтган алпга пешвоз
шикаста овоз,
хушовоз
ватан куйлар Хуш келдингни,
Висол, Эрк, Истиқлол
сурма киприкларда оппоқ марварид.



**ЙИҒИНИНГ СОЯСИ**

қабоқда қотиб қолган,
юракка ётиб олган,
чўкиб толган,
унча-бунчага йиғламас
бу одам.
Яратган зикридан кўз ёш тўкар,
йиғи кўз ёшмас
доим
кўз ёш йиғимас
хуллас, йиғи йиғланмас,
кўпда билинмас,
ишланмаган кучга ўхшайди,
сарфланмаган қувватга,
ҳар қандай йиғи дуруст
кўз ёшдан кўра,
маҳзун бир навога менгзар,
ҳазинликнинг чўққиси йиғи,
чуқур кетган юракни ўйиб,
сояси табассум тусида,
қолган кўзлар устида.

**КУНДУЗ**

экан, қайдам билибман,
ким билибди, ҳали ҳам
шайтон бошимда посбон,
ухлаб қолибман,
айтибман бир номни,
тўғри айтибман,
туш бўлса-да жазо олиб

буниси туш эмас,
ҳаётдан нолибман,
бекор нолибман,
чунки у ном менга
ҳаётдан азиз,
ўн саккиз минг оламдан азиз,
унсиз нолиш қилган бўлсам-да,
эшитмаган бўлса-да, биров
нега нолидим, деб ўйлайман ҳамон,
ҳануз юрагимни эзар хижолат,
нечун нолидим,
кундуз бўлса-да,
ухлаб қолсам-да,
шукрки, номини тўғри дебманки,
бир лаҳза бўлса ҳам
бир жазо бўлса учун
ҳолим нечун,
пушаймон тўрида,
афсус йўлида,
кунни қаро айлаш,
тунни ойдинлаш,
ухлатиш, уйғотиш
У Зот қўлида!

**ОЙ**

бу осмон остида икков ёлғизмиз,
наҳот, сен ўхшайсан кесилган бошга?
балки, аслимиздан қолган бир измиз,
қизарма, етарсан бир кун қуёшга,
гарчи кўкка қараб қилурман нола,



сенгамас, кўккамас, илтижом баланд,
қоронғу йўлларда чироқ – нур тола,
қуёши йўқларга сен бир шам монанд,
мен шукр этурман, кўнглим кечирди,
сенинг кўз ёшларинг кабидир дунё,
қоронғу ҳаётлар қандай кечарди,
йиғлаб ўтармиди сенсиз сендай ё?
Дунёда қуёш йўқ – порлоғинг замон,
шафаққа ёндошиб бормоғинг ёмон,
куй йўқдир дунёда навонгдай мовий,
ўзинг навоийсан, сўзинг самовий,
дунёда сенга ҳам кун кўрмоқ мушкул,
беҳислар туярми анбаринг, мушкинг,
кун йўқдир – порлаб тур юртим бошида,
ғарқ қилгин гоҳ маҳзун, гоҳ шод ёшингга,
ўлсам, кўз ёшингга чўкиб ўлайин,
тўлсам, насиб этса сендек тўлайин,
ўн бешта туним бор, қалин тўним йўқ,
тарк этма, дунёда ўн беш куним йўқ,
сен каби сарғайиб соям тўлишар,
сарғайган сарғайган билан бўлишар,
ҳамдард йўқ демагин, дема ўксизмиз,
бу осмон остида икков ёлғизмиз.

**ЧЎБИР**

Нечун айланиб қолди,
тулпор бевақт чўбирга,
қуруқ дарахтдай толди –
қайроғочдай, адрда,

ўксиниш бор кўзида,
кўл пайдодир кўксида,
ўзига олам тордир,
инсон, инсофинг борми?!

Талаб ўтар бир ёғин,
ғуж-ғуж пашша-чивинлар,
кўтаролмас қулоғин,
Ҳавас қилган шошолар;

юлдузни кўзлар эди,
кўз ёшсиз бўзлар энди,
уялар, номус-орми?
Инсон, инсофинг борми?

Сув бергин, сояга ол,
ширин сўз айт, ўт силаб,
ортда қоларди камол,
чопса, ер кўкни улаб,

кун келар, ҳар бир одам –
кўксида туяр алам,
қайтар дунё – боз-зорми?
Инсон, инсофинг борми?!

Йўрғасига берилиб,
ўтирардинг керилиб,
кўз юмиб ҳам кетардинг,
ўзи уйга элтарди!

Бир озгина мадад бўл,
у муҳтождир ҳамдард бўл –



сенинг меҳрингга зордир,
инсон, инсофинг борми?

## КЎК БОҒ

Булутлар биллурдай уюлар,
қовоғи солиқмас, порлоқдир,
қорайса-да дурлар қуюлар,
ташна боғдай юрак муштоқдир.

Боғларда япроқлар чўзар қўл,
тиниқликка кўк каби ташна,
боғда чопиб ёлғизоёқ йўл,
қиқирлаб қирларга туташар.

Қайғу эмас, дунёнинг йўли,
фақат шодлик эмасдир ҳаёт.
Кўкда булут бормоқда тўлиб,
Ердан шодлик кетмоқда қаён?

Ҳиммат ёғур, ёғур кўкдан нур
Кўнгиллардан ҳикмат ёғилур.
Кўкка қараб толпинар боғлар
Кўтарилар заминдан ҳовур.

## ИШҚ

Кўрдим сенинг ёноғинг ишқ,
қайдан сенинг ёнмоғинг ишқ,
оловланур еру само,
бошда тошдай ёнғоғинг ишқ,
шукр сенинг борингга ҳам,

қирмиз оҳу зоримда нам,
дард ёғилур дармонимдан,
шармандамен – оримда ғам,
қайдин келмиш дунё сели,
найдин селмиш само эли,
аҳли дунё қароринда,
беқарорман, наво келиб,
тушларимда кўрдим юзинг,
етгаймикин масиҳ сўзинг,
дунё анинг канаринда,
ашк баҳрида, аммо кўзим!

## ЙЎЛ

Далаларда бепоён оқлик,
қор туташиб кетган уфққа,
борар ўйчан ёлғиз отлик,
қора дунё узра совуқда,
порлар заиф мовий-оқ қуёш,
бўз туялар қатори – тоғлар,
умид билан кучлидир бардош,
от майишар тортилса оҳлар,
қайда макон, илиқлик, оғуш,
зилдай осмон кетмайди бошдан,
олам кўрар йўловчини туш –
йўловчининг пўстини тошдан!

## ЯНА

Яна боғлар аро пичирлар хазон –
англамоқ истайман, нодонман бироқ,



нурлар ўйинида кўраман тўзон,
кўраман тупроқлар бағрида титроқ,
сезаман, кетмоқда вақт шомга қараб,
бахт исроф бўлмоқда Номга қалтираб,
ким ҳам нафс зулмидан топибди омон,
шуҳрат ташвишидан кечибди қачон?!
Осмон ҳам баҳордан кўра тиниқроқ,
мен севган ранг билан айлар дилни ром,
Аллоҳга ёқади синиқ кўнгли оқ,
бироқ, мен синдириб қўйибман тамом!
Эвоҳки, йироқмас, одамдан ўлим,
бахт ҳам яқин эмас, сўзсиз сезаман,
кечагидан кўпроқ титрайди қўлим,
ҳис билан ҳисларни ҳиссиз эзаман,
нечун эсга тушар болалик бот-бот,
тиниқ тортиб қолди ариқлар бунча,
ўзимда нурашлар, кўксимда ҳаёт –
бамисли кузакда очилган ғунча,
куз келди, куз келди, эҳ, тўла куз бу!
Барокат фасли бўл, бўл менга дилдор!
Олдинда илиқми, ўртами, музми,
узунми, қисқами ... даҳшатли қиш бор.

## ТУН

Тун кириб келади ҳовлимга,
қуёшин излайман, қуёшим,
шуъласи тўкилар ҳовримга,
бардошим, эзилган бардошим
қушларнинг одатий қўшиғи
мунг тўкар, кўнглимга чўкади,

тинади, кушларнинг кўшини –
синади. Сукунат букади.
Ҳовлидир – бу олам, ҳувиллар,
кимса йўқ, йўқ бирор хуш калом,
ичимда нимадир увиллар,
товушсиз, Товушсиз бу алам.
Қайга четлаб ўтар эҳ, шодлик,
шамоллар киради эшикдан,
гарчи майин, у қайғу отлик...
тасалло топаман кўшиқдан:
дунёда бир дунё йўқотдим,
қушлари, кўшиғи, озори...
тош қот ғафлатни уйғотдим,
қизийди ёлғизлик бозори!

## ДАЛА

Далада ёлғиз уй
гуллаб кетар ёлғиз бўлса ҳам,
турналар ватанга қайтган чоғида
кўкларга қараб,
дорларда белбоғлар ҳилпирар,
тулпордай кишнайди ёлғиз чўбир ҳам,
барибир, шу уйдан бошланар баҳор,
қиш бошланиб келар шаҳар томондан,
жанубга кўчганда турналар
беҳи исларига тўлар ёлғиз уй,
туманларга ғарқ бўлар гоҳо
йироқдан кўринар қор узра катак,
оппоқ қорга кўнгил қўйган капалак



парвоз қилар фақат баҳорда,
кўринмасдан дарахтлар аро
каталакдай кичик бўлса ҳам,
изғиринлар ўтади шаштсиз,
қайиқ каби кичик бўлса ҳам
ичидаги одамлар улкан,
қайиқ каби ёлғиз бўлса ҳам
ичидаги жонлар ёлғизмас,
даладаги ёлғиз уй
гуллаб кетар, бас!

## ШАМОЛ

Лабим қуриб кетган. Бамисли хазон. Чилла
Чанқоғимни босгандай бўлар
муздай бу шамол. Совуқ эмас, иссиқ эмас.
Булоқлар ийси келар бу шамолдан,
тоғлар сояси,
гиёҳлар атри,
бу дунёнинг шамоли эмас,
бу насим,
болалик тонглари кўринар
бағрида элас
ойнинг ифорлари,
ойдин нафасим.
Қулочимни катта очаман,
бир қўлим Жайхун бир қўлим Сайхун,
нега хун, нега хун
кўксим
Мовароуннаҳр,

пешонам Зарафшон,
ноинсофлар чўктирдилар
бу дарёларни,
оримни ол, ор ол, дейман ор ол!

## ШУУР

Тушимда жаннатнинг сояси,
ўнгимда харобот қўраман,
тушаркан тубанлик пиллапояси
ер тагин хонобод кўраман,
хаёлда гулларкан яшилқон ниҳол,
ой қилиб порлатар орзум шамоли,
ҳар гулнинг жамоли қуёшдай беҳол,
ҳар қуёш манглайи гулли рўмолли,
соялар шамолда шамолдай титрар,
шаббода дегулик мовий напармон,
тушлар тушлигини тамом унутар,
мен ухлаб ўнгимни топарман қайдан,
уйғониб тушимни қайдан топарман?!

## ШУ ВАТАНДА

кўм-кўк, тип-тиниқ осмонда
кабутар учиб борар,
оппоқ,
оловга ўхшаб
бамисли хаёл,
орзу умид,
жонли шар,
тип-тиниқ, зангори осмонда
зангори ёлқин сочиб



учаётир оппоқ қуш,
балки армон,
ширин туш,
не бўлса ҳам рост,
шу юртда, шу ватанда
ҳей, Инсон, ҳаворингдан туш,
майли, ҳовлингдан тушма,
бир бош кўтар, қара,
уйғон, ҳей, киприклари панжара,
қара,
қандай гўзал осмон, қуш,
учаётиб кўраётир зангор,
оппоқ туш.

## ЖАМОЛИНГИЗ

*(Халқ қўшиғи йўлида)*

Тонг отади, оппоқ-оппоқ оҳлар уриб,
тонгларни ҳам уйғотади саломингиз,
кўл уйғонар кўксимда ҳам тўлқин суриб,
тебратгудай кўкни ифор шамолингиз,
ҳар томондан қарар қушлар сайроғи йўқ,
лол қолдирар боқишдаги саволингиз,
жилмайсангиз харобанинг вайрони йўқ,
осмондан ҳам баландмиди хаёлингиз,
дарё қизил... соҳилига уради бош,
шафақдан ҳам қирмизмиди, рўмолингиз,
қушлар кулиб тушар кўкдан, етмас бардош,
йиқитадур элни жилва, жамолингиз,
кўкдан тушиб йўллар кўкка талпингандай,

қуёшдан ҳам гўзалмидир аъмолингиз,
тўкилади ҳилолдан нур олтинлардай,
дунёни йўқ қилар бир кун висолингиз.

## СОҒИНЧ

Фозилмон кўлидан учиб келар ғоз,
оққуш учиб келар Оқтоғ бағридан,
бир сарин овоз-ла дашт қилар парвоз,
булоқ учиб келар дара қаъридан,
фақат парвоз билан тирикдир соғинч,
она, қўлларингиз кўнар бошимга,
қушнинг қанотидай силар майин, тинч,
олиб вақт залворин зил бардошимдан,
фақат учолмайди қалби ўликлар,
юмшоқ ўриндиққа кетар чаплашиб,
кўнгли ҳарис ҳислар билан тўлиқлар
кун ўтказар шайтон билан гаплашиб.
Она, ҳар кун учар сиз сари юзим,
чўзилиб ҳидларсиз хаёлан қучиб,
фақат ҳеч кимсага етмайди сўзим,
қўнади кулбамни айланиб учиб....

## БУЛОҚ

Бир ажойиб булоқ бор,
Нурота томонларда,
ой сув ичар интизор,
қуёш сузар тонглардан,
адрлар шод кўяр лаб,
тоғлар шошар тоттали,



қирлар ўйиб қуярлар
бағрини уйғотгали,
тўрғайлар қотар экан,
кўкда зўр ҳайратидан,
бу булоқ ботар экан,
чиқиб Ер пойтахтидан,
балиқлари ўлармиш
ўзга сувни қучса гар,
миллат миллат бўлармиш,
шундай сувни ичсалар.

## СЕН ЎЗИНГ ҒОЛИБ

*Сурьат Ориповга ўхшатма*

Қайдадир адашиб юрибди сабрим,
«Билмасман, мен унга қачон етарман!»
Мен орзу қилмасман – кутса-да қабрим,
дунёдан бошимни олиб кетарман,
менга май тутади шайтоний кибр,
лаззатлар оғулаб секин ишшаяр.
Шафақлар тарафдан қандайдир гидр,
аждардай булутлар менга ўшшаяр.
Лолалар урушдан сўнги косадир,
бир япроқ ярмини қилибди қурбон,
бу мунглуғ кўнгилни дорга осадир,
бир урфон типирлаб бера бошлар жон,
бирдан шафақларда тарам-тарам нур,
пор-пор ёришади пасайган осмон,
бир мовийлик қадар юксалар ҳовур,
ариқ бўйлаб чопар сакраб ялпизжон,

ялпизжон, сенга бу зилол сув бўлсин.
Тоғ, сенга дукурдак ҳур оҳу бўлсин,
ҳей, кўнгул – ташналаб дарёларга чоп,
симир булоқлардан оҳ-оҳ-ҳу бўлсин,
менга зах ер бўлсин кўк, ялпиз бўлсин,
майли, талх шеър бўлсин, кўп ожиз бўлсин,
шоир-ки, мағлубдир, ажаб шеър ғолиб,
майли, ғолибликлар бир бежиз бўлсин.
Фақат Сен ғолибсан. Бир ожиз экан –
танимоқ – дунёда буюк мукофот.
Бекор санчилмайди «тасодиф тикан»,
илтижо қилмоқ ҳам амал ва ҳаёт!

**У КУН**

Дунёлар айланиб сенга келадур,
самолар бойланиб сенга келадур,
айланиб борурман кенгдир караминг, –
балолар шайланиб менга келадур...

**ДУНЁ**

Анов тоғнинг ортидан
дунё ўтиб боради,
ҳақ элининг юртидан
куйган дил ёлворади:
дунё ўтар, дил қолар,
ёра бу кўнгул қолар.
Ҳар ўркачнинг пастига
осилган жоҳил қолар,
ёйдай эгик қошлар-а,



ўқ отади бошлар-а,
шаффоф тоғлар йиғлайди –
бағрида йўқ тошлар-а!

**ТУЛПОР**

От келади ариллаб,
осмонларга зориллаб,
боши савдони ёриб,
шамолларда пориллаб,
соҳибининг товони –
тўқмоқ, оғритар жонни,
тулпор ўзин синайди,
синов куни осонми?!
Ё Яратган Эгам, деб,
ўзинг Ёлғиз Ҳақам, деб,
ёлворади икковлон,
йиўқдир укам-акам деб,
саҳрода илҳақ бўлар,
от изи кўлмак бўлар,
ғам еганнинг устидан
кажрафтор кулмак бўлар,
тишни тишга кўяди,
тушни ўнгга йўяди
от кўзидан ой томиб,
йўлларини бўяди,
йил юлолмас бурдини,
ким унутар юртини,
силтанганда жонивор,
сувлик йиртар уртини!

Ғам отли йўлдоши бор,
кўксида қуёши бор,
ойни ўнгариб келар,
Алпнинг не қиёси бор?!

## БИНАФША

Бинафшажон, бинафша,
кўксим каби нафармон,
сиёҳларинг гунафша,
сени вайрон топарман,
гўзалсан-у ҳазинсан,
кичиксан-у вазминсан,
чопдиларми кўнглингни,
қандай қабр қазирсан,
тугдиларми тилингни,
қўшиғингни, дилингни,
қишда қайдан топарсан,
юртсиз қолган элингни?!
Бинафшажон, бинафша,
кўксим каби нафармон!

## ЧАШМИ НИГОР

Шамолда ўрилар тол кокиллари,
чирсиллаб қўяди олов ўчоқда,
бинафша нурга ғарқ чўққи гуллари,
шафақдан қирмизи чўғлар учмоқда,
шамолга ўралар тол кокиллари,



подалар қайтмоқда қандай гўзалдир!
нечун кўзларингда маъюслик ранги,
ярадор қанотдай гарди рўмолинг?!

## ЗОРИ

Жаҳон – қишлоғи, кўйи,
Ер – тўшак, осмон тўни,
шеъри – шоирнинг уйи,
хижолат қилма уни!

## ҲОВУЗ

барча сўзни ютиб юборар,
балиққа айланиб сузади сўзлар,
қармоқ ташлаб кўрмаслар унга,
кўрмасларми улкан ҳовуз
айланиб борар қумга,
бепоён қумга.

## КИБР

Қайтар дунё дерлар кибрни бас қил,
мансаб мангу эмас, тумшуқни паст қил,
ўзингни паст тутгил, паст бўлма лекин,
умидни чинор қил, ўзингни хас қил,
ҳар кун ваъз ўқийман ўзимга ўзим,
гарчи мансабим йўқ, тумшуғим пачоқ,
гарчи ҳаром жойдан тийсам-да кўзим,
бир ҳис тилкалайди бамисли пичоқ,
у борки тоатим савобсиз, бекор,

у борки доғлидир обрўйим, шаъним,
Азозилни шайтон айлаган беор –
кибр ҳисси эрур – менинг душманим.

**БУ БУЛБУЛ**

ҳасаддан зададир, овоздан нолир,
табиат берган бу хуш создан нолир,
қон сийиб қўяди тузоқ расмидан,
бироқ, тузоқ узоқ эъзоздан нолир.

## ДУО

Ўзинг иқбол бергин, саодат бергин,
ризқ ато эт доим элу юртимга,
насиб этганини шукрки, тердик,
шукрона этурмиз берган қутингга,
биз чиқдик қуролсиз, урушдан чиқдик,
қон бўлиб чиқдик биз, чиқдик шалаббо,
тилакларда латиф бир зиё уқдик,
энди нур кўнгилга, инди бир тавба,
кўнгил юмшаб келаётир зўр шафқат,
барча эзгуликлар Сендан бегумон,
Сенинг Нуринг жумла жаҳонга Раҳмат,
Сенинг Нуринг билан кўнгул чароғон,
икки дунё азобидан сақлагил,
икки дунё яхшилик бер мўминга,
Ўзинг бизни гўзал айла – поклагил.
Мағфират қил, ғарқ айлагил нурингга,
Ҳабибинг қошида қилма хижолат,
Улуғ кунда қўлла, меҳринг бепоён,



дилдаги гавҳарни айла саломат,
сиротдан, оловдан сақлагил омон!

## БУ ТОҒЛАР

Бу тоғлар қорлидир туманлари бор,
севгисиз юракнинг гумонлари бор,
йўлим хавфли даралардан ўтгувси,
бу йўлнинг тулкиси, ёмонлари бор,
"от чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
ботирни инграттар найза яраси",
чораси йўқ ўлим билан ажалнинг
дарани титратар шерлар наъраси,
шерлар наърасини шеър қилсам, дейман,
тулки яра солди, ер қилсам, дейман,
арслонлар ярамни ялаб тузатди,
тандан тўкилганни тер билсам, дейман,
тулкилар имлайди, чоҳга бошлайди.
кушлар қўшиқ айтар, оҳга бошлайди,
шайтон малайлари гуноҳга бошлар,
ям-яшил чўққилар моҳга бошлайди.

## ДАНАК

Болакай, қўлингни тош қилгин, мушт қил,
эл учун оч уни, улуғ юмуш қил,
данакда дарахту олов ниҳондир,
ҳеч курса диёрга данакдай иш қил!

## ҲИСОБ

Маънавий, руҳий тазйиқни
Таъқибни,

йўқчиликни
кўради одам,
ўтказади барини,
ўзи ҳам ўтади,
курашчи ҳисоб ҳам, китоб ҳам
яхши сўздир,
яхши ишдир,
қолганлари туцдир,
яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам,
чин бўлса ҳам, ёлғон бўлса ҳам,
икки дунёга етгувчи икки омад,
бахт
яхши сўздир,
яхши ишдир.

**КУЧУК**

Занжир жилдирайди. Тун ёвуқ.
Темирдай туман бор. Маъно йўқ.
Уй қўриқлар, уйи йўқ. Совуқ.
Дунё қўриқлайди, Дунё йўқ.

**ОЙ**

Ой кирди уйимга, кўп шодон,
қуёш кирмай қўйган эди,
ой қувнар мендан кўп, покдомон...
қувонч кўрмай тўйган эди.

**ЖОМ**

Жомсан, қалбга ўхшарсан,
тоғ бағрида яшарсан,



тош эмас, малҳамдайсан,
гулдан гилам тўшарсан,
юз-минг қўйинг ёйилиб,
бойсан, юрт ҳам қойилдир,
чўққиларинг ойни ҳам
тож қилмоққа мойилдир,
жомсан, қозон эмассан,
юртсан, осмон эмассан,
қирлар қочар уфққа –
ўтар-кетар демассан,
қизғалдоқ кўрк ташласин,
адрларинг яшнасин,
қайтсак, жом тут меҳрдан,
қондирсин қалб ташнасин!

**ҚУВОНЧ**

Мен телба бўламан айланаман шод,
улкан бахт жамолин кўрган ошиқдай,
"ўлган" отасини кўргандан зиёд –
боланинг кўнглига кирган тошқиндай
бир сурур кўтарар кўкларга,
дилимда ярқирар тиниқ бир шафақ,
зафар қозонганда алплар, ўктамлар
сурурли дамларни кечиргандай нақ,
мен қайга чопаман, йўқ бўлди олам,
мен қайга кетаман, билинмас замин,
қувонч келганида бир нуқтадир ғам,
мен улкан нуқтанинг кичик бир ғами.

## МОҲИРЎЙ

Қайда қолдинг, Моҳирўй –
болалигим ҳамроҳи,
хаёлимда узун ўй,
ишонч тўла нигоҳинг,
сен териб берган ялпиз,
бўтакўзлар ёдимда,
катта-катта қора кўз,
ширин сўзлар ёдимда,
ифор-ифор бўй йўқдир,
йиллар оша куй йўқдир,
излаб келдим, болалик –
энди эркин уй йўқдир.

## БУ АЙЁМ

адрлардан ўрлайди гулхан –
қизғалдоқ ёлқини туташар уфққа
шабнамга туташар ҳаяжон гулдан –
минг ранг ҳаяжони уммонлар туққан.
қушнинг тумшуғида ғам бирла бахт бор,
қалдирғоч қўшиғи эзар юракни,
ўрган, дил, тўрғайдай юксалиб зор-зор.
болалик кўкига нуқта урмакни,
сойлар тошқинида оқди нигоҳим.
кўзим кенг даштларнинг қолди йўлида,
кўксимни тимдалаб муштлаган оҳим, –
чиқолмай қон бўлди кимнинг қўлида,
ҳар неда жилов бор, ҳар неда кишан,
парчалаб ташламоқ истар дил ҳар он.



кўксингга бостириб киради пушмон,
кўзингга урилиб синади осмон,
ҳар қайда дилдираб чиқади кишан –
баҳорлар бош уриб тоғу адрга,
булоқлар боғ бўлиб чиқади ишдан –
бахтдан туғ кўтариб... йиғлар қадрига.
қандай маъно бордир менинг сўзимда,
суйканиб бир илдиз пойига чўкмас,
тоғдай таъна бордир ҳайрон кўзимга –
нечун у осмондай ёшини тўкмас?!

## ДАРАХТЛАР

Дарахтлар муштипар жигарларимдир,
кўнглимга ҳадлари сиғарларимдир,
даркор бўлса чўбин... от элтар жойга,
даркор бўлса нарвон... кўтарар ойга.

## СИНОВ

Одам хеч ўлмасга ўхшайверади,
гоҳ кувнаб, гоҳида қақшайверади.
қаттиқ қувонмагин, қақшама қаттиқ –
бу синов тоабад яшайверади.

## ЎЗИМНИ ЎНГЛАБ

Гоҳо дардим бирдир ҳалаклар билан,
гоҳо ишим бўлар фалаклар билан,
мен ўзни ўнгларман қачон, эх, қачон,
оҳ, ишим бўларми малаклар билан?!

## ЯШИЛ КЕЧА

Яшил от устида ҳилпирар
чакмон
яшил
юлдузлар уқаланиб тушар,
умаланиб отилар ой,
уваланиб сачрар,
уматилиб жаранглар,
найза отар чавандоз
кеча
сочар сочма,
қушлар қулаб тушар юлдузлар,
оқарар бир учи рўймоли ойнинг,
пистоқи атроф
сурма
яшиллигин йўқотгани йўқ тамоман,
мен эса тамоман десам ҳам
илким қилич,
ўн ғанимга татир илигим,
юз ғанимга бас келар изтироб,
минг ғанимга етар ғамим,
минг ғанимни енгар соғинч
мовий борлиқ кечами, кундуз
туғишганинг яшил кеча
етурман, мовий борлиққа кетурман,
мен мовий етурман.



## ЭСЛАШ

Талабалик йиллар
ётоқхона тош деворин
муштлардик,
қон оқиб
бўртарди қадоқ,
комил бўлмоқни истардик,
кўксимиз деразa пардаси,
кўтарилиб тушиб
шеър айтардик,
Яшар билан,
Ёқуб билан
курашардик барча маънода
тақиқ билан,
таъқиб билан
муштимиз тешиб чиқди
тош деворни, тошни,
лекин қонатмадик бир бурунни,
бирор бошни,
тушларга бўлар меҳмон
ўша гўзал баҳслар,
энди турмуш қилар қон,
гоҳо наҳслар,
энди гоҳо муштни кўйиб,
тошга урамиз бошни,
ҳечқиси йўқ, бировнимас,
ёрамиз тошни...

**ЧЎҚҚИЛАР**

ташлайдирман кўз –
чўққилар қорли,
балки аларда мендек зорли,
атай ўзларин тутар виқорли,
балки баҳорин йўқотгандирлар,
ташлайдирман кўз –
қунишган каби,
жунжайиб турар бормикан қалби,
нечун аларнинг гезарган лаби,
қўмсаб баҳорни совқотгандурлар,
ташлайдирман кўз –
қилар табассум,
қўллар баландда дуода бир зум,
илтижо айлаб, етказган сўзин –
сўраб баҳорин сўз қотгандирлар.

* * *

Э, дўст, менга дилдор бўл,
ғам юки зил, мадор бўл,
қолмай ботиб ғафлатга,
бедордурсан, бедор бўл,
йўлим нукси хорларим,
дор каби бу ёрларим,
э, дўст, менга мадор бўл,
кўтариб озорларим,
инграр дилда ор энди,
тилим бахтиёр энди,
юзда кўп, хўб табассум,
дилдами оз зор энди,



бемаҳал бу қорларим,
куз бўлди баҳорларим,
кулиб боқсанг, янграр дил –
синиб қолган торларим,
мадад бўлсанг куйлар дил –
узилган дуторларим.

* * *

Кулди ётоқда куртак,
мен қачон куларман,
тиконда қувонч – муртак,
мен қачон гулларман,
сил бўлиб кетди қиш,
буришиб қолди аёз,
бугун бўлди-ку ўтмиш.
эрта ёзди пояндоз,
ромлар қилмоқда парвоз,
ойнада қувонч ёши,
шафақлар берар овоз,
чақмоқлар тун қуёши,
тайтувлар бўлди доно,
телбалар куйлайди ҳур,
олам – мусибатхона,
юрагида зўр ҳузур,
ғамни қандоқ қуварман,
аё, қачон қувнарман!

**ҲИЖРОН**

Гуллар экдим йўлингга,
гулдай чопиб келар деб,

тикон кирди қўлимга,
Чопиб-топиб келар деб,
кирмас қўлингга тикон,
кирса етиб борардим,
“интизорлик кўп ёмон!”
ўйлаб кетиб борардим.

## ИШҚ

Йигитликнинг ғубори кўп,
Бандаликнинг гуноҳлари,
яхши ишлар бирла сен тўк,
гуноҳларинг, дил оҳларинг,
катта ишққа катта кўнгил
керак улкан фидоликлар,
ишқ ҳақиқий бўлса кўнгил,
бахт келтирар жудоликлар,
хатоликлар бўлгай сабоқ,
ширин бўлгай келган қийноқ,
насим – шарбат, шароб – сабоҳ.
тикон бўлгай гулдан беҳроқ.
Йўл қиличнинг дами бўлса,
саодатга элтувчи ул.
Басир бордир, Самъи бўлса
сенга ёрдир – сен шоҳдай қул!

## ТАКАББУР БОЙЛАР

Амалсиз отдай йўл элтгудек ҳар ён.
Ҳар жойга чўзса қўл этгудек аён.



Бўғзингга келса жон, кетурсан қаён,
Қутқара олмас мол, нетурсан боён?!

## ДОСТОНГА ИЛОВА

Мени ямлаб ютмоқда бу фурсат,
унинг зулмлари кетган томирлаб,
бир товуш келадир қандайдир... даҳшат!
оёғим тортади... оғир темирдан,
чирт этиб узилар юрак белбоғи,
белимдан қувватим кетади... қўрқув!
келади Алпомиш уни – инграғи,
эланиб кимдандир сўрар Ёдгор сув!
Қуриб кетган томоғимда бармоғи –
Ёсуманми, шайтонмикан – йириги,
сурилиб кетдими ортга – бормоғим,
кечикиб қолдимми?.. фурсат фириби!
Юртнинг иши дейман, қарғайман вақтни,
ғаним нигоҳ ила боққим ўзимга,
дуойибад қилдим хаёлий бахтни,
мен ғамни – азобни суртдим кўзимга,
энди қайғу саодатдай порлайди,
энди бахтлар тахтдан баланд юртимда,
гўрўғлилар, алпомишлар бормайди,
Кашалга ҳам, Қалмоққа ҳам кўз тутмам,
энди барчин кўчмас бўлди, кўчмасин,
чироғимиз ўчмас бўлди, ўчмасин,
сўнмас шуъла Ғирот билан Бойчибор,
учар бўлса сўғиш учун учмасин,
яхшиликдан, эзгу кундан Ёдгорман.

фурсат зуғумидан озод беморман –
соғайдим мен қушдай кунда порладим,
ярим йўлга бордим, Кашал бормадим,
Гулдирайди босиб чаман ёбонни
Алпомишнинг – Улуғ Бекнинг овози,
Ўш тарафда қўшиб еру осмонни
Солиҳ элни тутди ўзбек парвози!

## БЎЙЛИК

Осмонга ҳам чиқдим, ерга ҳам тушдим,
сўраб ҳақиқатни тинмайман ҳамон.
Гоҳ қуш бўлиб кучдим, ҳуш бўлиб учдим,
англадим, гавҳару ҳақиқат – иймон!

## ҒАЛАТИ ҲОЛАТ

Нимадир яширади мендан одамлар,
қаёққадир чопишади, ненидир излаб,
биров салмоқ билан юрар, секин одимлаб,
кимдир юзин ёпар кўлла, аста изиллар.
Ниманидир бекитади одамлар мендан,
гоҳ жилмайиб сочларин қўйишар силаб,
ё улар ҳам хеч нарсани билишмас мендай,
ё жуда ҳам чуқур-чуқур туйишар улар,
ё мен бошқа мамлакатга қолдимми тушиб,
чимчилайман баданимни; ўнгимми, тушим?
нариларда секин узун мошинлар миниб,
дўстларимми, ё ўхшарми?... ўтишар жимиб,
ниманидир бекитишар одамлар мендан,
қаёққадир шошилишар –улкан издиҳом,



мен гўдакдай ўксирман, кимлардир зимдан,
пардаларнинг ортларидан боқишар ҳайрон,
ич-ичимдан қақшайдирман – ғалати ҳолат,
эзиб қўйди мени бундай номаълум ғамлар,
очилишиб сўзлашмайдир, сирли ё даҳшат –
ниманидир бекитишар мендан одамлар.

## ҒАВҒОЛАР ДУНЁСИ

Э воҳ! Харидорлар кўпайиб кетди!
Бу гул сотилмайдур! Бу гул берилмас!
Бу боғнинг ғавғоси фалакка етди,
бу гулга етмади. Жимдир. Керилмас.
Ўзининг баҳосин билгандай, гўё,
парво ҳам қилмайдир, шод бўлмайди ё,
тушлари тамшанар бормикан даво,
уйқуда қўлларин чўзади ҳаво,
тонг олди шудринглар юлдуздай балқар,
гулнинг қўлларида ойнинг зиёси,
кечалар бир ички фарёд-ла боқар,
кундузлар кул бўлар, куяр дунёси,
эй, гул, кетмайсанми, фалакка учиб,
сен-эй, гул, не учун, очилдинг, ахир,
бу қора оламга қора ўй тушиб,
кир бўлмаса дейман, ногоҳон бағир,
гул парво қилмайди, дунёсига банд,
бағри ой, куёшнинг зиёсига банд,
чарақлаб кун-тунга солади ғавғо,
ғавғолар дунёси, рўёсига банд!

### 85-ЁТОҚХОНА

Шеър ўқирди Усмон ҳайқириб.
Абдукарим ёзар эди жим,
Акиф, Камол ташлаб кўз қирин,
сўнг боқишар мисли мунажжим;
    “юлдуз бўлар экан қайси шеър,
    сукунатми ёки ҳайқириқ?!”
    Сукунатдан титраб кетар ер,
    ҳайқириқдан... айрилиқ!
Деразадан Усмон оламга
сочар эди рангин аланга,
Абдукарим унларин нозик
дилхонага кўярди тизиб,
    тун чўкаркан янгроқ бир сўз,
    ёруғ керак, йўл керак!
    тонг отаркан, ташлайман кўз –
    уфқда жим порлар юрак!

### УМР

Ой, йиллар айрилиқ кабидир энди,
кўнгуллар ҳайронлик лабидир энди,
паришон, ташна-ю унли сўзи йўқ,
фалак қулоғи-ю ундош кўзи йўқ!

* * *

Битта гул бор нафасига мафтундир,
Бир булбул бор қафасига мафтундир,
Зоғлар бошларини булғаб қўнадир,
Битта қул бор капасига мафтундир.



### ҚАФАС

кўкси қон бўлади, кўкси қон –
қафас йиғлаб юборар бир кун,
қўригани учунмас пушмон,
уни тутиб тургани учун,
қафас йиғлаб юборар бир кун.

### МЕН

ҳеч кимга халал бермайман,
шуни истайман,
кимдир йўлдан олиб ташлашни истар,
ё тавба,
йўл четида дарахт каби ўсаман,
меҳр билан боқса
соя бўлишим мумкин,
мумкин мева беришим.

### ЧИРОҚ

Чироқ ахтарар йироқдан,
ҳеч бўлмаса қўлида бўлса,
осмон булут, қоронғу,
қиличнинг дамидай йўлида бўлса,
йиқилиб тушай дер,
шамолга суянар,
энтикиб, мункиб борар
бир гўзал
    хаёлга суянар,
изларини ёритиб борар,
зулматда бир одам...

## ДАРЁ ШАМОЛИ

Энтикар одам,
қуёш ортини ўйлайди,
жазирама бўлса, яхдай сувни,
сув бўлмаса, лоақал
дарё шамолини ўйлайди одам.

## ЁР

Қор ёғади қор. Қор.
дилда соғинч зор.
Қайлардасан ёр?
Эй, ёр, қайдасан?
Кўп изладим. Йўл қаттиқ,
ёнимдаги кўл қаттиқ,
тулпорим кўзидан тош
ёғилади – кўл қаттиқ,
зўр томирдан зўрлик келар,
хор бағирдан хўрлик келар,
отга бокдим кўз остидан –
ловуллаб ҳурлик келар,
туман кетгандай бўлар,
йўлим элтгандай бўлар,
от пишқириб тисланиб,
илон ётгандай бўлар,
илон ўзи жиндиро,
оят билан тиндиро,
қиличим ухлар, ҳали
дунё унга қиндиро!



Олам ўзи тошдиро,
одам тошдай бошдиро,
бошлиқ бўлсанг ишкда бўл,
шафқатингни ошдиро!
ошиқнинг юрти ишкдир,
сўзсиз ҳоли қўшиқдир,
икки дунёда султон,
Шоҳ Султонга ошиқдир,
бошимни тошга урдим,
савдомни ўзим кўрдим,
тулпоримга суяниб,
тоғларни тутиб турдим.

## ТАЛАБАЛИК

Куйлагим келмокда тонгни тўлдириб,
талабалар ҳақда, борича овоз,
аламни куйдириб, ғамни ўлдириб,
куйлагим келмокда, куй этса парвоз,
ҳурлик таржимаси, ватан парчаси –
талабалар, талабалар шаҳарчаси,
кирар шаҳарчага наврўз тўлқини,
ернинг табассуми – жаннат ёлқини,
куйлагим келмокда ватан ҳақда хўб,
баҳор бор, осмон бор, куй бор, куйиш йўк,
бир куш учаётир оёғи қизил,
қаноти, тумшуғин бўёғи қизил,
куш эмас, кўксингдан узилган осмон,
бир парча шафақ у ва бир парча тонг!

## КЎРК

Қайга кетаяпман, унутдим бир дам,
адр билан бирга йўртиб бораман,
уфқни кўз билан туртиб бораман.
Қизғалдоқ кўйлагини кийибди олам,

шамол ўйнаб турар юрт куйлаб турар,
мени бўғиб турар кичкина ғамим,
кўзиқорин излаб югуриб юрар
қандайдир болакай қичқирар: Самийй!

Қалқиниб тушади мудраган жарлар,
тоғ кўксингни тирнаб ўтади товуш,
эсингга тушади қайтмас жаранглар,
бир дам қўлдан берар жиловини хуш.

Қандайдир кўк ичра тўрғай нуқтадай,
қандайдир кўксини бўшатар жийрон,
менинг ўйларим ҳам чиқди нўхтадан,
олам менга ҳайрон, мен унга ҳайрон,

тоғларда лола бор, қирда қизғалдоқ,
лолақизғалдоқ йўқ, бўлмаган ҳеч вақт,
бўлмагани каби музқаймоқдан тоғ,
бўлмагани каби ерда доим бахт,

ҳақир кўнглим каби қизарар уфқ,
томоғимни йиртиб чиқади қўшиқ,
фақат мен кўксимни шунда ёраман,
тоғларга бораман, тоққа бораман!



Ногоҳ қалтирайман – янтоқ гулидай, –
дунё-да энг гўзал туюлар менга,
мен лаҳза қулидай, ларза қулидай,
тўхтатиб қололмам ўзимни нега?

Кичик ғам оғирлиқ қилар яёвга,
ўлдириб боради аста кичик ғам,
қизғалдоқ гулхани – гўзал оловга
ташлайман ғамимни кенгаяр олам!

Ва чорлай бошлайди қайтмас тулпорни,
қани болалигим кечган чанг кўча?!
Ўзгариб кетмишдир ул пок диёрим,
Уфқ ҳам қорайиб, тушмишдир кеча.

## ГЎЗАЛЛИК

Музларнинг бағрида ўсар гул,
қараган қалтираб кетади,
қараган қалтираб кетади!
қалтираб қолади гул нуқул,

қушлар музга урар кўксини,
жонворлар сирпанар, йиқилар,
марвариддай титрар ўксиниб,
гул бўғзига музлар тиқилар,

одамлардан йўқ ҳануз дарак,
жовдирар гул боладай зор-зор,
ҳалок бўлдим, деб ўйлар карахт.

Гул йўлига музлар интизор,
гул бўйидан эриб беозор...

## ФАРЗАНД

*(ҳадис)*

Кўз қувончи, кўнгил самари фарзанд,
ота-она куни-қамари фарзанд,
қилур оталарни қўрқоқ ва маъюс,
кўнгил мағлуби ҳам зафари фарзанд.

## УМИД

*(Иним Элмурод хотирасига)*

Бизнинг бу дунёда на чорамиз бор,
дард узра дард бўлган сир-ёрамиз бор,
ўйлайман; ўйламай бирор гап қилсам –
бу ўлим, йироқмас... бир... орамиз бор.

Дунёга бир арзсиз арз қилиб кетдинг,
дарз тўла кўнгилни дарз қилиб кетдинг,
хизмат қилмоқ бўлдим, тополсам имкон,
раво кўрмадингми, қарз қилиб кетдинг.

Афсуски, сўз бўлди бизга касбу кор,
муҳаббат ҳол эрур меҳр асли ҳол,
қизғалдоқ чайқалган Жом дашти аро
ўтсам, ўтолмасман, шабнам фасли бор.

Жом асли кўнгилдир, ишқ бу шаробдир –
тўлмаса, тўлмаган ҳаргиз харобдир,



бош уриб уфқни йиқитган уммон –
бепоён кўнгилдир дема саробдир.

Ҳамдард бўлолмадим эплаб сўз билан,
оч қолгандай мўл-мўл нону туз билан,
менда сўз йўқ эди ҳақиқатим бор –
суҳбат айлагаймиз ёруғ юз билан!

## ОМОНЁР

Бу фалакнинг дастида...
ҳануз дилли ёримсиз,
бу осмоннинг остида
омонмисиз, бормисиз,

кўкларда қушлар учса,
қарайман йўлингизга,
кўнгилни хаёл қучса,
қарайман кўнглингизга,

тулпоримнинг кўзини,
юлдуз ёқар бетоқат,
дарёларнинг юзини
музлар босди қатма-қат,

дарё синар – соҳилда
оҳлар урсам оловдир,
қушлар учар оҳимга,
шод кунлар менга ёвдир,

сиз деб чеккан дардимни
кўтаролмас полвонлар,
ёр ҳажрининг мардини,
суюб қолар осмонлар,

осмонларнинг остида
омонмисиз, бормисиз,
бу фалакнинг дастида...
ҳанўз дилдан ёрмисиз,

булоқларнинг кўзини
нурлар ёқди муздан оқ,
дарёларнинг юзини
музлар босди кузданоқ...

* * *

Чўққиларнинг қорлари
ой нурида ялтирар,
оҳ ёримнинг зорлари
юрагимда қалтирар,

эшитмайди чақирсам,
йўл узоқ на чора бор,
тоғ титрайди ҳайқирсам,
ҳайқирмайман бордир ор,

дардни ютиб яшайман,
сукут сақлаб қақшайман,
на чора бор эзди зор,
ёлғиз қушга ўхшайман,



қанотлари қайрилган,
йўлларидан тайрилган,
начора бор йироқ ёр,
ўз жуфтидан айрилган,

қушлар учса қарайман,
келмасми деб сўрайман,
айлашса хуш нола зор,
дилни нурга ўрайман...

**ДАРЁ**

Дарё мавжлари жим-жим,
қараб ўйларга толдим,
аста сизни эсладим,
боладай бўлиб қолдим,

ўпка тўлди осмондай,
рангим бўлди сомондай,
олис тоғлар ортида
юргандайсиз омондай,

чақмоқ йиртар уфқни,
дарё кўммас тўпиқни,
ўтолмасман, барибир...
қуролмасман кўприкни,

қорангизни оқ кўрдим,
юзингиз порлоқ кўрдим,
ўзингизни уфқда
ҳамиша титроқ кўрдим,

бу дарё оловланар,
тўлқинлари ёвланар,
тулпоримнинг ёллари
шамолларда товланар,

ёмон кунларни кўмдим,
яхши ўйларга чўмдим,
қизилланиб оққунча
бу дарё тамом тўнсин!

### КЕЛМАЙСИЗ

Айвонимиз олдида
нур ёйилди келмайсиз,
ғамлар ғамдан толдим-а,
сир ёйилди келмайсиз,
тутлар пишди... гул каби...
қушлар йиғлар, келмайсиз,
ғамга ботган дил каби
тушлар йиғлар, келмайсиз,
айвонимиз олдини
топган гуллар йиғлайди,
қайғу қамчи солдими,
чопган йўллар йиғлайди.

### БАХТЛИ УЙ

Оламга қор тушди, совиди кунлар,
Эгасиз ит каби далалар увлар,
Милтирар юлдузлар, тафтсиз учқунлар,
Балки, ҳеч ўчмасдир хотирдаги нур.



Балки, ёшлик каби самимий, покдир,
ўйладим, мен аввал Сени бошқача,
ҳатто у қийноққа кўнгул муштоқдир,
иссиқ қон ўрлайди пастдан бошгача.

Балки, сен ернинг бир иссиқ жойида,
ахтарарсан меҳр – ҳақиқатдир ул,
балки, ер бошида, осмон пойида,
порларсан қуёшдай дақиқалик гул.

Мен осмон остида изларман довуш,
бир порлаш истарман – бир жонбахш чорлаш,
муаттар нур каби учаётган қуш –
сенинг хаёлингдир, кўнглингдир порлаш.

Сени кўрарманми-кўрмасман, бир кун
ўтарман оламдан хаёлинг сари,
тирик жон бордирки орзуга тутқун,
эркдан жудо қилар орзунинг бари.

Қайдадир чирт этиб узилар япроқ,
ойдай ерга тушар, синади орзу,
қалтироқ ичинда қалқинар тупроқ...
бузиб чиқаётган тупроқдан ким у?

Ўйингта келмаган мунгли ўйингман,
куйлаб улгурмаган мунгли куйингман,
шу ҳаёт ичинда истадинг ҳаёт,
сен яшаб кўрмаган бахтли уйингман.

## МУНДАРИЖА

Бойчиборнинг ўйлари ....................3

### МАНГУ МАСОФА

Сени сўроқлайман ....................8
Ватан ....................9
Қочаётган бўрининг боласига айтгани ....................10
Товуш ....................10
Сен сабрим – жаҳоним ....................11
Йиғлаётган қиз ....................12
Кечинма ....................14
Тошкент ....................14
О, кўзим ....................16
Мангу масофа ....................17
Кўзлари кўзгулигим ....................20
Жудолик ....................21
Ошиқ ривояти ....................23
Шифохонада ....................26
Сўз ....................29
Баҳор осмонлари ....................29
«У чаккангга урганга ...» ....................30
Инсонга таъзим ....................32
Қувонч ....................35
Меҳрибон момо ....................36
«Булутларда гуноҳ йўқ...» ....................37
Пушкин муҳаббати ....................38
Шундай гўзалсанки... ....................38
Алвидо, севгилим ....................39
Сенинг кўшиғинг ....................41
«Шу ёруғ дунёда ёруғ хаёлим...» ....................43
«Гоҳо жонга тегар...» ....................44
Қишлоқдан қайтиш ....................44
«Ҳадемай қуёш ҳам кулгайдир...» ....................45



Қизғалдоқлар очилди ....................46
«Япроқлар тўкилар...» ....................47
«Қор тагида бойчечаклар...» ....................48
«Гулдан атир сочилаверар...» ....................49
Қишлоққа қайтиш ....................49
Бойчибор ....................50
«Титраб-титраб кўяди...» ....................53
Гўзаллик туйғуси ....................54
Тўрғай ....................55
«Балки у ҳам ўзича ҳақдир...» ....................57
Сим-сим ёмғир ёғар ....................58
Бир қиз куйлар ....................59
«Сен кетиб борасан...» ....................60
«Сен қолдинг…» ....................61
Қўрқув ....................62
Она дуоси ....................64
Қўшчи қўшиғи ....................66
«Кўзларингда кулган...» ....................68
«Ухламоқ унутиш эмас...» ....................69
Нормамат батракнинг оғир қиши
ёки қаҳратон ҳаёти ....................70
Эълон қилинмаган ватан уруши ....................71
«Қушлар учиб кетдилар...» ....................74
«Сизнинг кулганингиз...» ....................74
«Элим, сен бердинг...» ....................75
«Энг бахтиёр тушман...» ....................76
«Ногоҳ фалокат денг...» ....................76

### СУВАЙДО

Сенинг ....................80
Ҳар ёнда ....................80
Уруғ ....................81
Қудуқ ....................81
Ташқарида ....................81
Мен ....................82

Ой ..... 82
Сўрдим ..... 82
Жимлик ..... 82
Дарё ..... 83
Осмон ..... 83
Сени ..... 84
Йўлим ..... 84
Қайтиб ..... 85
Бу бир сукунатдир ..... 86
Жим ..... 86
Осмоннинг ..... 87
Эй тоғ ..... 87
Йўл ..... 88
Уммон ..... 88
Йўллар ..... 88
Қарайди ..... 89
Яшамоқ ..... 89
Булоқ ..... 90
Коинотдан ..... 90
Қуёш ..... 91
Гул ..... 91
Одамлар ..... 91
Булоқнинг ..... 91
Кичиккина ..... 92
Уқтиради ..... 92
Эски шаҳар ..... 92
Май ..... 93
Тоғлар ..... 93
Осмонга ..... 94
Тўрғай ..... 95
Албатта ..... 96
Мен ..... 96
Мени ..... 98
Бепоён ..... 98
Ўтмишдан лавҳа ..... 98



Ҳаёт ..... 99
Кундузлар ..... 99
Бевақт ..... 99
Бир ой ..... 99
Қушлар ..... 100
Оқ тоғ ..... 100
Уфқ ..... 102
Олис ..... 102
Отнинг ..... 103
Қувончга ..... 104
Инсонда ..... 105
Ҳарир ..... 105
Гулдирак ..... 106
Тожиддин ..... 106
Иқлим ..... 107
Мен ..... 107
Ватан ..... 108
Кулгухона ..... 109
Бу денгизнинг ..... 109
Сўрдим ..... 109
Дунё ..... 109
Тўлдирди ..... 110
Чироқ ..... 111
Мудрар ..... 111
Бутун ..... 112
Инсон ..... 112
Улгурмоғим ..... 112
Дам ..... 113
Бу тун ..... 113
Хотирамда ..... 114
Ёқимсиз ..... 115
Жимжитлик ..... 115
Далалар ..... 116
Шоирлар ..... 116
Ота ..... 117

Мени ....118
Куйди ....118
Оёғим ....119
Сўз ....120
Шу ....121
Шарбатни ....122
Инсон ....122
Қофия ....123
Тоғ ....123
Тоғ ....123
Улкан ....124
Ғулдурайди ....125
Саҳар ....125
Телба ....125
Шифокор ....127
Узун ....128
Кўнглимда ....128
Иқлимлар ....129
Эй осмон ....130
Ойнинг ....130
Агар ....131
Ҳазиллар ....131
Шеър ....132
Шоир ....134
Тоғ ....134
Ғижжак ....134
Ойдан ....136
Ҳаёт ....138
Бир кун ....139
Одами ....139
Ташвишга ....139
Қор ....140
Аҳмаджон ....140
Яшар ....141
Жаҳон ....142



Сенга ....143
Қиз қўшиғи ....143
Шамолли қишлоғи ....145
Очилар ....146
Саболардан ....147
Сенинг ....148
Тошиб ....148
Баркут ....148
Саратон ....148
Тарк ....149
Итқитиб ....149
Нигоҳинг ....149
Синфда ....150
Осмон ....151
Гулни ....152
Эслайман ....153
Учиб ....153
Йўллар ....154
Сафардан ....154
Чақирай ....155
Темир ....156
Тоғман ....156
Сукунат ....157
Чўққи ....157
Ер ....157
Ўраб ....157
Оламан ....158
Турсун Али Муҳаммад ....159
Сой ....159
Чайла ....160
Карвонлар ....161
Куёш ....162
Дунё ....162
Осмон ....162
Сени ....163

Соям........164
Дарё........165
Оламга........165
Туманда........165
Бир қаро........166
Кушлар........166
Садоқат........166
Жасурлик........166
Болалигимда........167
Ёз........168
Куш........168
Ҳалигина........169
Улкан........169
Саволингни........170
Ишқ........170
Менинг........170
Замин........170
Улкан........171
Ҳикоя........171
Менда........172
Олам........172
Қадам товуши........173
Дарвозанинг........173
Ёш........174
Сўнгсиз........174
Ғарб........175
Кўнглингни........176
Камол........177
Биламан........178
Булоқ........178
Жазава........179
Соялар........180
Тошқин........180
Дала........180
Бу учун........180



Қанча........180
Онҳазрат ёки ғалати уйғониш........181
Ғалати........181
Чаман........182
Оқ........183
Чоршаъм........183
Кўз........184
Осмон нигоҳи........184
Куёш........184
Инсоннинг........185
Юлдуздан........185
Чиройли........185
Шер........185
Куш........186
Саратон........186
Қиш........187
Тўла........187
Осмон........188
Ҳар инсон........188
Бир сўз........189
Саҳро........190
Шудгор........191
Ёмғирдан........192
Шеър........193
Сойда........193
Ватан........194
Эй менинг........194
Зина........195
Баҳор........195
Ерни........195

## ДАРЁ МАВЖИ

Абдулла Турди........198
Фитрат........198

Алим бахши ....... 199
Иброҳим Мўмин ....... 199
Ҳожи Абдулазиз ....... 200
Ҳазрат домла Камол ....... 201
Ойбек ....... 201
Эсиргап полвон ....... 202
Тоғларга ....... 203
Кетмон ....... 204
Кайфият ....... 205

## ОРТДА ҚОЛГАН ИЗЛАР

Хилват ....... 208
Тун адоғи ....... 208
Йиғининг сояси ....... 209
Кундуз ....... 209
Ой ....... 210
Чўбир ....... 211
Кўк Боғ ....... 213
Ишқ ....... 213
Йўл ....... 214
Яна ....... 214
Тун ....... 215
Дала ....... 216
Шамол ....... 217
Шуур ....... 218
Шу ватанда ....... 218
Жамолингиз ....... 219
Соғинч ....... 220
Булоқ ....... 220
Сен ўзинг ғолиб ....... 221
У кун ....... 222
Дунё ....... 222
Тулпор ....... 223
Бинафша ....... 224



Чашми нигор ....... 224
Зори ....... 225
Ҳовуз ....... 225
Кибр ....... 225
Бу булбул ....... 226
Дуо ....... 226
Бу тоғлар ....... 227
Данак ....... 227
Ҳисоб ....... 227
Кучук ....... 228
Ой ....... 228
Жом ....... 228
Қувонч ....... 229
Моҳирўй ....... 230
Бу айём ....... 230
Дарахтлар ....... 231
Синов ....... 231
Ўзимни ўнглаб ....... 231
Яшил кеча ....... 232
Эслаш ....... 233
Чўққилар ....... 234
«Э, дўст...» ....... 234
«Кулди ётоқда куртак...» ....... 235
Ҳижрон ....... 235
Ишқ ....... 236
Такаббур бойлар ....... 236
Достонга илова ....... 237
Бойлик ....... 238
Ғалати ҳолат ....... 238
Ғавғолар дунёси ....... 239
85-ётоқхона ....... 240
Умр ....... 240
«Битта гул бор...» ....... 240
Қафас ....... 241
Мен ....... 241

Чироқ.....241
Дарё шамоли.....242
Ёр.....242
Талабалик.....243
Кўрк.....244
Гўзаллик.....245
Фарзанд.....246
Умид.....246
Омонёр.....247
«Чўққиларнинг қорлари...».....248
Дарё.....249
Келмайсиз.....250
Бахтли уй.....250

Соҳиба, Ойдин, Табассум

*Адабий-бадиий нашр*

Йўлдош ЭШБЕК

**ҚИЗҒАЛДОҚЛАР ОЧИЛДИ**

*Шеърлар*

Муҳаррир *Р. Субҳон*
Мусаввир *Э.Абдикайырова*
Бадиий муҳаррир *Ҳ.Қутлуқов*
Техник муҳаррир *Л.Хижова*
Кичик муҳаррирлар:
*Д.Холматова, Г.Эралиева*
Мусаҳҳиҳ *Д.Маҳмудова*
Компьютерда саҳифаловчи *А.Сулаймонов*

17500

Нашриёт лицензияси AI №158, 14.08.2009.
Босишга 2016 йил 1 февралда рухсат этилди.
Бичими 80х100¹/₃₂. Офсет қоғози.
«Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 12,29.
Нашр табоғи 9,63. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 16-53.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Тел.: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

*e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz*
*www.iptd-uzbekistan.uz*